

الأُسالِيْبُ النَّبُوِيَّةُ فِي مَعَالِجَةِ الْأَخْطَاءِ

Хатоларни тузатишнинг пайғамбарона услублари

Шайх Муҳаммад Солиҳ ал-Мунажжид

Ислом Нури таржимаси

Муқаддима

Бутун оламлар ҳожаси, меҳрибон ва раҳмли, жазо кунининг эгаси, аввалгилар-у охиргиларнинг барҳақ маъбути, самовоту ернинг бошқарувчиси бўлмиш Аллоҳга ҳамду санолар, Унинг омонатдор пайғамбари, халқларга устоз ва оламга раҳмат қилиб юборилган зотга саловоту саломлар бўлсин.

Аммо баъд..

Инсонларга таълим бериш фойдаси умумий ва яхшилиги мўл бўлган улуғ ибодатлардан саналади. Бу иш даъватчи ва мураббийлар учун пайғамбарлар меросидан теккан улушдир. Ҳадисда келганидек: «Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло, Унинг малоикалари, самовоту ер аҳли, ҳатто инидаги чумоли-ю, (сувдаги) балиқлар одамларга яхшиликни таълим берувчи кишига салавоту салом йўллаб турадилар» (Термизий ривоят қилган ва: «бу ҳасан, ғариф, сахиҳ ҳадис» деган, Аҳмад Шокир: №2685). Таълим беришнинг турлари ва йўллари бор, услублари ва воситалари бор. Хатоларни тузатиб қўйиш ҳам таълим беришнинг бир тури бўлиб, бу иккиси бир-биридан ажралмас эгиз нарсадир.

Хатоларни муолажа қилиш ва тузатиш барча мусулмонларга вожиб бўлган диндаги насиҳат жумласидандир. Унинг амри маъруф ва наҳий мункар фаризасига алоқаси жуда яқин ва кучлидир. Фақат айтиб ўтиш керакки, хато доираси мункар доирасидан кўра кенгроқ, хато баъзан мункар бўлиши, баъзан мункар бўлмаслиги ҳам мумкин.

Хатоларни тўғрилаш раббоний ваҳий ва қуръоний манҳаж ҳам ўзи ичига олган ишлардан бўлиб, Қуръони каримда буйруқлар, қайтариқлар, иқрор, инкор, хатоларни – ва ҳатто Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан содир бўлган хатоларни ҳам – тўғрилаш мазмунидаги оятлар нозил бўлган, у зотга хитобан айрим танбеҳ ва итблар ҳам келган. Жумладан:

«У (пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўзининг олдига қўзи ожиз киши келгани учун қош чимирди ва (ундан) юз ўғирди. (Эй Муҳаммад

соллалпоху алайҳи ва саллам), **сиз қаердан билурсиз, эҳтимол у** (сиздан ўрганадиган илму маърифати ёрдамида ўз гуноҳларидан) **покланар. Ёки панд-насиҳат олар-да, сўнг бу панд-насиҳат унга фойда берар?!** Энди (ўз молмулки билан иймондан) **истигно қилиб турган кимсага келсак, бас, сиз ўшанга иқбол қилиб — юзланмоқдасиз!** Ҳолбуки у (ўзининг куфридан) **покланмаслиги сабабли сизга бирон зиён етмас!** Энди (Аллоҳдан) **қўрқкан ҳолда олдингизга югуриб-елиб келган зотга келсак, бас, сиз ундан чалғиб — юз ўгириб олмоқдасиз!**» (Абаса: 1-10).

«(Эй Муҳаммад соллалпоху алайҳи ва саллам), эсланг, **сиз Аллоҳ** (Исломга ҳидоят қилиш билан) **инъом-марҳамат қилган ва сиз** (кулликдан озод қилиб, ўзингизга ўғил қилиб олиш билан) **инъом қилган кишига** (яъни Зайд ибн Ҳорисага): «**Жуфтингни ўз ҳузурингда ушлагин** (яъни талоқ қилишга шошмагин), **Аллоҳдан қўрқгин», деб Аллоҳ ошкор қилувчи бўлган нарсани ичингизга яширган эдингиз ва **Аллоҳдан қўрқишиングиз ҳақроқ бўлгани ҳолда, сиз одамлардан** (яъни уларнинг таъна қилишларидан) **қўрқкан эдингиз**» (Аҳзоб: 37).**

«**Бирон пайғамбар учун то ерда ғолиб бўлмагунича, асир олиш жоиз эмас** эди. (Эй мўминлар), **сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз.** Аллоҳ эса охират (неъматлари сизларники бўлиши)ни истайди. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир» (Анфол: 67).

«(Эй Муҳаммад соллалпоху алайҳи ва саллам), **Сиз учун бу ишда** (яъни бандаларга нажот бериш ёки уларни ҳалок қилиш ишида) **ҳеч бир нарса** (яъни инон-ихтиёр) **йўқдир.** (Аллоҳнинг Ўзи) ё **уларнинг тавбаларини қабул қиласи** ёки **золимликлари сабабли азоблар**» (Оли Имрон: 128).

Қуръони каримнинг бир неча ўрнида айрим саҳобалар қилган хато ишларни баён қилиб берувчи оятлар нозил бўлган. Жумладан, Хотиб ибн Аби Балтаа розияллоху анҳу Қурайшга Расулуллоҳ соллалпоху алайҳи ва салламнинг Маккага уруш мақсадида отланаётганлари ҳақида хабар берувчи мактуб йўллаш билан жуда катта хатога йўл қўйганида қўйидаги оятлар нозил бўлди: «**Эй мўминлар, Менинг душманим ва сизларнинг душманларингиз** (бўлган мушриклар)ни дўст тутманглар! **Сизлар уларга дўстлик** (ҳақида хат-хабар) **юборурсизлар,** ҳолбуки улар **сизларга келган ҳақ** (дин ва Қуръон)га **кофир бўлгантирлар!** Улар пайғамбарни ҳам **сизларни ҳам Парвардигорларингиз** бўлмиш Аллоҳга иймон **келтирганларингиз** **сабабли** (ўз диёrlарингиздан) **ҳайдаб чиқармоқдалар-ку!** Агар сизлар Менинг йўлимда жиҳод қилиш учун ва Менинг розилигимни истаб чиқсан **бўлсангизлар** (у ҳолда мушрик-кофир

кимсаларни дўст тутманглар)! Сизлар уларга пинҳона дўстлик қилмоқдасизлар! Ҳолбуки Мен сизлар яширган нарсани ҳам, ошкор қилган нарсани ҳам жуда яхши билувчидирман! Сизлардан ким шу (иш)ни қилса, бас, аниқки, у тўғри йўлдан озибди!» (Мумтаҳана: 1).

Уҳуд ғазотида камончилар ўзларига Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам томонларидан қимиrlамай туришга буюрилган жойларини ташлаб кетиб, хатога йўл қўйишганида улар ҳақида қуйидаги оят нозил бўлди: «**То сусткашлик қилиб, (пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг) амру фармонлари борасида талашиб-тортишган ва Аллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани (яъни ғалабани) кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин пайғамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача** (бу устунликларингиз давом этди). Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охират истаган кишилар ҳам бор эди. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун **уларнинг** (устидан ғалаба қилиш ўрнига мағлубият томонга) буриб юборди» (Оли Имрон: 152).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларига адаб бериш мақсадида улардан ўзларини тортганларида баъзи одамлар у зот аёлларини талоқ қилдилар деб гап тарқатиб юборишганида қуйидаги оят нозил бўлди: «**Агар (улар ўзларига келган хабарни ҳар кимга ёйиб юрмасдан) пайғамбарга ва ўзларидан бўлган бошлиқларгагина етказганларида эди, уни (яъни мана шу хабарнинг ҳақиқатини) билмоқчи бўлган кишилар ўшалардан билган бўлар эдилар**» (Нисо: 83).

Айрим мусулмонлар ҳеч қандай шаръий узрсиз Маккадан Мадинага ҳижрат қилмай қолишганда қуйидаги оятлар нозил бўлди: «**Албатта** (мусулмонлар билан бирга ҳижрат қилмасдан кофирлар қўл остида яшашга рози бўлиш билан) ўз жонларига жабр қилган кимсаларнинг жонларини олиш чоғида фаришталар уларга: «**қандай ҳолда яшадингиз?**» — деганларида: «**Биз бу ерда чорасиз бечоралар эдик**, дедилар. (Шунда фаришталар): «**ҳижрат қилсанглар Аллоҳнинг ери кенг эди-ку?!** (Нега дину иймонларингиз йўлида бу юртдан ҳижрат қилмадинглар?)» — дейишди. **Бундайларнинг жойлари жаҳаннамдир. Қандай ёмон жойдир у!**» (Нисо: 97).

Оиша розияллоҳу анҳо ноҳақ туҳматга учраганларида айрим саҳобалар мунофиқларнинг миш-миш гапларига ишониб ушбу фитнага аралашиб қолганларида Аллоҳ таоло ушбу ҳодисани ёритиб берувчи оятлар нозил қилди. Уларда жумладан, қуйидаги оятлар бор эди: «**Агар сизларга дунё ва охиратда Аллоҳнинг фазлу-марҳамати бўлмаса эди, албатта сизларни тинмай**

сўзлаган нарса — бўхтонларингиз сабабли улуғ азоб ушлаган бўлур эди. Ўшанда сизлар уни тилдан тилга олиб, оғизларингиз билан ўзларингиз аниқ билмаган нарсани сўйлар ва буни енгил иш деб ўйлар эдингизлар. Ҳолбуки у Аллоҳ наздида улуғ (гуноҳдир). Уни эшитган пайтингизда: «**Бу (миш-мишни) сўзлаш биз учун жоиз эмасдир. Эй пок Парвардигор, бу улуғ бўхтон-ку!**» десангизлар бўлмасмиди?! Агар мўмин бўлсангизлар, ҳаргиз унга ўхшаган нарсаларга қайтмасликларингизни Аллоҳ сизларга панд-насиҳат қилур» (Нур: 15-17).

Баъзи саҳобалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида жанжаллашиб, овозлари кўтарилиб кетганда қуидаги оятлар нозил бўлди: «**Эй мўминлар, сизлар Аллоҳ ва Унинг пайғамбари олдида** (яъни иккисининг изнисиз бирон сўз ёки ишга) қадам босманглар! Ва **Аллоҳдан қўрқинглар!** Албатта **Аллоҳ** эшитувчи, билувчидир. Эй мўминлар, (токи қилган яхши) амалларингиз ўзларингиз сезмаган ҳолларингизда беҳуда-бефойда бўлиб қолмаслиги учун **сизлар** (пайғамбар билан сўзлашган пайтларингизда) овозларингизни пайғамбарнинг овозидан юқори кўтарманглар ва унга бир-бирларингизга очик (дағал сўз) қилгандек очик-дағал сўз қилманглар!» (Ҳужурот: 1, 2).

Жумъа хутбаси қилиб турилган пайтда савдо карвони келиб қолиб, айрим кишилар хутбани ташлаб, тижорат учун югуришганида қуидаги оятлар нозил бўлди: «(Эй Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), қачон улар бирон тижоратни ёки ўйин-кулгини кўриб қолсалар ўшанга қараб сочилиб-тарқалиб кетурлар ва сизни (минбарда) тик турган ҳолингизда тарк қилурлар. Айтинг: «**Аллоҳ ҳузуридаги нарса** (иймон ва яхши амаллар учун бериладиган ажр-мукофот) ўйин-кулгидан ҳам, тижоратдан ҳам яхшироқдир! Аллоҳ ризқ берувчиларнинг яхшироғидир!» (Жумъа: 11).

Хатоларни тўғрилашнинг ва улардан сукут қилиб турмасликнинг нақадар муҳимлигига далолат қилувчи шу каби оятлар бундан бошқа ҳам бир неча ўринларда нозил бўлган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мункарни инкор қилиш ва хатони тўғрилаш борасида Парвардигорлари томонидан кўрсатиб берилганидек йўл тутдилар, бунга асло бепарво қарамадилар. Шундан келиб чиқиб уламолар – раҳимахумулоҳ – қуидаги қоидани ишлаб чиққанлар: «Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ишнинг баёнини зарур вақтидан кечикиришлари мумкин эмасди».

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўзлари тўқнаш келган одамларнинг хатолари билан муомала қилишдаги манҳажларинини билиш жуда муҳимдир. Чунки, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Парвардигорлари томонидан қўллаб-қувватланган зотдирлар, у кишининг сўзлари ва феъллари ваҳий билан ҳамоҳанг бўларди. У зот соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг услублари ҳикматли ва фойдали бўлиб, ушбу услуб қўлланганида одамларнинг қабул қилишлари осонроқ бўлади. Мураббийнинг ушбу услуб ва йўлларга эргашиши унинг тарбия усули тўғрилигига далил бўлади. Қолаверса, набавий манҳаж ва услубларга эргашиш билан намуна ва ўrnак соҳиби бўлмиш Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўrnак олиш ҳосил бўлади ва табиийки бунинг ортидан агар ният холис бўлса катта ажрга эришилади.

Тарбиянинг пайғамбарона услубларини ўрганиш бугун ер юзини тўлдириб юборган тарбия услубларининг муваффақиятсизлиги сабабларини очиб беради ва уларга эргашиш йўлларини беркитади. Зоро, улардан кўплари хатолиги аниқ бўлган ҳамда мутлақ эркинлик назарияси каби бузуқ назарияларга қурилган ёки ота-боболарга кўр-кўrona эргашиш каби ботил анъаналарга қурилган тарбия йўлларидир.

Шуни ҳам айтиб ўтиш зарурки, ушбу пайғамбарона манҳажни воқелиқда амалий татбиқ қилиш жуда катта куч талаб қиласди. Яъни, юзага келган ҳар бир вазият ва ҳолатга ўзига муносиб ва ўринли услубни қўллаш керак бўлади. Инсон руҳиятини яхши билган кишигина бир-бирига ўхшаш ва бир-бирига яқин ҳолатларни мулоҳаза қилиб, улардан ҳар бирига мувофиқ келувчи набавий услубларни танлаб олишга қодир бўлади.

Бу китоб Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга яшаган ва у зот тўқнаш келган одамларнинг ҳар хил даража ва кўринишдаги хатоларига нисбатан у зотнинг муносабатларини очиқлаб берувчи набавий услубларни ўрганишга уриниш деб қабул қилинсин.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан тавфиқ беришини ва хатолардан сақлашини, ушбу ишимни ўзимга ва мусулмон биродарларимга манфаатли қилишини сўрайман. У бунинг Эгаси ва бунга Қодирдир, У тўғри йўлга йўлловчи Зотдир.

Хатоларни муолажа қилишда риоя қилиш зарур бўлган фарқлар ва билдиришлар

Баҳс мавзусига чуқур киришишдан аввал бирорларнинг хатоларини тўғрилашдан олдин ва бу ишга киришиш пайтида риоя қилиш зарур бўлган айрим фарқлар ва эътиборли жиҳатларга диққат қаратиш яхши бўлса керак:

– Аллоҳ учун холис ҳаракат қилиш

Хатоларни тўғриламоқчи бўлган киши бу билан фақат Аллоҳ таолонинг розилигини қасд қилиши лозим бўлади, бу ишдан мақсади ўзини бошқалардан юқори эканини билдириб қўйиш, кўнгилда бўлган носамимий бир ғаразни қондириш, шунингдек одамларни қойил қолдириш бўлмаслиги керак.

Ином Термизий раҳимахуллоҳ Шуфай ал-Асбаҳийдан ривоят қиласиди: Мадина га кириб келиб, одамларнинг бир киши атрофида йиғилиб ўтиришганини кўрдим. Ким бу киши, деб сўрасам, Абу Ҳурайра, дейишди. Мен ҳам унга яқинлашиб, олдига келиб ўтирдим. У одамларга ҳадис сўзлаб бераётган экан. Гапини тугатиб, ўзи холи қолган пайт мен унга дедим: «Мен сиздан ҳақ билан ва ҳақ билан сўрайманки, менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзингиз эшитган, яхши тушуниб ва билиб олган бир ҳадисни сўзлаб беринг». «Хўп, мен сизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўзим эшитган, англаб ва яхши билиб олган бир ҳадисни айтиб бераман», деди Абу Ҳурайра, сўнг бирдан оҳ тортиб, ўзидан кетиб қолаёзди. Бироздан сўнг ўзига келди, сўнг: «Мен сизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга мана шу уйда иккаламииздан бошқа ҳеч ким бўлмаган ҳолда айтиб берган бир ҳадисни айтиб бераман», деди. Кейин яна бир оҳ тортиб, ўзидан кетиб қолаёзди. Бироздан кейин ўзига келиб, юзини силади. Кейин: «Мен сизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга мана шу уйда иккаламииздан бошқа ҳеч ким бўлмаган ҳолда айтиб берган бир ҳадисни айтиб бераман», деди. Кейин яна бир оҳ тортиб, ўзидан кетиб қолаёзди. Бироздан кейин ўзига келиб, юзларини артди. Сўнг: «Ҳа, шундай қиламан. Мен сизга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга мана шу уйда иккаламииздан бошқа ҳеч ким бўлмаган ҳолда айтиб берган бир ҳадисни айтиб бераман», деди. Кейин бу сафар яна ҳам қаттиқроқ оҳ тортиб, беҳол бўлиб йиқилиб қолди. Мен анча вақт уни суюб ўтирдим. Кейин ўзига келгач, деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга айтиб бердилар: «Қиёмат куни бўлганида Аллоҳ таборака ва таоло бандалари олдига улар ўртасида ҳукм қилиш учун тушади. Ҳар бир уммат тиз чўқкан ҳолда бўлади. У биринчи бўлиб, Қуръонни жамлаган (ёд олган) кишини, Аллоҳ йўлида жанг қилган кишини, мол-дунёси кўп бўлган кишини чақиради. Аллоҳ таоло қорига айтади: «Мен сенга Ўз расулимга

нозил қилган нарсаларни билдириб қўймадимми?!». У: «Ҳа, шундай, эй Роббим», дейди. «Хўш, ўзингга билдирилган нарсаларга қандай амал қилдинг?», дейди. У: «Мен кечалари ва кундузлари улар билан намозда қоим бўлардим», дейди. «Ёлғон айтдинг», дейди Аллоҳ таоло, «ёлғон айтдинг», дейди фаришталар. «Йўқ, сен «фалончи қори» дейишларини истадинг, шундай ҳам дейилди», дейди Аллоҳ таоло. Кейин бой-бадавлат бўлган кишини олиб келинади. «Мен сенга мўл-кўллик яратиб бермадимми, сени бирорга муҳтож бўлмайдиган қилиб қўймадимми?!», дейди Аллоҳ таоло унга. «Ҳа, шундай, эй Роббим», дейди у. «Хўш, Мен сенга берган молда нима амал қилдинг?», деб сўрайди ундан. «Силаи раҳм қилардим, садака қилардим», деб жавоб беради у. «Ёлғон айтдинг», дейди Аллоҳ таоло, фаришталар ҳам «ёлғон айтдинг», дейишади. «Йўқ, сен «фалончи сахий» дейишларини истадинг, шундай ҳам дейилди», дейди Аллоҳ таоло. Кейин Аллоҳ йўлида жанг қилган кишини олиб келинади. Аллоҳ таоло ундан: «Нима мақсадда жанг қилдинг?», деб сўрайди. «Сенинг йўлингда жиҳод қилишга буюрилдим ва то ўлгунча урушдим», деб жавоб беради у. «Ёлғон айтдинг», дейди Аллоҳ таоло, «ёлғон айтдинг», дейди фаришталар. «Йўқ, сен «фалончи қўрқмас» дейишларини истадинг, шундай ҳам дейилди», дейди Аллоҳ таоло. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тиззамга уриб: «Эй Абу Ҳурайра, ўша уч киши Аллоҳнинг қиёмат куни дўзахга қаланадиган энг биринчи бандалари бўлади», дедилар» (Термизий ривоят қилиб: «ҳасан, ғариф ҳадис» деган).

Насиҳат қилувчининг нияти тўғри бўлса ажр ҳам ҳосил бўлади, Аллоҳнинг изни билан гапининг таъсири ва қабули ҳам бўлади.

– Хато қилиш инсон табиатида бор нарса

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Одамзотнинг ҳаммаси хатокор, хатокорларнинг яхшиси тавба қилувчилардир» (Термизий №2499) ва Ибн Можа ривоятлари, лафз Ибн Можаники, Абдулбоқий таҳқиқи, №4251).

Мана шу ҳақиқатни яхши англаш олиш ва уни кўз олдида тутиш билангина ишлар ўз маромидан чиқиб кетмайди. Мураббий инсонларни идеал ва хатодан пок шахслар сифатида қабул қилмаслиги ва уларга мана шу мезон ва андозадан келиб чиқиб қарамаслиги лозим, акс ҳолда каттароқ хатога қўл урган ё хатони такрорлаган кишидан ҳафсаласи совуб, унинг тузалишидан бутунлай умидини узиб қўйишига тўғри келади. Бунинг ўрнига у одамлар билан воқеий муносабатда бўлиши, башарий нафснинг билимсизлик, ғофиллик, ноқислик, ҳавога берилиш ва

унутиш каби салбий сифатлардан таъсирланувчи табиатини яхши англаған ҳолда муомала қилиши зарур бўлади.

Ушбу ҳақиқатни билишнинг яна бир фойдаси; бирорнинг хатосига дуч келиш натижасида мувозанатни йўқотиб қўймаслиқдир. Акс ҳолда бу ҳолат нохуш реакцияларга олиб келиши мумкин бўлади.

Ушбу ҳақиқатни англашлик мураббий ва даъватчига ўзининг ҳам худди хатога қўл урган кишидек оддий бир инсон эканини, ундан ҳам худди шундай хато содир бўлиши мумкинлигини эслатиб турари ва хато қилган кишига қўпопликдан кўра кўпроқ раҳм-шафқат билан муомала қилиш кераклигига йўллайди. Чунки, аслида мақсад хатони тузатиш эди, хато қилган кишини жазолаш эмас.

Бироқ, юқорида айтилган гаплар хатокорларни тек ташлаб қўйиш кераклигини, осийларни ва гуноҳи кабираларга қўл урувчиларни маъзур санаб, инсон хатодан холи бўлмайди деб, ё булар ҳали ёш деб, ё чор-атрофлари фитналар ва йўлдан урувчилар билан тўлган деганга ўхшаш важ-карсонлар билан уларни оқлаш кераклигини англатмаслиги лозим. Аксинча, шариат андозасидан чиқмаслик шарти билан инкор қилиш ва тергаш зарур бўлади.

– Бирорни хатокор санаш очиқ ҳужжатли шаръий далилга қурилган бўлиши, жаҳл (яъни илмсизлик)дан ёки мизож (яъни хулқ-атвор)дан келиб чиққан бўлмаслиги

Муҳаммад ибн ал-Мункадирдан ривоят қилинади: «Жобир розияллоҳу анҳу биргина изорда намоз ўқиди, уни гарданига боғлаб олганди (Сабаби – уларда сирвол-шалвар бўлмаган, руку ва сужуд қилганда тўсиброқ туриши учун изорларини гарданларидан ўтказиб боғлаб олишарди (Фатҳул-Борий: 1/467)), кийими эса қозиқда илиғлик эди. Бир киши унга: «Биргина изорда намоз ўқийсизми?!», деди. Шунда у: «Сен каби аҳмоқлар кўрсин деб шундай қилдим. Ахир Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам замонларида қайси биримизнинг иккита кийими бўларди?!», деди (Имом Бухорий ривояти. Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: Аҳмоқ деганда бу ерда жоҳилларни кўзда тутган.. Мақсад эса, гарчи иккита кийимда намоз ўқиш афзал бўлса ҳам, биргина кийимда ҳам намоз ўқиш жоизлигини билдириш бўлган. Гўёки, у (яъни Жобир розияллоҳу анҳу) бу билан: «Мен жоҳил-илмсиз одам менга ё эргашади ё эса инкор қилади, мен эса унга бунинг жоизлигини таълим бериш учун шундай қилдим, қаттиқ-қўпол дашном бериш билан уларни уламоларга инкор қилишдан қайтаришни қасд қилдим» дегандек бўлади: Фатҳ: 1/467).

– Хато қанча катта бўлса, уни тўғрилашга бўлган эътибор шунча кучли бўлиши

Масалан, эътиқодга тааллуқли хатоларни тўғрилашга бўлган эътибор одобахлоққа тааллуқли хатоларни тўғрилашга бўлган эътибордан кучлироқ бўлиши лозим ва ҳоказо.. Набий соллаплоҳу алайҳи ва саллам ширкнинг барча турига тааллуқли хатоларни текшириш ва тузатишга жуда катта аҳамият берардилар. Чунки, бу энг муҳим масала саналарди. Қуйида бунга бир неча мисолларни келтириб ўтамиз:

Муғийра ибн Шульба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Росулуллоҳ соллаплоҳу алайҳи ва саллам замонларида (ўғиллари) Иброҳим вафот этган куни кун тутилди. Одамлар: «Кун Иброҳимнинг ўлими сабабли тутилди», дейишиди. Шунда Росулуллоҳ соллаплоҳу алайҳи ва саллам: «Кун ва ой бировнинг ўлими ё туғилиши учун тутилмайди. Агар (тутилганини) кўрсаларингиз, намоз ўқингиз ва Аллоҳга дуо қилингиз», дедилар (И мом Бухорий ривояти).

Абу Воқид ал-Лайсий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаплоҳу алайҳи ва саллам Ҳунайн жангига учун чиққанларида мушрикларнинг қуролларини унга илиб қўйишадиган (ва буни ғалаба сабаби деб қўришадиган) Зоту Анвот деб аташадиган бир дарахтлари ёнидан ўтдилар. Шунда саҳобалар: «Ё Расулуллоҳ, анавиларда Зоти Анвот бўлгани каби, бизга ҳам Зоти Анвот қилиб беринг», дейишиди. Расулуллоҳ соллаплоҳу алайҳи ва саллам: «Субҳаналлоҳ! Бу Мусонинг қавми айтган: «Анавиларнинг илоҳлари бўлгани сингари, бизларга ҳам бир илоҳ ясад беринг!», деган гапнинг айни ўзи! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, ҳали сизлар ўзингиздан аввал ўтган қавмлар йўлига эргашасизлар» (Термизий (2180) ривоят қилиб: «ҳасан, саҳих ҳадис» деган).

Абу Воқиддан қилинган бир ривоятда: «Улар Расулуллоҳ соллаплоҳу алайҳи ва саллам билан бирга Маккадан Ҳунайнга қараб йўлга чиқдилар. Кофирларнинг унинг олдида тўхтаб ибодат қиласадиган ва қуролларини унга илиб қўйишадиган бир сидр дарахтлари бор бўлиб, уни Зоту Анвот деб аташарди. Биз бир катта, ям-яшил сидр дарахти ёнидан ўта туриб: «Ё Расулуллоҳ, бизга ҳам Зоту Анвот қилиб беринг», дедик. Шунда Расулуллоҳ соллаплоҳу алайҳи ва саллам: «Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар худди Мусонинг қавми: «Анавиларнинг илоҳлари бўлгани каби бизга ҳам илоҳ ясад беринг» деганидек гапни айтдинглар. Ҳали сизлар ўзингиздан олдингиларнинг йўлларига изма-из эргашиб кетасизлар», дедилар (И мом Аҳмад ривояти: 5/218).

Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳудайбийяда ёмғир ёғиб ўтган тундан сўнг биз билан бомдод намозини ўқидилар. Намоздан бурилгач, одамларга юзланиб: «Раббингиз нима деганини биласизларми?» дедилар. Улар: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», дейишди. Ул зот: «Раббингиз: Бандаларимдан баъзилари мўмин бўлиб, баъзилари кофир бўлиб тонг оттирди. Кимки: «Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан бизга ёмғир ёғди», деган бўлса, у Менга иймон келтирган ва юлдузга кофир бўлган кишидир. Аммо, кимки: «Фалон, фалон юлдузлар сабабли ёмғир ёғди», деган бўлса, у юлдузга иймон келтирган ва Менга кофир бўлган кишидир, деб айтди», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Ибн Аббос розияллоҳу анхумодан ривоят қилинади: Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, у зотга мурожаат қиларкан, гап орасида: «Аллоҳ ва сиз хоҳласангиз» деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мени Аллоҳга тенг қилдингми?! Йўқ, факат Аллоҳ хоҳласагина» дедилар (Аҳмад ривояти: 1/283).

Ибн Умар розияллоҳу анхумодан ривоят қилинишича, у Умар ибн Хаттобни бир жамоа ичидан топди, у отаси билан қасам ичаётган эди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларга нидо қилиб: «Огоҳ бўлинглар! Аллоҳ оталарингизга қасамёд қилишдан қайтаради. Ким қасам ичмоқчи бўлса, Аллоҳга қасам ичсин, йўқса жим бўлсин!», дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Имом Аҳмад «Муснад»да ривоят қилишича, Саъд ибн Убода айтади: «Мен Ибн Умар билан бир ҳалқада ўтирган эдим, у бошқа ҳалқадаги бир кишининг гапи орасида: «Отамга қасамки, йўқ», деганини эшитиб қолиб, унга қараб майда тош отди ва: «Бу (айтганинг) Умарнинг қасами эди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни бундай қасам ичишдан қайтарғанлар ва уни ширк деганлар», деди (Ал-фатҳур-раббоний: 14/164).

Абу Шурайҳ Ҳониъ ибн Язиддан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир қавм элчи бўлиб келди. У зот улар бир кишини Абдулҳажар (Тошнинг қули) деб чақиришганини эшитиб, ундан: «Исминг нима?» деб сўрадилар. У: «Абдулҳажар», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Йўқ, сен Абдуллоҳсан», дедилар (Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да (813) ривоят қилган, Албоний «Саҳихул-адабил-муфрад»да (623) саҳиҳ санаган).

– Ҳатони тўғрилаётган шахснинг мавқеини эътиборга олиш

Бир хил одамлар борки, бошқалардан қабул қилинмайдиган гапни улардан қабул қилинади. Чунки, уларнинг одамлар ичида алоҳида ҳурматлари ва обрў-эътиборлари бўлади. Ёки уларнинг ўша хато ишни қилаётган одамга нисбатан хос мавқелари бор бўлади. Масалан, отанинг ўз ўғлига нисбатан, устознинг ўз шогирдига нисбатан, раҳбарнинг ўз қўли остидаги кишига нисбатан бўлган мавқеига ўхшаш. Шунингдек, катта одамнинг мавқеи тенгдошникига ёки кичик ёшли одамнинг мавқеига ўхшаган бўлмайди, яқин одам бошқача, бегона одам бошқача бўлади. Қўлида ҳукмронлиги бор одам ҳукмронлиги йўқ одам билан бир хил бўлмайди. Мана шу фарқларни яхши англаш ислоҳ қилувчи кишини ишларни ўз ўрнига қўйишига ва ҳамма нарсанинг ўлчовини тўғри олишига етаклайди. Натижада унинг хатони инкор қилиши ёки тўғрилаши ундан кўра ёмонроқ мункарга ва каттароқ хатога олиб бориб қўймайди. Инкор қилувчининг хато қилган одамнинг қалбida тутган ўрни ва ҳайбати инкор даражасини белгилашда ва қаттиқўллик ва мулоҳимлик меъёрини аниқлаб олишда жуда муҳимдир. Бундан биз иккита фойдани чиқариб олишимиз мумкин:

Биринчиси, Аллоҳ таоло обрў-эътибор ва ҳукмронлик ато этган киши ўзидағи бу хусусиятни амри маъруф ва наҳий мункар ишига ҳамда ҳалқларга таълим беришга ишлатиши ва ўзининг зиммасида жуда катта масъулият борлигини билиши лозим бўлади. Чунки, одамлар аксарият ҳолларда бошқалардан қабул қилмайдиган гапларнинг кўпини ундан қабул қиласилар ва унинг гапи бошқаларнидан кўра таъсирлироқ чиқади.

Иккинчиси, буюраётган ва қайтараётган киши ўз қадрини суистеъмол қилмаслиги, яъни ўзини лойик даражасидан юқори қўймаслиги ва ўзида бўлмаган шахсиятнинг сифатлари билан тасарруф қилмаслиги лозим. Чунки, бундай қилиш нафратга ва тўсилишга олиб боради.

Дарҳақиқат, Пайғамбар соллалпоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ таоло у зотга ато этган обрў-эътибор ва ҳалқлар қалbidагi ҳайбатдан инкор ва таълим ишларида фойдаланардилар, кўпинча шундай бир ишларни қиласиларки, агар ўша ишни у зотдан бошқа бирор қилса, у даражада таъсирчан бўлмаган бўларди. Қуйида бунга баъзи мисоллар келтирамиз:

Яийш ибн Тихфа ал-Гифорий отасидан ривоят қиласиди: «Мен Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва салламга меҳмон бўладиган мискинлар (яъни аҳли суффа) қаторида у зотга меҳмон бўлдим. Расулуллоҳ соллалпоҳу алайҳи ва саллам тунда меҳмонларидан хабар олгани чиқиб, мени дум тушиб ётганимни кўрдилар. Мени

оёқлари билан туртиб: «Бундай ётма! Аллоҳ азза ва жалла бу ётишни ёмон кўради», дедилар».

Бир ривоятда: «Уни оёқлари билан туртиб, уйғотдилар, сўнг: «Будўзахиларнинг ётиши», дедилар» (Аҳмад ривояти: Ал-фатхур-раббоний: 14/244-245, Термизий (2798), Абу Довуд (5040) ривоятлари, «Ал-жомиус-саҳих: 2270-2271).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг обрў-эътиборлари ва тутган мавқеларидан келиб чиқиб, бундай кўринишда инкор қилиш у зотга муносиб келган бўлса ҳам, бошқа оддий одамларга муносиб келмаган бўларди. Бирорнинг дум тушиб ётишини инкор қилишни истаган ҳеч бир шахс уни оёғи билан тепиб уйғотишини, кейин у одам унинг бу ишини яхши қабул қилиб, раҳмат айтишини тасаввур қилиш қийин. Хатокорни уриш ё унга майда тошга ўхшаш бирон нарса отиш каби ишга ҳам худди шу гапни айтиш мумкин. Баъзи салафлар шундай қилганлар, бу эса ўша инкор қилувчи шахснинг тутган мавқеига мос келарди. Кўйида баъзи воқеаларни айтиб ўтамиш:

Доримий раҳимаҳуллоҳ Сулаймон ибн Ясордан ривоят қилишича, Сабиғ исмли бир киши Мадинага келиб, Қуръоннинг муташобиҳ оятларидан сўрай бошлади. Умар розияллоҳу анҳу унга одам юбордилар ва хурмо баргларидан тайёрланган бир калтакни тайёрлаб қўйдилар. (Келганидан сўнг унга:) «Сен кимсан?», дедилар. У: «Мен Аллоҳнинг қули Сабиғман» деб жавоб берди. Шунда Умар ҳалиги калтаклардан бирини олиб: «Мен эса Аллоҳнинг қули Умарман», деб, уни савалай кетдилар. Калтак зарбидан ҳатто унинг боши қонаб кетди. Шунда у: «Етарли бўлди, эй амирал-муъминийн! Бўлди, бошимни қийнаётган дарддан қутулдим», деди (Сунан-уд-Доримий: 1/15, №146).

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Ибн Аби Лайлодан ривоят қиласи: Ҳузайфа розияллоҳу анҳу Мадоинда эканида ичишга сув сўраган эди, қишлоқ оқсоқоли унга кумуш косада сув келтирди. Шунда Ҳузайфа косани унга қараб отиб юборди. Кейин деди: «Косани унга қараб отишимга сабаб – мен уни бундан қайтарган эдим, қайтмабди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни ипак-шоҳидан, тилла-кумуш идишларда ичишдан қайтарганлар ва: «Булар дунёда улар (яъни кофирлар) учун, охиратда эса сизлар учундир», деганлар» (Фатхул-Борий: №5632).

Имом Аҳмад мазкур воқеани Абдурраҳмон ибн Аби Лайлодан шундай ривоят қиласи: «Ҳузайфа билан бирга шу томонларга (яъни Мадоинга) чиқсан эдим. У ичишга сув сўради. Қишлоқ оқсоқоли кумуш идишда сув узатди. Шунда у идишни

унинг юзига қараб отиб юборди. Биз (бир-биримизга): «Жим бўлинглар, жим бўлинглар! Агар сўрасак, айтмайди», дедик ва жим туравердик. Кейинроқ у: «Биласизларми, нега идишни унинг юзига отдим?», деди. «Йўқ», дедик биз. «Чунки, мен уни аввал ҳам бундан қайтарган эдим», деди, сўнг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Тилла идишда ичманглар», деган ҳадисларини, Муоз ривоятида: «Тилла ва кумуш идишда ичманглар, ипак ва дебож (шоҳи) кийманглар! Чунки, булар бу дунёда улар учун, охиратда эса сизлар учундир» деган ҳадисларини айтиб берди (Муснад Аҳмад: 5/396).

Имом Бухорий ривоят қилади: (Урушда асир бўлиб, Анас розияллоҳу анхунинг ғуломига айланган) Сийрин Анасадан мукотаблик сўради (яъни икки ўртада келишилган маълум тўлов эвазига ўзини озод қилишни талаб қилди), у бадавлат киши эди. Анас кўнмади. Шунда Умар розияллоҳу анху ҳузурига бориб, шикоят қилди. (Умар Анасга:) «Уни мукотаблик асосида озод қил!», деди. Кўнмаган эди, Умар уни дарра билан урди ва қуйидаги оятни ўқиди: «(Эй мўминлар,) **қўл остингиздаги қуллардан** (тўлов тўлаб озод бўлиш учун) **битим тузишни истайдиган кишилар бўлса, у ҳолда агар сизлар уларда яхшиликни** (яъни диёнат, иймонни) **бilsangizlar, улар билан битим тузинглар**» (Нур: 33) (Фатхул-Борий: 5/184).

Имом Насойи Абу Сайд ал-Худрийдан ривоят қилишича, у (яъни Абу Сайд) намоз ўқиётганида Марвоннинг ўғли унинг олдидан ўтмоқчи бўлди. Қайтарган эди, қайтмади. Шунда уни урди. Бола йиғлаб чиқиб кетди ва Марвон ҳузурига бориб, айтиб берди. Марвон Абу Сайддан: «Нега биродарингнинг ўғлини урдинг?», деб сўради. «Мен уни урмадим, балки шайтонни урдим. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Сизлардан бирингиз намозда эканида бирор унинг олдидан ўтмоқчи бўлса, имкони борича уни қайтарсан. Қайтмаса, у билан урушсин. Чунки, у шайтондир», деганларини эшитганман», деб жавоб берди Абу Сайд (Ал-мужтаба мин сунан-ин-Насайи: 8/61, Саҳих сунан-ин-Насайи: №4518).

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Абун-Назрдан ривоят қилади: «Абу Сайд ал-Худрийнинг оёғи оғрирди. Биродари (акаси ё укаси) унинг олдига кириб кўрдики, бир оёғини иккинчи оёғи устига чиқариб (чалиштириб) ётибди. Қўли билан унинг оғриқ оёғига урган эди, «Оёғимни оғритдинг, нима, оёғим оғришини билмасмидинг?!», деди. «Билардим», деди. «Унда нега урдинг?!», деди. «Ахир эшитмаганмисан, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай ётишдан қайтарганлар», деб жавоб берди (Муснад Аҳмад: 3/42).

Имом Молик Абуз-Зубайр ал-Маккийдан ривоят қилади: «Бирор бир кишининг синглисига харидор бўлганида у синглисининг аввал нопок бўлганини (яъни зино қилганини) айтди. Бунинг хабари Умар ибн Хаттобга етганида у ҳалиги кишини урди ёки уришга яқин бўлди. Сўнг: «Буни айтишни сенга нима кераги бор эди?!», деди (Муваттоъ Молик: №1553).

Имом Муслим Абу Исҳоқдан ривоят қилади: Асвад ибн Язид билан катта масжидда ўтирган эдик, Шаъбий ҳам бор эди. Шунда Шаъбий Фотима бинт Қайснинг ҳадисини, яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга турар жой ҳам, нафақа ҳам белгиламаганлари ҳақидаги ҳадисни айтди. Асвад бир сиқим майда тош-тупроқ олиб, унга отди ва: «Қуриб кетгур, шунақа гапни айтасанми, ахир Умар: «Биз Аллоҳнинг китобини ва Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларини бир хотиннинг гапини деб тарқ қиласизми?! Ростдан ҳам ёдида қолганми ё эсидан чиқиб кетганми, билмаймиз-ку! Бу аёлга турар жой ҳам, нафақа ҳам (бўлади). Аллоҳ азза ва жалла айтган: «(То иддалари тугагунча) уларни (ўзлари яшаб турган) уйларидан ҳайдаб чиқарманлар ва улар ўзлари ҳам чиқиб кетмасинлар. Фақат улар очиқ фаҳш ишни (яъни бузуқлик ёки беҳаёлик каби қилиқларни) қилсаларгина (яшаб турган уйларидан ҳайдаб чиқарилурлар)» (Талоқ: 1), деган-ку», деди (Саҳиҳ Муслим: №1480).

Абу Довуд Абдурраҳмон ибн Бишр ал-Ансорийдан ривоят қилади: «Абу Масъуд ал-Анзорий бир ҳалқада ўтирган эди, икки киши Кинда эшигидан кириб келиб: «Бизнинг ўртамизни ажрим қилиб қўядиган бирор киши борми?», дейишиди. Ҳалқадаги бир киши: «Мен!», деди. Шунда Абу Масъуд бир сиқим майда тош-тупроқ олиб, ҳалиги одамга отди ва: «Жим бўл! Ҳукм қилишга ошиқиш макруҳ кўрилар эди», деди.

Яна, шуни ҳам кўрамизки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг баъзи вақтларда айрим хос саҳобаларига инкор қилишлари бошқаларга, яъни масалан, бирон аъробий ё бегона одамга инкор қилишларидан кўра қаттиқроқ суратда бўлган эди. Буларнинг ҳаммаси ҳикматдан ва инкор қилиш пайтидаги ҳолатни ҳисобга олишдан келиб чиқкан эди.

– Билмасдан хато қилиб қўйган одам билан билиб туриб қилган одам ўртасини ажратиш

Бунга мисол қилиб Муовия ибн Ҳакам ас-Суламий розияллоҳу анҳу билан бўлган воқеани келтириш мумкин. Бу киши Мадинага саҳродан (қишлоқдан) келган ва намоз ичидаги гапириш ҳаром қилинганини билмаган эди. У айтади: «Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи ва саллам билан намоз ўқиётган эдик, бир киши акса урди. Мен: «Ярҳамукаллох» деган эдим, одамлар менга ғалати қараб қўйиши. Шунда: «Хой, шўринг қурғурлар, нега менга бундай қарайсанлар?!», дедим. Улар қўллари билан сонларига ура бошлашди. Мени гапиртирасликка ҳаракат қилишаётганини кўргач жаҳлим чиқди, лекин жим бўлдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам намоз ўқиб бўлгач – ота-онам у зотга фидо бўлсин, у зотдан аввал ҳам, кейин ҳам у кишидан кўра чиройли таълим берувчи муаллим кўрмадим – Аллоҳга қасамки, мени тергамадилар, урмадилар, сўкмадилар. Балки: «Намоз ичидан одамларнинг гапларидан бирон нарса бўлиши дуруст эмас, у фақат тасбех, такбир ва Қуръон ўқишдан иборат бўлади», дедилар (Имом Муслим ривояти).

Жоҳил таълимга муҳтож, шубҳа эгаси изоҳга муҳтож, ғофил эслатишга муҳтож, билиб туриб қилаётган одам насиҳатга муҳтождир. Ҳукмни биладиган киши билан билмайдиган (жоҳил) кишига бир хил муомала ва бир хил суратда инкор қилиш ярамайди. Аксинча, жоҳилга қаттиқроқ суратда инкор қилиш уни нафратлантириб қўйиши ва қочириб юбориши мумкин. Энди агар унга ҳикмат ва мулойимлик билан ўргатилса, уни қабул қиласи. Чунки, жоҳил ўзини хатокор деб кўрмаётган бўлади. Унинг ҳол тили инкор қилувчи кишига гўё: «Менга ҳужум қилиш ўрнига олдин ўргатсанг бўлмайдими?!», деб хитоб қилаётгандек бўлади.

Баъзан хатокор ўзининг хато қилаётганини билмайди, аксинча ўзини тўғри иш қилаётган деб билади. Шунинг учун унинг ҳолатини ҳам риоя қилиш керак бўлади.

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам овқатландилар, сўнг намозга иқомат айтилган эди, (намоз учун) турдилар. Олдинлари (овқатдан кейин одатда) таҳорат қилардилар. Шунинг учун мен таҳорат қилишлари учун сув келтирдим. У зот мени жеркиб: «Қайт орқангга!», дедилар. Аллоҳга қасамки, бу менга ёмон таъсир қилди. Кейин намоз ўқидилар. Мен буни Умарга шикоят қилдим. У: «Ё Расулуллоҳ, Муғийрани қайириб ташлаганингиз унга оғир ботибди, кўнглингизда унга нисбатан бирон нарса бормикин деб кўрқаяпти», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Кўнглимда унга нисбатан яхшилиқдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Лекин, у менга таҳорат қилишим учун сув олиб келди, мен эса таомландим, холос. Агар шундай қилсам эдим, мендан кейин одамлар ҳам шундай қилган бўлардилар», дедилар (Муснад Аҳмад: 4/254).

Бундан кўринадики, Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг шу каби улуғ саҳобаларни хатокор санаб, инкор қилишлари улар кўнглида ёмон кўриш ё нафратланишга олиб келадиган ёмон таъсир қолдирмасди. Аксинча, бу нарса

уларга ижобий таъсир қолдирар, у зотдан дакки ё танбех эшитган саҳобий то Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан норози бўлмаганликларига ишонч ҳосил қилмагунича кўнгли ёмон сиқилиб, ўзини айбдор санаб, диққатчилиги ёзилмай юрарди.

Ушбу воқеадан бошқа бир хулоса ҳам чиқадики, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Муғийрани инкор қилишлари Муғийранинг ўзига шахсан ғазаб қилганлари учун эмас, балки одамларга енгиллик бўлсин учун ва улар фарз бўлмаган нарсани фарз деб гумон қилиб қолиб, ўзларини қийинчилликка дучор қилмасинлар деб танбех учун бўлганди.

– Эгасининг ижтиҳодидан келиб чиқсан хато билан қасддан, ғофиллик ва қосирлик билан қилинган хато ўртасини фарқлаш

Шубҳасиз, биринчи турдаги хато эгаси маломат қилинмайди, аксинча, agar холис ният билан ижтиҳод қилган бўлса, битта ажрга эга бўлади. Сабаби, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Агар ҳоким (ҳукм қилувчи, қози) ҳукм қилса, ижтиҳод қилиб, тўғри топса, унга икки ажр бордир. Агар ҳукм қилиб, хато қилса, унга битта ажр бордир» (Имом Термизий (1326) ривоят қилган ва «ҳасан, шу важҳдан ғариф ҳадис» деган).

Қасддан ва қосирлик билан хатога қўл урган киши эса ундаи эмас. Бу иккиси баробар бўлмайди. Биринчисига таълим берилади, тарбия қилинади. Иккинчисига эса панд-насиҳат қилинади, инкор қилинади.

Ижтиҳод дегани ҳам ҳақиқатан унга лойиқ шахс тарафидан қилинган, соҳиби у билан маъзур кўриладиган ижтиҳод бўлмоғи зарур бўлади. Илмсизлик билан фатво берадиган ва ҳолатларга риоя қилмайдиган кишининг ижтиҳоди эътиборга олинмайди. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг боши ёрилган киши воқеасида хато қилган кишиларга қилган инкорлари қаттиқ бўлганди. Абу Довуд «Сунан»ида Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Сафарда эканимизда бизлардан бир кишининг бошига тош тегиб, боши ёрилди. Кейин у эҳтилом бўлиб қолиб, шерикларидан: «Мен учун таяммум қилишга рухсат бормикин?» деб сўраган эди, улар: «Йўқ, сенга рухсат бор деб билмаймиз, сен сувга қодирсан», деб жавоб беришди. У ғусл қилди ва (шунинг оқибатида) вафот этди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келганимизда у зотга ушбу воқеа ҳақида хабар берилди. Шунда у зот: «Уни ўлдирибдилар, Аллоҳ уларни ўлдирсин. Билмасалар сўрасалар бўлмайдими?! Билмасликнинг давоси

сўрашлик-ку! Унга таяммум қилиши кифоя эди», дедилар» (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: 325).

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хабар берганларки: «Қозилар уч турли бўлиб, биттаси жаннатда, иккитаси дўзахда бўлади. Жаннатда бўладигани шундай кишики, ҳақни билиб, шу билан ҳукм қилган. Яна бир киши ҳақни билиб туриб, ҳукмда зулм қилган, у дўзахдадир. Яна бир киши одамларга ўзи билмаган нарсаси билан ҳукм қилган, у ҳам дўзахдадир» (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа ривоятлари, Албоний «Ал-ирвоъ»да сахиҳ санаган: 2164). Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур учинчи қозини маъзур санамадилар.

Хатони инкор қилиш даражасини тартибга соладиган ишлардан яна бири шуки, ўша хато содир бўлган муҳитни ҳам риоя қилиш лозим. Масалан, бир жойда суннат ёйилган бўлса, бошқа жойда бидъат кенг тарқалган бўлади. Шунингдек, мункарнинг тарқалиш даражасини ёки унинг қилинишига фатво берадиган жоҳил ё енгил қаровчи «олимлар»нинг борлигини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади.

– Хато қилувчининг яхшиликни истаб қилгани уни инкор қилишдан тўсмайди

Амр ибн Яҳёдан ривоят қилинади: «Отам бобомдан ривоят қилиб айтганларини эшитдимки: Биз ғадот (бамдод) намозидан олдин Абдуллоҳ ибн Масъуднинг эшиги олдида уни кутиб, чиқса бирга намозга борамиз деб ўтирган эдик, Абу Мусо ал-Ашъарий келиб қолди ва: «Абу Абдурраҳмон ҳали чиқмадими?» деб сўради. Биз: «Йўқ» деган эдик, то чиққунича биз билан ўтирди. Чиқиб келгач ҳаммамиз унга пешвоз чиқдик. Абу Мусо деди: «Эй Абу Абдурраҳмон, мен ҳозиргина масжидда нотаниш бир ишни кўрдим, лекин алҳамду липлаҳ, яхшиликни кўрдим». «Нима иш экан?» деб сўради. У айтди: «Борсангиз кўрасиз, масжидда бир қавмни кўрдимки, намозни кутиб ҳалқа-ҳалқа бўлиб ўтиришибди. Ҳар бир ҳалқада бир киши (бош), қўлларида тошчалар, ҳалиги киши: «Юз марта такбир айтинглар» дейди, юз марта такбир айтишади, «Юз марта таҳлил айтинглар» дейди, юз марта таҳлил айтишади, «Юз марта тасбех айтинглар» дейди, юз марта тасбех айтишади». «Сиз уларга нима дедингиз?» деди. «Сизнинг фикрингизни ва амрингизни кутиб ҳеч нарса демадим» деди. «Ёмонликларини санашга буюрмабсиз-да, яхшиликларидан ҳеч нарса йўқ бўлмаслигига кафолат бермабсиз-да» деди. Сўнг биргаллашиб кетдик. Ҳалиги ҳалқалардан бири олдига келиб тўхтади ва: «Нима қиласяпсизлар?» деб сўради. «Эй Абу Абдурраҳмон, тошчалар билан такбир,

таҳлил, тасбех, таҳмидни санаяпмиз» дейишди. «Гуноҳларингизни сананглар, яхшиликларингиздан бирон нарса зое кетмаслигига мен кафилман. Ҳолингизгавой бўлсин, эй уммати Муҳаммад! Ҳалокатингиз бунчалар тез бўлмаса! Ҳали у зотнинг саҳобалари ҳаёт бўлса, кийимлари ҳали эскимаган бўлса, идишлари синмаган бўлса! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлар ё Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг миллатидан кўра ҳидоятлироқ бир миллатдасизлар ё эса залолат эшигини очишга уринувчисизлар», деди. «Эй Абу Абдураҳмон, биз фақат яхшилик истаган эдик» дейишди. «Қанча яхшилик истовчилар бўладики, унга асло ета олишмайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганларки: «Бир қавм келадики, Қуръон ўқийдилар, бироқ бўғизларидан ўтмайди». Аллоҳга қасамки, билмайман, балки ўшаларнинг кўплари сизлардан бўлса керак» деди. Сўнг улардан бурилиб кетди». Умар ибн Салама айтади: «Ўшаларнинг кўпчилигини Наҳравон куни хаворижлар билан бирга бизга қарши урушга кирганини кўрдик» (Доримий «Сунан»да (№210) ривоят қилган, Албоний «Ас-силсалатус-саҳиҳа»да (№2005) иснодини саҳиҳ санаган, Ҳайсамий «Мажмаъуз-заваид»да (1/181) келтирган).

– Хатолар хусусида танбеҳ беришда тарафкашликка йўл қўймаслик ва адолатли бўлиш

Аллоҳ таоло айтади: «Сўзлаганингизда гарчи қариндошингиз бўлса ҳам адолат қилингиз!» (Анъом: 152).

Яна айтади: «Албатта, Аллоҳ сизларни омонатларини ўз эгаларига топширишга ва одамлар орасида ҳукм қилганингизда адолат билан ҳукм қилишга буюради» (Нисо: 58).

Усома ибн Зайднинг Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суюкли кишиси ҳамда суюкли кишисининг ўғли бўлиши у зотнинг унга Аллоҳнинг жазоларидан бир жазо тўғрисида ўртага тушишга уринганида қаттиқ инкор қилишларига тўсиқ бўлолмади.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида ўғирлик қилган бир аёлнинг иши (яъни қўли кесилиши хавфи) Қурайшни ташвишга солиб қўйди. Улар бу аёл тўғрисида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ким гаплашиб бера оларкин, дейишиб, бу тўғрида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суюклиси бўлмиш Усома ибн Зайддан бошқа ким ҳам журъат қила оларди, деган фикрга тўхталишди. Аёлни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келтирилди. Шунда Усома

у ҳақда гап очган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари ўзгарди ва: «Сен ҳали Аллоҳнинг ҳад-жазоларидан бир ҳад ҳақида ўртага тушмоқчимисан?!», дедилар. Усома: «Менинг ҳаққимга истиғфор айтинг ё Расулуллоҳ», деди. Кечки пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туриб хутба қилдилар, Аллоҳга Унинг Ўзига лойиқ бўлганидек ҳамду-сано айтгач, дедилар: «Аммо баъд.. Сизлардан аввал ўтган умматларни ҳалок қилган нарса шу эдики, агар ичларида бообрў одам ўғирлик қилса, тек қўйишар, агар заиф-нотавон киши ўғирлик қилса, уни жазога тортишарди. Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен агар Фотима бинт Муҳаммад ўғирлик қилса, унинг ҳам қўлинини кесган бўлардим». Сўнг ҳалиги ўғирлик қилган аёлни қўлинини кесишига буюрдилар» (Ҳадис «Саҳиҳайн»да келган, Имом Муслим (№1688) лафзи).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Усомага нисбатан тутган муносабатлари у зотнинг адолатларига ва шариат у зот наздларида шахсларга бўлган муҳаббатдан юқори туришига далил бўлади. Инсон ўзига нисбатан бирон хатога қўл урган кишини кечириб юбориши мумкин, бироқ шариатга нисбатан хатога қўл урган одамни кечириб юборишга ё унинг тарафини олишга ҳақли бўлмайди.

Баъзи одамлар бирон яқин кишиси ё ошна-оғайниси хато иш қилса, унга нисбатан бўлган инкори ўзи танимаган одамга қиладиган инкоридек бўлмайди, бундай ҳолларда кўпинча тарафкашлик ва ношаръий равишда одам ажратиш кўзга ташланади. Ва ҳатто ўз танишининг хатосидан бутунлай кўз юмиш, бошқанинг хатосини эса катталаштириб кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди.

Шоир айтганидек, розилик кўзи ҳар қандай айблардан юмилади, ғазаб-нафрат кўзи эса ёмонликларни ошкор қилади.

Бу ҳолат ишларни баҳолашда ҳам кўзга ташланади. Бир иш суюкли бир одамдан содир бўлса, уни бошқача тушунтиришга уриниш бўлади, бошқа одамдан содир бўлса, уни бутунлай бошқача тушунтиришга уриниш бўлади.

Юқорида айтилганлар бир хил вазият ва бир хил ҳолатда бўлган хатоларга нисбатан айтилган гаплар эди. Тафовутли ҳолатлар ҳақида қуириқда алоҳида сўз юритилади.

– Бир хатони тузатиш ундан кўра каттароқ хатога олиб келадиган бўлса ундан кўз юмилади

Маълумки, шариатда икки заарнинг каттароғини даф қилиш учун кичикроғини бўйинга олиш қоидаси амал қилади. Даъватчи баъзан бир хатони тузатиш унданда каттароқ бошқа хатога олиб бориб қўймаслиги учун ундан сукут қилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мунофиқларнинг куфрлари аниқ бўлгани ҳолда улар ҳақида сукут қилдилар, уларни қатл қилмадилар, озорларига сабр қилдилар. Сабаби, ҳолатдан боҳабар бўлмаган одамлар Мұхаммад ўз асҳобларини ўлдирмоқда, деб гап тарқатишлари хавфи бор эди.

Ёки бўлмасам, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Каъбани бузиб, Иброҳим алайҳиссалом қурган пойдевор асосига янгидан қуришдан тийилдилар. Чунки, Қурайш жоҳилиятдан энди-энди чиқиб келаётгани учун уларнинг ақплари буни кўтаролмаслигидан қўрқдилар ва бинони қандай бўлса шундайлигича, нуқсонли ҳолида, эшигининг остонаси одам бўйидан баланд ва оддий одамлар учун ёпиғлик ҳолича қолдирдилар. Ваҳоланки, бунда бир нави зулм қўриниши мавжуд эди.

Шунга ўхшаш, Аллоҳ таоло мушрикларнинг бут-санамларини сўкиш ва ҳақоратлаш Аллоҳга ибодат ва қурбат бўлгани ҳолда бундай қилишдан қайтарди. Чунки, бундай қилиш бутларга сифинишдан ҳам каттароқ мункарга, яъни мушрикларнинг Аллоҳ таолони сўкиш ва ҳақоратлашларига олиб келиб қўйиши мумкин эди.

Баъзан даъватчи бир мункарни инкор санашида агар ундан кўра каттароқ хато ё мункарга дуч келиш хавфини кўрса, ундан кўз юмади ё унинг инкорини кечиктириб туради ё инкор услубини ўзгартиради. Модомики, нияти тўғри бўларкан ва Аллоҳ йўлида маломатчининг маломатидан қўрқмас экан, уни инкордан тўсаётган нарса қўрқоқликдан эмас, диннинг фойдаси учун бўларкан, унинг бу иши қосирлик ё заифлик саналмайди.

Айтиб ўтиш керакки, қандайдир бир хатони инкор қиласман деб ундан кўра каттароқ бошқа хатога тушиб қолиш сабабларидан бири – ҳикмат билан бошқарилмайдиган ғайрат-шижоат бўлади.

– Хато ундан содир бўлаётган табиатни билиш

Баъзи хатолар бўладики, улар хилқатнинг аслига тааллуқли бўлгани боис уларни буткул йўқотиб бўлмайди, балки камайтириш ва енгиллаштириш мумкин бўлади. Чунки, батамом тузатиб юбораман дейиш кулфат ва мусибатга сабаб бўлиши мумкин. Бунга мисол қилиб аёл кишининг ҳолатини келтириш мумкин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аёл киши қовурғадан

яралган, ҳеч бир йўл билан тўғриланмайди. Агар фойдаланаман десанг эгрилиги бўйича фойдаланасан, агар тўғрилайман десанг синдириб қўясан, синдириш талоқ қилишдир» (Имом Муслим (1468) Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

Бир ривоятда: «Аёлларга яхшилик қилишни бир-бирингизга тавсия қилинглар! Зеро, аёл киши қовурғадан яратилган, қовурғанинг энг эгри жойи юқорисидир, агар уни тўғрилайман десанг синдириб қўясан, агар тек қўйсанг эгрилигича қолади. Бас, аёлларга яхшилик қилишни бир-бирингизга насиҳат қилинглар!» (Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривояти, Ал-фатҳ: 5186).

Ибн Ҳажар раҳимахуллоҳ айтади: «Аёлларга яхшилик қилиш» дейишда уларни юмшоқлик билан тузатишга рамз-белги бордек, яъни бунда ўта муболага қилинмайдики, синдириб қўйиши мумкин, тек ташлаб ҳам қўйилмайдики, эгрилигича қолиб кетади... Бундан олинадики, уларнинг табиатларида ўрнашган ноқислик агар ҳаддан ошиб, бевосита маъсият қилишга ё фарзни тарқ қилишга олиб борса, уларни тек ташлаб қўйилмайди. Фақат мубоҳ ишларда уларни эгрилигича қолдириш кўзда тутилади. Ушбу ҳадисда кўнгилларни мойил қилиш ва қалбларни ўргатиб олишда муроса қилиш кераклиги, шунингдек, аёлларга нисбатан кечиримли бўлиш, уларнинг эгриликларига сабр қилиш маънолари, уларни буткул тўғрилайман деган одам улардан фойдаланишдан маҳрум бўлиб қолиши, ҳолбуки эркак киши бирга ҳаёт кечирадиган ва тирикчилигига ёрдамланадиган аёли бўлишидан беҳожат эмаслиги уқтирилмоқда. Гўёки, улардан фойдаланиш фақат уларга сабр қилиш билангина амалга ошади, дейилади» (Фатхул-Борий: 9/954).

– Шариатга нисбатан қилинган хато билан шахсга нисбатан қилинган хатони фарқлаш

Агар биз учун динимиз ўз шахсиятимиздан кўра қимматлироқ бўлса, биз динимизга ёрдам беришимиз, уни ҳимоя қилишимиз, динимиз учун ўз нафсимиз учун ғазаблангандан кўра кўпроқ ғазабланишимиз лозим бўлади. Бир одам ўзини сўккан одамдан ғазабланиши ва жон-жаҳди билан уришиши, лекин шундоққина кўз олдида Аллоҳнинг динига тажовуз қилаётган одамдан ғазабланмаслиги ёки динини заифлик билан, қимтинибгина ҳимоя қилиши кишидаги диний ҳамиятнинг ўта заифлигига далолат қиласи.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз шахсларига нисбатан хато ё тажовуз қилган кишиларни, хусусан сахроий арабларни қалбларини мойил қилиш учун

кўпинча кечириб юборардилар. «Саҳиҳ Бухорий»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан йўлда кетар эдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг эгниларида четлари дағал нажроний тўн бор эди. Бир аъробий ул зотга етиб олди-да, тўнларидан қаттиқ тортишди. Мен Расулуллоҳнинг бўйинларида қаттиқ тортиш оқибатида тўннинг дағал четлари из қолдирганини кўрдим. Кейин у аъробий: «Эй Муҳаммад, амр этгин, ҳузурингдаги Аллоҳнинг молидан (менга ҳам берилсин)», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ўгирилиб қарадилар ва кулдилар. Кейин унга беришга амр этдилар» (Фатҳул-Борий: 5809).

Аммо агар хато динга нисбатан қилинган бўлса, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳ учун ғазабланардилар. Қуйироқда бунга мисоллар келади.

Хатолар билан муомала қилиш бобида риоя қилиш зарур бўлган бир неча ишлар мавжуд. Жумладан:

- Катта хато билан кичик хато ўртасини фарқлаш. Зеро, шариат ҳам катта ва кичик гуноҳлар ўртасини ажратади.
- Яхши амалларда пешқадам бўлиб келган ва мозийси хайрли бўлган – яхши амаллари денгизи ичида хатоси қариyb кўринмай кетадиган – хато қилувчи билан гуноҳлари кўплигидан ўзига ўзи зулм қилувчи осий ўртасини фарқлай билиш. Қолаверса, аввалдан яхши амаллар қилиб келган кишининг хатосига сабр қилинади, ваҳоланки айни турдаги хато бошқалардан содир бўлса, одатда унга сабр қилинмасди. Абу Баkr Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан содир бўлган воқеа бунга мисол бўлади. Асмо бинт Аби Баkr розияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ҳаж сафарига чиққан эдик. Арж деган жойга етганимизда (дам олиш учун) тушдик. Оиша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига ўтириди, мен отамнинг ёнларига ўтиридим. Абу Баkrнинг ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туялари битта бўлиб, тизгини Абу Баkrнинг ғуломи қўлида эди. Абу Баkr унинг чиқишини кутиб ўтирилар. У чиқиб келди, бироқ туя йўқ эди. «Қани туянг?», деб сўрадилар Абу Баkr. «Кечқурун йўқотиб қўйдим», деди ғулом. Абу Баkr: «Ўзи биттагина туя бўлса, шуни ҳам йўқотасанми?!», деб уни ура бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам табассум қилиб: «Манави эҳромдаги кишининг нима қилаётганига қаранглар», дердилар. Ибн Аби Ризма айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Манави эҳромдаги кишининг нима

қилаётганига қаранглар» деб, табассум қилишдан у ёғига ўтмадилар» (Абу Довуд «Сунан»ида ривоят қилган, Албоний, «Саҳиҳ сунан Аби Довуд»: 1602).

- Қайта-қайта (муайян) хато содир бўлган одам билан биринчи марта хато қилган одам ўртасини фарқлаш.
- Давомий равишда хато содир қиладиган одам билан онда-сонда хато қиладиган одам ўртасини фарқлаш.
- Хатосини очиқ-ошкор қиладиган одам билан яшириб қиладиган одам ўртасини фарқлаш.
- Дини ҳали мўрт бўлиб, қалбини улфат қилинишга муҳтож бўлган кишини риоя қилиш ва унга қаттиқлик қилмаслик.
- Хато қилувчининг нуфуз ва манзилат (обрў-эътибор) жиҳатидан бўлган ҳолатига эътибор қаратиш.

Санаб ўтилган эътиборлар юқорида ишора қилинган адолатга зид келмайди.

– Хатокор ёш болага унинг ёшига муносиб равишда инкор қилиш

Имом Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилади: «Ҳасан ибн Алий садақа хурмоларидан бир дона хурмони олиб, оғзига соглан эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қих-қих, билмайсанми ахир, биз садақа емаймиз», дедилар (Фатҳул-Борий: 3072).

Табароний раҳимаҳуллоҳ Зайнаб бинт Аби Саламадан ривоят қилишича, у (болалигида) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл қилаётгандарни устига кириб келган экан. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ҳовуч сув олиб, унинг юзига сепган ва: «Қайт орқангга, тирмизак!», (**Эси йўқ, зумраша**) деган эканлар (Ал-муъжамул-кабир: 24/281, Ҳайсамий иснодини саҳиҳ деган: 1/269).

Шундан билинадики, ёшнинг кичиклиги хатосини тўғрилашга моне бўлолмайди, балки бу чиройли тарбия қилиш қабилидандир. Бу тарбия боланинг хотирасида ўрнашиб қоладиган ва келажаги учун фойдали озуқа бўлиб қоладиган нарсалар жумласидан бўлади. Аввалги ҳадисда гўдак болага парҳезкорликни таълим берилди, кейинги ҳадисда эса киришга изн сўраш одоби ва авратларга қарамаслик таълим берилди.

Кичик ёшли бола – Умар ибн Абиг Салама воқеаси ҳам бунга чиройли мисол бўлади. Имом Бухорий ундан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қарамоқлари остидаги ёш бола эдим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи

ва саллам қўлим товоқ устида ўйнаётганини кўриб: «Эй болам, «Бисмиллах» дегин, ўнг қўлинг билан егин ва ўз олдингдан егин», дедилар. Шундан бери ана шундай овқатланадиган бўлганман» (Фатҳул-Борий: 5376).

Ушбу воқеадан кўринадики, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таом устида қўли кезиб юриш билан хато қилган ёш болага берган йўл-йўриқлари ғоят қисқа ва аниқ-равшан, тушуниш ва ёдлаб олиш жуда осон сўзлар бўлиб, бу сўзлар умрбод боланинг хотирасида михланиб қолган ва бир умр ана шу кўрсатмага амал қилганини айтган эди.

– Бегона аёлларга хатосини инкор қилишда эҳтиёт бўлиш

Токи бу инкор нотўғри тушуниб қолинмасин ва фитнадан омон бўлинсин. Хатосини айтиш ё инкор қилиш ё таълим бериш баҳонаси билан ёш йигит-қизларнинг гаплашишларига бепарво қарамаслик лозим. Бу нарса қанча-қанча ёмонликларга сабаб бўлмаган дейсиз! Бундай ўринларда кўпроқ катта ёшли кишиларга ва оқсоқолларга мурожаат қилинган маъқул. Амри маъруф ва наҳий мункар қилувчи киши хато қилган аёлга гапининг таъсири ва фойдаси бўлишига кўзи етсагина гапиргани, бўлмаса ўзини тийгани яхши. Акс ҳолда, бефаросат ва ақлсиз аёллар кўпинча унинг ўзини айбордга чиқариб қўйишлари ва тухматга қолдиришлари, ўзлари эса ботилларида давом этаверишлари мумкин. Жамиятнинг ҳолати, амри маъруф ва наҳий мункар қилувчи кишининг жамиятдаги обрў-эътибори бу ўринда жуда катта аҳамиятга эга.

Абу Руҳмнинг Убайд исмли мавлосидан ривоят қилинишича, Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу хушбўйланган ҳолда масжидга кетаётган аёлни учратиб: «Эй Аллоҳнинг чўриси, қаерга кетаяпсан?», деб сўради. «Масжидга», деб жавоб берди аёл. «Шунинг учун хушбўйландингми?», сўради. «Ҳа», деди. «Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Қай бир аёл хушбўйланса, сўнг масжидга чиқса, то ғусл қилмагунича унинг намози қабул бўлмайди», деганларини эшитганман», деди (Ибн Можа (4002) ривояти, Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 2/367).

«Саҳиҳ Ибн Хузайма»да келади: Абу Ҳурайранинг ёнидан бир аёл хушбўйлик таратиб ўтди. Шунда у ундан: «Қаерга бормоқчисан эй Жаббор (Аллоҳ)нинг чўриси?», деб сўради. «Масжидга», деди у. «Хушбўйландингми?», деб сўради. «Ҳа», деди. «Орқангга қайтиб, ғусл қил. Чунки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: «Хушбўй ҳид таратиб масжидга чиқсан аёл то қайтиб келиб, ғусл қилмагунича Аллоҳ унинг намозини қабул қилмайди», деганларини эшитганман», деди (Саҳиҳ Ибн Хузайма: №1682, Албоний ҳасан ҳадис деган).

- Хатонинг асоратларини тузатишга машғул бўлиб хатонинг илдизи ва сабабини муолажа қилишни тарк қилиш
- Хатони бўрттирмаслик ва уни тасвиrlашда муболага қилмаслик.
- Хатони исботлашга жон-жаҳд билан киришиб, ўзни қийнамаслик, хато қилган кишини ўз хатосига бўлган эътирофини қаттиқ туриб талаб қилмаслик.
- Хатони тузатишга етарли вақт бериш, хусусан анча вақтдан бери уни қилиб юрган ва одатланиб қолган кишига. Албатта, шу билан бирга уни кузатиб туриш ва тузалишига кўмаклашиш ҳам керак.
- Хатокорга рақиб ва душман сифатида қарамаслик. Шахсларни мойил қилиш фурсатлардан фойдаланиб қолишдан кўра муҳимроқлигига риоя қилиш.

Мазкур муқаддимадан сўнг энди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам одамларнинг хатолари билан муомала қилишда қўллаган баъзи восита ва услубларни саҳиҳ суннатда келганидек айтиб ўтамиз.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларнинг хатолари билан муомала қилишда қўллаган услублари

1) Хатони тузатишга шошилиш, уни бепарво ташлаб қўймаслик

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай қилишга шошардилар, хусусан, у зотнинг шаънларида баённи зарурат пайтидан кечикитириш жоиз эмасди ва у зот одамларга ҳақни баён қилиб беришга, уларни яхшиликка далолат қилишга ва ёмонликдан огоҳлантиришга мукаллаф эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларнинг хатоларини тузатишга шошилишлари кўп муносабатларда, масалан намозни яхши ўқимаган киши воқеасида, ўғирлик қилган махзумия аёл ва Ибн Латбия воқеасида, Усома (шаҳодат калимасини айтган кишини ўлдириб қўйгани) воқеасида, динни ўзларига нисбатан оғирлатишни ва ўзларини бичиб олишни истаган уч киши воқеасида ва шу каби бошқа воқеаларда очиқ кўринган. Ушбу воқеалар ҳақида баҳсимиз мобайнида ўз ўрнида айтиб ўтамиз, инشاаллоҳ.

Хатоларни тузатишга шошилмаслик баъзан қулай фурсат қўлдан бой берилишига ва фойдадан маҳрум бўлишга, иссиғида айтилмай кейинга қолдириш билан панд-насиҳатнинг таъсири йўқолишига олиб келади.

2) Хатони унинг ҳукмини баён қилиш билан муолажа қилиш

Жарҳад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: У сонини очиб ўтирган ҳолида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг ёнидан ўтиб қолдилар ва: «Сонингни ёп, чунки у авратдир», дедилар (Термизий (2796) ривоят қилиб: «ҳасан ҳадис», Албоний «саҳих» деган).

3) Хатокорларни шариатга қайтариш ва уларга ўзлари хилоф қилган асосни эслатиш

Хатолар гирдоби ичида ва ҳодисалар чигаллашган пайт шаръий мабдаъ-асос зеҳнлардан қочади ва тўс-тўполонда бу нарсага қаралмай қолинади. Шундай ҳолатларда асосни эълон қилиш ва шаръий қоидани эсга тушириш билан хато қилган кишиларни эсини жойига келтириб, ғафлатдан уйғотиб қўйиш ҳосил бўлади. Мунофиқлар ёққан фитна олови сабабли мухожирлар ва ансорлар ўртасида юзага келган хатарли бир воқеадаги пайғамбарона услугуб бунга мисол бўлади. Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ «Саҳих»ида Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга ғазотга чиққандик, сафимиизда жуда кўп мухожирлар бор эди. Мухожирлар ичида найза ўйнатишга уста бир одам бор эди. У бир анзорийнинг кетига урди. Шунда анзорий қаттиқ ғазабга келди, ҳатто бақир-чақир бўлиб, анзорий: «Ҳой анзорлар, ёрдамга!», деб, мухожир: «Ҳой мухожирлар, ёрдамга!», деб қичқиришгача етиб боришиди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб қелдилар ва: «Нима бу жоҳилият чақириқлари?! Нима бўлди ўзи?», дедилар. Мухожир анзорийни ургани ҳақида айтилгач: «Қўйинглар бу сассиқ-ифлос гапларни!», дедилар» (Фатхул-Борий: 3518).

Имом Муслим ривоятида: «Киши биродарига золим бўлса ҳам, мазлум бўлса ҳам ёрдам берсин. Агар золим бўлса, уни тийиб қўйсин, шу унга ёрдам бериш бўлади. Агар мазлум бўлса, унга ёрдам берсин» (Саҳих Муслим: №2584).

4) Хатони вужудга келтирган бузуқ тасаввурни тўғрилаш

«Саҳих Бухорий»да Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу ривояти билан келтирилган ҳадисда айтилишича, уч киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хонадонига келиб, пайғамбаримизнинг ибодатлари ҳақида сўрадилар. Уларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларини айтиб берилганида, гўёки улар зикр қилинган амалларни кам санагандек бўлдилар ва:

«Биз қаерда-ю, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қаердалар? У зотнинг аввалги-ю, охирги гуноҳлари кечирилган бўлса?» дедилар. Уларнинг бири: «Мен тоабад тунларни намоз билан ўтказаман», деди. Иккинчиси: «Мен умрбод кундузлари рўзадор бўлиб, оғзимни очмайман», деди. Учинчиси эса: «Мен аёллардан узлат қиласман ва ҳеч ҳам уйланмайман», деди. (Бу гаплардан хабар топгач) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг олдиларига келдилар ва: «Шундай-шундай гапларни сизлар айтдингларми?! Аллоҳ номига қасам ичиб айтаманки, албатта мен сизлардан кўра Аллоҳдан қўрқувчироқ ва тақволириғингизман! Лекин, мен рўза ҳам тутаман, оғзим очиқ ҳам бўлади. Намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам ва аёлларга ҳам уйланаман», дедилар.

Имом Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоятида: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳобларидан бир нечалари у зотнинг аёллари ҳузурига келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг махфий амалларидан сўрашди. (Айтиб берилгач, буларни кам санагандек бўлишиб), улардан бири: «Аёлларга уйланмайман», деди, яна бири: «гўшт емайман», деди, яна бири: «Тўшакка ётиб ухламайман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга ҳамду сано айтгач: «Одамларга нима бўлдики, шундай-шундай гапларни айтишибди. Лекин, мен намоз ўқийман ва ухлайман, рўза тутаман ва оғзим очиқ ҳам юраман, аёлларга ҳам уйланаман. Бас, ким менинг суннатимдан юз ўгирса, у мендан эмас», дедилар (Саҳиҳ Муслим: №1041).

Мазкур ҳадисдан қуйидагилар маълум бўлади:

- Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мазкур кишилар ҳузурига келиб, улар билан ўзаро гаплашиб, уларга шахсан панд-насиҳат қилдилар. Кейин умумий ҳолда бу ҳақда одамларга таълим бераётганларида уларнинг кимлигини очиқламадилар ва уларни хижолатга қўймадилар. Балки, «Одамларга нима бўлдики», дейиш билан кифояландилар. Бу эса уларга бўлган меҳрибонликларидан бўлиб, умумий қилиб гапирилганда манфаат ҳосил бўлгани учун уларнинг номларини яширдилар.
- Ҳадисдан улуғ кишиларнинг ишларидан ўrnak олиш ва уларга эргашиш мақсадида уларнинг ҳолатларини суриштириш мумкинлиги билинади. Бу ҳақда изланиш ақлнинг камолига ва нафс тарбиясида ҳаракат қилаётганликка далолат қиласди.
- Фойдали ва шаръий ишларни агар эркаклар орқали билиш имкони бўлмаса, уларни аёллар орқали ўқиб-ўрганиш жоизлиги маълум бўлади.

- Бирор риёдан холи бўлган ва бу билан бошқаларга манфаат ҳосил бўладиган ҳолатда ўз амалидан гапиришининг зарари йўқлиги билинади.
- Ибодатда қаттиқлик йўлини тутиш нафснинг малолланишига ва бу малоллик уни ибодатнинг аслидан узиб қўйишига олиб келади. Зоро, ишларнинг яхшиси ўртачасидир. (Фатҳул-Борий: 9/104).
- Умуман, хатолар тасаввурлардаги бузуқликдан келиб чиқади. Кўпинча, агар тасаввурлар (яъни дунёқараашлар) тузалса, хатолар камаяди. Ҳадисдан кўринадики, мазкур саҳобаларни аёллардан воз кечиш, роҳиблиқ ва (динни) қаттиқлаштиришга ундан нарса уларнинг нажот умидида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ибодатларидан ортиқроқ ибодат қилиш лозим, чунки, у зотга Парвардигорлари томонидан гуноҳлари кечирилгани хабари берилган, биз эса ундан эмасмиз, деб ўйлашлари бўлди. Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг нотўғри қараашларини тўғрилаб қўйдилар ва ўзларининг гуноҳлари кечирилган зот бўлишларига қарамай одамлар ичida Аллоҳдан энг қўрқувчироғи ва энг тақволироғи эканларини хабар бердилар, уларни ўз суннатларини тутишга ва ибодатдаги йўлларига эргашишга буюрдилар.

Шунга яқин бир воқеа саҳобалардан бири билан, яъни Каҳмис ал-Хилолий розияллоҳу анҳу билан ҳам юз берганди. У ҳикоя қилади: «Исломни қабул қилиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келдим ва мусулмон бўлганим ҳақида хабар бердим. Бир йил ўтгач, озиб кетган ҳолда у кишининг олдиларига келдим. У зот менга бошдан-оёқ қарадилар. Мен: «Мени танимаяпсизми?», дедим. «Кимсиз?», деб сўрадилар. «Мен Каҳмис ал-Хилолийман», дедим. «Нега бундай озиб-тўзиб кетдингиз?», дедилар. «Сиз(нинг олдингиздан кетганим)дан кейин бир кун ҳам кундузи рўзасиз бўлмадим, бир кеча ҳам ухламадим», дедим. «Ким сизни ўзингизга азоб беришга буюрди?! Сабр (яъни рамазон) ойида ва кейин ҳар ойдан бир кун рўза тутинг», дедилар. «Яна қўшинг (яъни бу менга камлик қилади)», дедим. «Сабр ойида ва ҳар ойдан икки кун рўза тутинг», дедилар. «Яна қўшинг, қувватим етарли», дедим. «Сабр ойида ва ҳар ойдан уч кун рўза тутинг», дедилар» (Табароний «Ал-кабир»да (19/194) ривоят қилган, «Ас-силсилатус-саҳиҳа»: №2623).

Одамларга баҳо бериш мезонларига боғлиқ бўлган бузуқлик ҳам тасаввурлардаги бузуқлик турига киради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам мана шу бузуқликни баён қилиб бериш ва тузатишга ҳам ҳарис бўлардилар. «Саҳиҳул Бухорий»да Саҳл ибн Саъд ас-Соидийдан ривоят қилинишича,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларидан бир киши ўтиб қолди. Олдиларида ўтирган бир одамдан: «Шу киши ҳақида қандай фикрдасиз?», деб сўрадилар. «Бу обрўли одамлардан бири, Аллоҳга қасамки, у совчи қўйса куёв қилинишга, бироннинг ўртасига тушса шафоати қабул қилинишга муносиб одам», деб жавоб берди. У зот индамадилар. Кейин бошқа бир одам ўтиб қолди. У зот: «Бу одам ҳақида нима дейсиз?» деб сўрадилар. «Ё Расулуллоҳ, бу мусулмонларнинг камбағалларидан бири, у совчи қўйса рад қилинишга, бироннинг ўртасига тушса шафоати қабул қилинмасликка, гапирса гапига қулоқ солинмасликка лойиқ одам», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу ҳалигига ўхшаганлардан ер юзи миқдоричасидан яхшидир», дедилар (Фатҳул Борий: 6447).

Иbn Можа ривоятида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларидан бир киши ўтиб қолди. Шунда у зот: «Бу киши ҳақида нима дейсизлар?», деб сўрадилар. «Бу одам ҳақида сизнинг фикрингизга мувофиқ фикр айтамиз. У бообрӯ одамлардан бири, совчи қўйса куёв қилинишга, бироннинг ўртасига тушса шафоати қабул қилинишга, гапирса гапига қулоқ солинишга муносиб одам деб ўйлаймиз», деб жавоб беришди. У зот индамадилар. Кейин бошқа бир одам ўтиб қолди. У зот: «Бу одам ҳақида нима дейсизлар?» деб сўрадилар. «Аллоҳга қасамки, ё Расулуллоҳ, бу мусулмонларнинг камбағалларидан бири, у совчи қўйса рад қилинишга, бироннинг ўртасига тушса шафоати мақбул саналмасликка, гапирса гапига қулоқ солинмасликка лойиқ одам деб ўйлаймиз», деб жавоб беришди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қасамки, бу ҳалигига ўхшаганлардан ер юзи миқдоричасидан яхшидир», дедилар (Сунан Ибн Можа: №4120).

5) Хатони панд-насиҳат ва такрор-такрор қўрқитиш билан муолажа қилиш

Жундаб ибн Абдуллоҳ ал-Бажалий розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонлардан бир гуруҳини мушрикларнинг бир қавмига юбордилар ва улар ўзаро тўқнашдилар. Мушриклар ичидаги бир киши мусулмонлардан бирон кишини қасд қилишни истаса, уни қасд қилиб, ўлдириб кетаётган эди. Шунда мусулмонлардан бир киши (бизга унинг Усома ибн Зайд эканини айтишди) уни ғафлатдалик пайтида қасд қилиб борди-да, унинг боши узра қиличини кўтарган пайтида у одам: «ла илаҳа иллаллоҳ» деди, бироқ у уни ўлдириб қўйди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хабарчи етиб келгач, у зот ундан (уруш хабарлари ҳақида) сўрадилар. У хабарларни айтиб

бераркан, орада ҳалиги одамнинг қилган иши хабарини ҳам айтди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни чақириб, нега уни ўлдирганини сўрадилар. У: «Ё Расууллоҳ, у мусулмонларга алам-оғриқ етказди, фалончи-фалончиларни ўлдирди – шундай деб бир неча одамни санади, – сўнг мен унга ҳамла қилдим. У қилични кўрганидан кейин «ла илаҳа иллаллоҳ» айтди», деди. «Уни ўлдирдингми?», дедилар Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. «Ҳа», деди у. «Қиёмат куни келганида «ла илаҳа иллаллоҳ»га қандай (жавоб) қиласан?!», дедилар. У: «Ё Расууллоҳ, менга истиғфор айтинг», деди. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Қиёмат куни келганида «ла илаҳа иллаллоҳ»га қандай (жавоб) қиласан?!», дедилар. У зот факат: «Қиёмат куни келганида «ла илаҳа иллаллоҳ»га қандай (жавоб) қиласан?!», дейишдан бошқа гап қилмадилар (Имом Муслим ривояти: №97).

Усома ибн Зайд розияллоҳу анҳу ривоятида: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизни бир сарийя (жанговар гурӯҳ) таркибида юбордилар. Биз тонг пайти Жуҳайнанинг Ҳуруқотида эдик. Мен (мушриклардан) бир кишига етиб олдим. У шунда: «ла илаҳа иллаллоҳ» деди, бироқ мен унга зарба урдим. Бу ишдан кўнглимда (хиралик) қолди. Сўнг буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтдим. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У «ла илаҳа иллаллоҳ» дедими ва сен уни ўлдирдингми?!», дедилар. Мен: «Ё Расууллоҳ, буни у силоҳдан қўрқанидан айтди», дедим. «Юрагини ёриб кўрмабсан-да, у буни (дилидан) айтганми ё йўқлигини билардинг?!», дедилар. Мана шу гапни тақрорлайвердилар, ҳатто мен шу куни исломни қабул қилган бўлсайдим деб орзу қилиб қолдим» (Имом Муслим ривояти: №69).

Хатони панд-насиҳат билан қаршилаш жумласига яна Аллоҳнинг қудратини эслатиш ҳам киради. Бунга мисол:

Имом Муслим раҳимаҳуллоҳ Абу Масъуд ал-Бадрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Мен ўзимнинг бир ғуломимни қамчи билан савалаётган эдим, орқамдан: «Билиб қўй эй Абу Масъуд!» деган овоз эшитдим. Бироқ ғазабнинг зўридан уни яхши англамадим. (Овоз эгаси) менга яқин келгач, қарасам Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлар. У зот: «Билиб қўй эй Абу Масъуд, билиб қўй эй Абу Масъуд» деяётган эканлар. Қамчини қўлимдан ташладим – бир ривоятда: у зотнинг ҳайбатларидан қамчи қўлимдан тушиб кетди. – «Эй Абу Масъуд, билиб қўй, Аллоҳ сенга сен бу ғуломингга қодир бўлганингдан кўра қодирроқ», дедилар у зот. «Бундан кейин бирон қул-чўрини урмаганим бўлсин!», дедим мен. Бир ривоятда: «Ё Расууллоҳ, у Аллоҳ ризоси учун озод»,

дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Агар шундай қилмаганингда, сени дўзах ўти куйдирган – ёки сенга дўзах ўти етган – бўларди», дедилар. (Имом Муслим ривояти: №1659).

Абу Масъуд ал-Ансорийдан ривоят қилинади: «Мен бир ғуломимни ураётган эдим, орқамдан: «Билиб қўй эй Абу Масъуд, билиб қўй эй Абу Масъуд» деган овозни эшитдим. Ўгирилиб қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эканлар. У зот: «Қасамки, Аллоҳ сенга сен унга қодир бўлганингдан кўра қодирроқ!», дедилар. Мен шундан сўнг ҳеч қачон қул-чўримни урмадим» (Термизий (№1948) ривоят қилган ва: «ҳасан, саҳих ҳадис» деган).

6) Хатокорга раҳм-шафқат кўрсатиш

Бу шунга муносиб, яъни астойдил пушаймон бўлиб, қаттиқ надомат қилган ва тавба қилгани кўриниб турган кишига тегишли ҳолатдирки, кўпинча қуидаги воқеадаги каби фатво сўраб келган кишиларда содир бўлади:

Ибн Аббос розияллоҳу анхўмодан ривоят қилинади: «Аёлидан зиҳор қилиб, кейин унга қўшилиб қўйган бир киши Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, аёлимдан зиҳор қилдим, кейин каффорат бермасдан туриб у билан қўшилиб қўйдим», деди. «Аллоҳ сенга раҳм қилсин, нега ундей қилдинг?!», дедилар. «Ой нурида унинг халхолига (яъни болдирига тақсан зийнатига) кўзим тушиб қолди», деб жавоб берди у. «То Аллоҳ сенга буюрган ишни қилмагунингча унга яқинлашмагин», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам» (Термизий ривоят қилган (№1199) ва: «ҳасан, ғариб, саҳих ҳадис» деган).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўтирган эдик, бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, ҳалок бўлдим», деди. «Нима бўлди?», дедилар. «Рўзадор ҳолимда аёлимга қўшилиб қўйдим», деди у. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қул озод қила оласанми?», деб сўрадилар. У: «Йўқ», деди. «Узлуксиз икки ой рўза тутиб беришга қодирмисан?», деб сўрадилар. «Йўқ», деди. «Олтмишта мискинга таом бера оласанми?», дедилар. «Йўқ», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жим туриб қолдилар. Шу орада у зот ҳузурларига бир сават хурмо олиб келиб қолинди. «Савол сўровчи қаерда қолди?», деб сўрадилар у зот. «Шу ердаман», деди ҳалиги киши. «Шуни олгин-да, садақа қилиб юбор», дедилар. Шунда ҳалиги киши: «Ўзимдан кўра ҳам фақирроқларгами? Аллоҳга қасамки, (Мадинанинг) икки ҳарраси (яъни, икки чеккасидаги тошлоқ) оралиғида менинг

хонадонимдан кўра фақирроқ хонадон йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қулиб юбордилар, ҳатто озиқ тишлари кўринди. Сўнгра: «Буни аҳли-оилангга едир», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатҳул Борий: №1936).

Хатога қўл уриб қўйиб, фатво сўраб келган бу киши ҳазиллашмаган ва ўз ишини енгил ҳам санамаган, балки, «ҳалок бўлдим» деган сўзидан ўзини айблаши ва хатосини ҳис қилиши аниқ кўриниб турган эди. Шунинг учун ҳам у раҳмашафқатга муносиб кўрилди. Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ ривоятида бу кишининг фатво сўраб келган пайтдаги ҳолати яна ҳам аникроқ қилиб кўрсатиб берилган: «Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Бир аъробий юзига уриб, сочини юлиб кириб келди. Ўйлайманки, ўшанда у: «Ҳалок бўлдим» деган эди, шекилли. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нима сени ҳалок қилди?», деб сўрадилар. «Рамазонда ахлимга яқинлик қилиб қўйдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қул озод қила оласанми?», деб сўрадилар. У: «Йўқ», деди. «Узлуксиз икки ой рўза тутиб беришга қодирмисан?», деб сўрадилар. «Йўқ», деди. «Олтмишта мискинга таом бера оласанми?», дедилар. «Йўқ», деди ва эҳтиёжмандлигини айтди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бир сават олиб келиб қолинди, унда ўн беш соъ хурмо бор эди. «Ҳалиги одам қани? Шуни олгин-да, садақа қилиб юбор», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Шунда у: «Ё Расулуллоҳ, (Мадинанинг) икки чеккаси оралиғида биздан кўра фақирроқ хонадон йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қулиб юбордилар, ҳатто озиқ тишлари кўринди. Сўнгра: «Буни аҳли-оилангга едир», дедилар (Муснад: 2/516, Ал-фатҳур-раббоний: 10/89).

7) Ҳатокор санашга шошилмаслик

Умар розияллоҳу анҳу билан бўлган воқеа бунга мисол бўлади. У айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик даврларида Ҳишом ибн Ҳаким ибн Ҳизомнинг «Фурқон» сурасини ўқиётганини эшитдим. Қироатига қулоқ солсам, кўп ўринларда у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга ўқитганларидан бошқача ҳарфларда (яъни қироатда) ўқияпти. Шунда мен намоз ичиди унинг бошига чанг солишга яқин бўлдим, лекин аранг ўзимни босиб турдим. Салом берганидан сўнг ёқасидан бўғиб: «Ҳозир ўқиганинг сурани сенга ким ўқитган?», дедим. У: «Менга уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўқитганлар», деди. «Бекор айтибсан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга уни сен ўқигандан бошқача ҳарфларда ўқитганлар», дедим. Сўнг уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига етаклаб бордим ва: «Мен

бу одамнинг «Фурқон» сурасини сиз менга ўқитмаган ҳарфларда ўқиётганини эшитдим», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни қўйиб юборинг», дедилар, сўнг: «Ўқинг эй Ҳишом», дедилар. Ҳишом боя менга ўқиб эшиттирган қироатда ўқиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундай нозил қилинган», дедилар. Кейин: «Ўқинг эй Умар», дедилар. Мен у зот ўзлари менга ўқитган қироатда ўқидим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Шундай нозил қилинган. Бу Қуръон етти ҳарфда (яъни қироатда) туширилган, ўзингизга муяссар бўлганича ўқийверинглар», дедилар» (Имом Бухорий ривояти, Фатхул Борий: №4992).

Ушбу воқеадан келиб чиқадиган тарбиявий фойдалар:

- Улардан ҳар бирларини иккинчилари олдида ўқишига буюришлари ва ҳар иккалаларининг қироатларини тўғри деб топишлари уларнинг тўғрилик устида эканларини ва хато қилмаганликларини билдиришнинг энг етук кўриниши бўлди.
- Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Умарга Ҳишомнинг ёқасини қўйиб юборишига буюришларида иккита тортишиб келган кишини аввал хотиржам қилиб олиб, сўнг уларнинг шикоятларини эшитиш кераклигини ифодалайди ва бунда Умарнинг шошқалоқлик қилганига ишора бор.
- Толиби илм бировнинг бир гапни ўзи билганидан бошқача қилиб айтиётганини эшитса, текшириб кўрмасдан, дарҳол уни хатокорга чиқаришига шошилмаслиги лозим бўлади. Чунки, кўпинча ўша сўз аҳли илмларнинг мўътабар сўзларидан бўлиб чиқади.

Ушбу мавзууга тааллуқли бўлган масалалардан яна бири – жазо беришга шошилмаслиқдир.

Қуидаги воқеа бунга шоҳид бўлади:

Насоий раҳимаҳуллоҳ Аббод ибн Шураҳбийл розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Амакиларим билан бирга Мадинага келгандим. Бир қўрғонга кириб, ундаги бошоқлардан сидириб олдим. Шунда қўрғон эгаси келиб, чопонимни олиб кўйди ва ўзимни калтаклади. Мен унга қарши ёрдам сўраб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бордим. У зот ҳалиги қўрғон эгасига одам юбориб, уни олдириб келдилар. Ундан: «Нега бундай қилдинг?», деб сўрагандилар, у: «Ё Расулуллоҳ, у қўрғонимга кириб, бошоқларидан сидириб олибди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Жоҳил экан, ўргатмабсан-да, оч экан, тўйдирмабсан-да! Чопонини қайтариб бер!», дедилар. Менга эса бир васақми, ярим васақми (емиш) берилишига буюрдилар» (Саҳиҳ сунан ан-Насай: №4999).

Ушбу воқеадан олинадиган фойда шуки, хато қилган ё ҳаддан ошган кишининг вазиятини ўрганиш у билан тўғри муомала қилиш йўллиги йўллади.

Шунингдек, ушбу воқеада гувоҳ бўламизки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам боғ эгасини жазоламадилар, чунки у ҳақдор эди. Фақат унинг инкор услубини хато санадилар ва бундай вазиятда жоҳил-бilmайдиган одамга нисбатан унинг тасарруфи тўғри тасарруф бўлмаганини айтиб танбеҳ бердилар, сўнгра уни тўғри тасарруф сари йўлладилар ва оч одамдан тортиб олган чопонини қайтариб беришни буюрдилар.

8) Хато қилган одам билан муомала қилишда хотиржамликни лозим тутиш

Хусусан, унга қарши қўзғолиш ва уни қайтаришда қаттиқўллик қилиш зарар доирасини яна ҳам кенгайтириши мумкин. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг масжид ичида бавл қилган аъробийнинг хатосини тўғрилашда қилган муомалалари орқали билиб олишимиз мумкин бўлади. Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Масжидда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик, бир аъробий келди-да, масжид ичида туриб бавл қила бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари: «Ҳой, ҳой!» дея бошлашди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Тўхтатманглар, уни тек қўйинглар», дедилар. Улар уни тек қўйишиди, ҳатто бавл қилиб бўлди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни чақирдилар ва: «Бу масжидларда бавл, ахлат каби нарсаларни қилиш ярамайди, улар фақат Аллоҳнинг зикри, намоз ва Қуръон қироати учундир», дедилар. Сўнг бир кишига буюрдилар, у бир чеълак сув келтириб, бавл устига қуиб юборди» (Саҳиҳ Муслим: №285).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу хатога юзланишда осон-қулай қилиб бериш ва оғирлаштираслик қоидасига амал қилдилар. Бухорий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда келади: Бир аъробий масжидда туриб бавл қилди. Одамлар уни маломат қилишиди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уни тек қўйинглар ва бавли устига бир чеълак сув қуиворинглар. Зеро, сизлар осонлаштирувчи қилиб юборилгансиз, қийинлаштирувчи қилиб юборилмагансиз,» дедилар (Фатҳул Борий: №6128).

Саҳобалар — Аллоҳ улардан рози бўлсин — масжидларининг тозалиги учун қайғургандаридан мункарни қайтаришга ошиқдилар. Ҳадиснинг бир неча ривоятлари шунга далолат қиласи. Жумладан: «одамлар унга қараб бақирдилар», «одамлар унга қараб қўзғолдилар», «одамлар уни жеркдилар, «одамлар у томонга

интилдилар», «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг саҳобалари: «Ҳой, ҳой!» дея бошлашди» (Жомеъул-усул: 7/83-87).

Лекин, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ишнинг оқибатига қарадилар. Зотан, иш икки эҳтимол оралиғида кечиши кутиларди, яъни ҳалиги аъробийни ё тўхтатиб қолиш ё эса тек ташлаб қўйиш керак эди. Агар уни ман қилгудек бўлинса, ё бавли узилиб қолиб, бунинг оқибатида унинг соғлигига зарар етиши, ё эса бавлинин узмасдан улардан қўрққанидан ўрнидан жилиб кетиши, бунинг натижасида эса нажосат масжид ичида яна ҳам кўпроқ жойга ёйилиши ё унинг бадани ва кийимларига тегиши мумкин бўларди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўткир фаросатлари билан буни аввалдан кўра билдилар ва ҳалиги кишини бавл қилгани ҳолида қолдириш икки заарнинг ва икки ноҳушликнинг енгилроғи бўлишини билдилар. Бўлиб ҳам, у киши хато ишни аллақачон бошлаб қўйган, унинг нажосатини тозалаб кетказиш иложи бор эди. Шунинг у чун у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига: «Қўяверинглар, уни тўхтатманглар!», дедилар, фойда юзасидан, яъни икки заарнинг енгилроғини қилиш билан каттароғидан сақланиш учун ва озроқ фойдани ташлаб кўпроқ фойдага эришиш учун уларни бу ишдан қайтардилар.

Бир ривоятда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳалиги кишидан бу ишининг сабабини сўрадилар. Табароний «Ал-қабир»да Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо ривояти билан келтирган ҳадисда айтилади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир аъробий келиб, масжидда байъат қилди. Сўнг ўрнидан туриб, лапанглаб (оёқларини керганича) бориб, бавл қилишга тутинди. Одамлар унга қараб интилишган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу одамнинг бавлинин узиб қўйманглар», дедилар. Кейин (ундан): «Мусулмон эмасмисан?», деб сўрадилар. «Мусулмонман», деди у. «Нега унда масжидимизга бавл қилдинг?», дедилар. У: «Сизни ҳақ билан пайғамбар қилиб юборган Зотга қасамки, мен уни оддий бир майдон деб ўйлаб, бавл қилаверибман», деди. Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир чекак сув чақиритириб, унинг бавлига қўйдирдилар (Табарооний, Ал-қабир: №11552, Ҳайсамий «Ал-мажмаъ»да: «Ровийлари «Саҳиҳ» ровийларидир» деган).

Хатони муолажа қилишдаги бу ҳикматли услугуб ҳалиги аъробийнинг кўнглида чуқур таъсир қолдирди. Буни Ибн Можанинг Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятида кўришимиз мумкин: «Бир аъробий масжидга кирди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирган эдилар. У: «Эй Аллоҳ, мени ва Мұхаммадни мағфират қил, биз билан бирга бошқа бирорни мағфират қилма»,

деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қулиб юбордилар ва: «Кенгни (яъни, Аллоҳнинг барчага етадиган кенг-мўл мағфиратини) торайтирдинг», дедилар. Кейин аъробий ўгирилиб, масжид четига борди ва оёқларини кериб, бавл қилишга киришди. Ўша аъробий (кейинроқ) илм ва билим ҳосил қилганидан сўнг деди: «Ота-онам фидо бўлсин, у зот менинг ёнимга келдилар, уришмадилар, сўкмадилар, фақат: «Бу масжид, унда бавл қилинмайди, у фақат Аллоҳнинг зикри ва намоз учун бино қилинган», дедилар. Сўнг у зот бир чељак сув чақиртириб, унинг бавлига қўйдирдилар (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: 428).

Ибн Ҳажар раҳимаҳуллоҳ аъробий ҳақидаги ҳадис шарҳида бир неча фойдаларни зикр қилган. Жумладан:

- Жоҳилга юмшоқ муомала қилиш ва агар у бу ишини атайлаб, қайсарлик билан қилмаётган бўлса, керакли нарсани унга ётиғи билан тушунтириш ва таълим бериш.
- Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг раҳмдил ва гўзал хулқ соҳиби эканлари.
- Нажосатдан эҳтиёт бўлиш саҳобаларнинг қалбларида маҳкам ўrnаган ишлардан эди. Шу боис Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида, у зотдан изн ҳам сўрамай, аъробийнинг қилиғини мункар санашга шошилдилар. Яна уларнинг қалбларида амру маъруф ва наҳий мункар қилишга бўлган талаб ҳам ўrnаган эди.
- Монеъ кетганидан сўнг нопок нарсаларни йўқотишга шошилиш. Зоро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аъробий бўшаниб бўлганидан сўнг бавли устига сув қуйиб юборишга буюрдилар. (Фатхул Борий: 1/324-325).

9) Ҳатонинг хатарини баён қилиш

Ибн Умар, Муҳаммад ибн Каъб, Зайд ибн Аслам ва Қатода розияллоҳу анҳумдан – бирларининг сўзлари иккинчиларининг сўзи ичига кирган ҳолда – ривоят қилинади: «Табук ғазотида бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва асҳобларини назарда тутиб: «Анави қориларимизга ўхшаган қоринларини ўйлайдиганроқ, тиллари ёлғончироқ, (душманга) йўлиқкан пайт кўрқоқроқ одамларни кўрмадик», деди. Шунда Авғ ибн Молик: «Ёлғон гапирдинг, ўзинг эса мунофиқсан, бу гапингни албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтаман», деди. Шундан сўнг Авғ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига кетди. Борса, Қуръон ундан аввал хабар бериб бўлган экан. Кейин ҳалиги одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларига келди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлга отланиб, туяларига мингандан ҳолда эдилар. У: «Ё Расулуллоҳ, биз фақат баҳслашиб, ҳазиллашиб айтгандиник, йўлни қисқартириш учун йўлчиларнинг гапларини қилиб келаётгандиник», деди. Ибн Умар айтади: «Унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туялари қоринбоғига осилиб олгани, тошлар оёқларини қонатиб юборгани ҳали ҳануз кўз ўнгимда турибди. У тинмай: «Биз баҳслашиб, ҳазиллашиб келаётгандиник», дер, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: **«Айтинг: Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми?»** (Тавба: 65) оятини ўқирдилар ва унга қиё боқмасдилар».

Ибн Жарир ҳам Ибн Умар розияллоҳу анхумодан қуидагича ривоят қиласди: «Табук ғазотида бир киши бир ўтиришда «Анави қориларимизга ўхшаган қоринларига рағбатлироқ, тиллари ёлғончироқ, (душманга) йўлиқкан пайт қўрқоқроқ одамларни кўрмадик», деди. Шунда шу ўтиришда бўлган кишилардан бири: «Ёлғон гапирдинг, ўзинг эса мунофиқсан, бу гапингни албатта Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтаман», деди. Шунда Қуръон (ояти) нозил бўлди. Абдуллоҳ ибн Умар айтади: «Мен унинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг туялари қоринбоғига осилиб олганини, тошлар оёқларини қонатиб юборганини кўрдим. У: «Ё Расулуллоҳ, биз фақат сұхбатлашиб, ҳазиллашиб келаётгандиник», дер, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса: **«Айтинг: Аллоҳдан, Унинг оятларидан, Унинг пайғамбаридан кулувчи бўлдингизми? Узр айтманглар! Сизлар иймон келтирганингиздан сўнг яна куфрга қайтдингиз»** (Тавба: 65, 66) оятини ўқирдилар». (Ибн Жарир ат-Табарий тафсири: 14/333).

10) Ҳатонинг зарарини тушунтириб бериш

Абу Саълаба ал-Хушанийдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафардалик пайтларида) бирор жойга тушсалар, одамлар даралар ва водийларга тарқалиб кетишарди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Дара ва водийларга бундай тарқалиб кетишларингиз фақатгина шайтондандир», дедилар. Шундан сўнг бирор ерга тушгудек бўлсалар, ҳаммаси бир жойга жамланиб оладиган бўлдилар. Ҳатто, айтишларича, устларига битта чопон ташлаб қўйилса, ҳаммасига етгудек бўларди» (Абу Довуд «Сунан»ида (2286) келтирган, Албоний «Саҳиҳ сунан Аби Довуд»да (№2288) саҳиҳ санаган).

Бир ривоятда: «Ҳатто, агар устларига битта кийимни ёпиб қўйсам, ҳаммасига аниқ етади, дердингиз» (Аҳмад, Ал-фатҳур-раббоний: 14/44).

Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўз асҳобларига бўлган эътиборлари кўринади, бунда қўмондоннинг ўз қўшинини сақлашга ҳарислиги бордир. Қўшиннинг дам олишга тушган пайтда тарқалиб кетиши шайтоннинг мусулмонларни қўркувга солиши ва уларга қарши душманни гиж-гижлашига олиб келиши мумкин (Қаранг: «Авнул-маъбуд: 2/292). Тарқалиб кетиш қўшин аъзоларини бир-бирларига кўмакка етиб келишдан ҳам тўсади (Далилул-фа'лиҳийн: 6/130).

Ҳадисда шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари келгуси ишларида у зотнинг кўрсатмаларига қандай бўйсунгандиклари ҳам кўринади.

Хатонинг зарари ва хатарини баён қилиб беришга Нуъмон ибн Баширдан ривоят қилинган қўйидаги ҳадис ҳам мисол бўлади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сафларингизни баробар қиласиз ё Аллоҳ юзларингизни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №717).

Имом Муслим Симок ибн Ҳарбдан ривоят қилган ҳадисда у айтади: Мен Нуъмон ибн Башир розияллоҳу анху шундай деганини эшитдим: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сафларимизни худди қуръа чўпларини текислагандек текислар эдилар. То биз тушунганимизни кўргунларича (шундай қилдилар.) Бир куни чиқиб келиб, энди намозни бошлашга такбир айтмоқчи бўлиб турган эдилар, бир кишининг кўкраги сафдан олдинга чиқиб турганини кўрдилар ва: «Эй Аллоҳнинг бандалари, ё сафларингизни баробар қиласиз ё Аллоҳ юзларингизни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўяди», дедилар» (Саҳиҳ Муслим: №436).

Насойи Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сафларингизни жипслангиз, орасини яқинлаштиргиз, бўйинларни баробарлаштиргиз! Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен шайтонларнинг сафнинг очиқ жойларидан худди кичкина, қора рангли қўйлардек кириб келаётганини кўраман» (Албоний, Саҳиҳ сунан ан-Насаий: №785).

Хатонинг зиёнларини ва унинг ортидан келадиган нохуш оқибатларни тушунтириб бериш хатокорни қаноатлантириш учун муҳимдир. Гоҳида хатонинг оқибати хатокорнинг ўзига чекланса, баъзан унинг таъсири бошқаларга ҳам ўтади. Абу Довуд раҳимаҳуллоҳ «Сунан»ида Ибн Аббос розияллоҳу анхумо ривояти билан келтирган ҳадис биринчи ҳолатга мисол бўлади: «Бир киши шамолга

лаънат ўқиди – ҳадис ровийларидан бири бўлмиш Муслим ибн Иброҳим айтади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик даврларида бир кишининг кийимини шамол учиреб кетди, шунда у шамолни лаънатлади», – шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унга лаънат ўқима. Зеро, у буюрилгандир. Ким бир нарсага ноҳақ лаънат айтса, лаънат унинг ўзига қайтади», дедилар» (Саҳиҳ сунан Аби Довуд: №4102).

Иккинчи ҳолатга мисол қилиб Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Абдурраҳмон ибн Аби Бакрадан, у отасидан ривоят қилган ҳадисни келтириш мумкин: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларида бир киши бир кишини мақтади. (Имом Муслим ривоятида: Бир киши: «Ё Расулуллоҳ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кейин ундан кўра афзалроқ одам йўқ», деди.) Шунда у зот: «Шўринг қурғур, биродарингнинг бўйини уздинг, шўринг қурғур, биродарингнинг бўйини уздинг», деб бир неча марта тақрорладилар. Сўнгра: «Қай бирингиз биродарини мақтамаслигини иложи бўлмаса, ундан мана шу (мақтовли сифатларни) ҳақиқатан билса: «Фалончини шундай деб ҳисоблайман – Аллоҳ ўзи ҳисоб қилувчисидир – бирон кишини Аллоҳга покламайман (яъни пок деб гувоҳлик беролмайман), шундай-шундай бўлса керак деб ўйлайман», десин», дедилар (Саҳиҳ Бухорий: №2662).

Бухорий «Ал-адабул-муфрад»да Миҳжан ал-Асламий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда у айтади: «Масжидда эканимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам намоз ўқиётган, сажда ва рукуъ қилаётган бир кишини кўрдилар ва: «Ким бу?», деб сўрадилар. Мен уни мақтай бошладим: «Ё Расулуллоҳ, бу фалончи, бу ... бу ...». (Бир ривоятда: «Бу фалончи, у Мадина аҳлининг энг чиройли намоз ўқувчиларидан бири.) Шунда у зот: «Бас! Ўзига эшиттирма, ҳалок қиласан», дедилар» (Саҳиҳ ал-адаб ал-муфрад: №137, Албоний ҳасан деган).

Имом Бухорий Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши бир кишини мақтаб, кўкларга кўтараётганини эшитиб: «Одамни ҳалок қилдинглар – ёки белини узиб ташладинглар – », дедилар» (Фатхул Борий: №2663).

Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мақтовда муболаға қилган ва бу билан хатога йўл қўйган кишига бу хатосининг оқибатини тушунтиридилар. Яъни, ортиқча мақтов мақталган кишининг қалбига ғурур киритади, бу эса уни кибр ва манманликка етаклайди, кўпинча мақтов ортидан келган шуҳратга суюниб қолиб, амалдан сусайиб қолади ёки мақтов лаззатидан маст бўлиб, риёга тушиб қолади, бу эса унинг ҳалокати бўлади. Буни Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Уни ҳалок қилдинглар» ёки «Одамнинг бўйини – ёки белини – уздинглар» деган сўzlари билан таъбир қилдилар.

Ундан ташқари, маддоҳ кўпинча оғзига келганини қайтармай, ўзи аниқ билмайдиган нарсаларни ҳам гапиради ва бу гапи ёлғон ҳам бўлиб чиқади. Баъзида мақталган шахс мақтовлар таъсирида риёкорлик касб қиласди. Бу эса – хусусан, мақталган шахс фосиқ ё золим шахс бўлса – жуда катта мусибатdir. (Қаранг: Фатҳул Борий: 10/478).

Мақтов умуман олганда ёмон ва қайтаришган нарса эмас. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир қанча кишиларни ўзларининг олдида мақтаганлар. «Саҳиҳ Муслим»да бу ҳақда алоҳида боб келтирилган, у «Мақтовда ҳаддан ошиш бўлганида ва ундан мақталган шахсга фитна хавфи бўлганида мақтовдан қайтариш ҳақидаги боб» деб аталади. (Саҳиҳ Муслим, Китабуз-зухд вар-ракоик).

Ўзини қосир санайдиган ва мақтов билан ғуурурланиб қолмайдиган одамни мақташнинг унча зарари йўқ. Чунки, у ўз нафсининг ҳақиқатини англаган бўлади. Салафлардан бирлари айтади: «Агар бир одамни юзига мақталса, у: «Эй Аллоҳ, улар билмайдиган хатоларимни Ўзинг мағфират қилгин, улар айтаётган нарсалар билан мени ушламагин (азобламагин), мени улар гумон қилаётгандан кўра яхшироқ қилгин», десин (Фатҳ: 10/478).

11) Хатокорга амалий таълим бериш

Кўп ҳолларда амалий таълим назарий таълимдан кўра кучлироқ ва таъсирчанроқ бўлади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам шундай қилганлар.

Жубайр ибн Нуфайр отасидан ривоят қилишича, у Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келганида у зот уни таҳорат қилишга буюриб: «Таҳорат қил эй Абу Жубайр», дедилар. Абу Жубайр таҳоратни оғзини чайқашдан бошлаганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Оғиздан бошлама, кофирлар оғиздан бошлайди», дедилар. Сўнг у зот таҳорат суви чорлатиб, аввал икки кафтларини яхшилаб ювдилар, сўнг оғизларини ва бурунларини уч мартадан чайдилар, юзларини уч марта ювдилар, ўнг қўлларини тирсаккача, кейин чап қўлларини тирсаккача уч марта ювдилар, бошларига масҳ тортдилар, оёқларини ювдилар. (Байҳақий «Сунан»да (1/46) ривоят қилган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: №2820).

Бу ерда кўринадики, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам «кофир оғзидан бошлайди» дейиш билан бу саҳобани тўғри бўлмаган ишдан нафратлантиришни

истадилар. Бу гап коғир қўлини идишга киритишдан олдин уни ювмайди, деган маънода бўлса керак, аллома Абдулазиз ибн Боз ушбу ҳадис шарҳини сўраганимда шундай тушунтириб берган эдилар. Бу эса тозаликка риоя қилмасликдан бўлади, валлоҳу аълам.

12) Тўғри бадални тақдим этиш

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг орқаларида намоз ўқиганимизда «Ассаламу алаллоҳ мин ибадиҳи, ассаламу ала фуланин ва фулан» (Аллоҳга бандаларидан салом, фалончи-фалончига салом) – Насойи ривоятида: «Ассаламу ала Жибрийла ва Мийкаила» (Жаброил ва Микоилга салом) – дер эдик, Росууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга ўғирилиб: ««Аллоҳга салом» деманглар, Аллоҳ Ўзи Саломдир. Сизлардан бирингиз намоз ўқиса «Аттаҳийяту лиллаҳи вас-соловату ват-тойибат, ассаламу алайка айюҳан-набийю ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ, ассаламу алайна ва ала ибадиллаҳис-солиҳийн, ашҳаду ан ла илаҳа иллаллоҳу ва ашҳаду анна Мұҳаммадан абдуҳу ва росулуҳ» (яъни: Салом-таъзимлар, дуолар ва покиза сўзу-амаллар Аллоҳ учундир. Эй Набий! Сизга Аллоҳнинг саломи, раҳмати ва баракотлари бўлсин. Бизга ҳамда Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин – Агар шундай десаларингиз, бу Аллоҳнинг осмону ердаги барча солиҳ бандаларига етади – Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга барҳақ илоҳ йўқ ва Мұҳаммад Унинг қули ҳамда расулидир) десин», дедилар» (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №405).

Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинган қўйидаги ҳадис ҳам шу бобга мисол бўлади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қибла (томондаги девор)да балғамни кўриб, бу нарса у зотга оғир ботди, ҳатто (бунинг асари) юзларида кўринди. Ўринларидан туриб, уни ўз қўллари билан ишқалаб артдилар, сўнг: «Сизлардан бирингиз қачонки намозида турса, албатта, у Раббиға муножот қилаётган бўлади ёки албатта, Рабби у билан қибла ўртасидадир. Шундай экан, ҳеч бирингиз қибласи томонга тупурмасин, балки чап томонига ёки оёқлари остига (тупурсин.) (Аввалги масжидлар полсиз, палос тўшалмаган қуруқ ердан иборат эди. ИНТ)» Сўнг ридоларининг бир четини ушлаб, унга туфладилар, сўнг уни буқладилар ва: «Ёки мана шундай қилсин», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №405).

Бир ривоятда: «Агар биروفингиз туфласа, олди тарафига ва ўнг тарафига туфламасин. Чап тарафига ёки чап оёғининг тагига туфласин» (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №412).

Яна бир мисол: Абу Саид ал-Худрий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Билол розияллоху анху Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламнинг олдиларига «барний» (навли) хурмодан олиб келдилар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Эй Билол, буни қаердан олдингиз?», дедилар. Билол: «Бизда сифати пастроқ хурмо бор эди. Мен ундан икки соъини бир соъ яхсисига, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам есинлар, деб сотиб олдим», дедилар. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Эҳ, (бу ахир) айни рибонинг ўзи-ку... Айни рибонинг ўзи-ку... Ундей қилманг. Агар сотиб олишни хоҳласангиз, хурмони алоҳида бай билан сотинг-да, пулига бошқасини олинг», дедилар». (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №2312).

Бир ривоятда: Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг бир ғуломлари у зотга бир куни райён (навли) хурмо келтириди, Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хурмолари баъл бўлиб, бироз қуруқроқ эди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ундан: «Бу хурмони қаердан олдинг?», деб сўрадилар. У: «Ўзимизнинг хурмодан икки соъи миқдорига бир соъини алиштиридик», деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ундей қилмагин, бундай қилиш ярамайди. Хурмонгни сотгинда, кейин ўзинг истаган хурмони сотиб ол», дедилар (Муснад Аҳмад: 3/67).

Амри маъруф ва наҳий мункар билан машғул бўлувчи айрим даъватчиларнинг фаолиятида баъзан бир қусур кўзга ташланади. Яъни, улар одамларнинг хатоларини инкор қилишда унинг хатолигини билдириш ва ҳаромлигини эълон қилиш билан кифояланиб қоладилар ва унинг ўрнига бошқа тўғри нарсани тақдим қилмайдилар ёки хато қилган одам энди нима қилиши лозимлигини тушунтириб бермайдилар. Маълумки, шариат ўзи ҳаром қилган ҳар қандай ҳаром нарсанинг ўрнига бошқа ҳалол нарсаларни тақдим қиласди. Масалан, зинони ҳаром қилиб, унинг ўрнига никоҳни машруъ қилган, рибони ҳаром қилиб, байъни ҳалол қилиб қўйган, чўчқа, ўлимтик ва ҳар қандай қозиқ тишли ҳайвон ва тирноқли қушларни ҳаром қилиб, чорва ҳайвонлари ва бошқа жониворларни ҳалол қилди. Қолаверса, бирон киши ҳаром ишга қўл уриб қўйган бўлса, шариат унга тавба ва каффорат орқали бундан қутулиб чиқиш йўлларини яратиб қўйган. Демак, даъватчилар ҳам бадал тақдим қилиш ва шаръий чиқиш йўлларини кўрсатиб беришда шариатдан ўrnak олишлари лозим. Мисол учун, заиф ё мавзуъ ҳадис ўрнини босадиган саҳиҳ ҳадис айтиб беришлари каби.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бадал ва ечим тақдим қилиш имконият ва кудратга қараб бўлади. Баъзан шундай ҳам бўладики, хато содир бўлган, ундан тийилиш зарур. Бироқ, ҳолат бузук бўлгани ва одамларнинг Аллоҳнинг шариатидан узоқлашиб кетишгани сабабли ёки амри маъруф ва наҳий мункар қилувчи киши бадал ҳозирлаб қўёлмагани ё воқелиқда бор бўлган бадалдан унинг хабари бўлмагани учун воқеда унга муносиб бадал топилмай қолади. Бундай вазиятда гарчи ўрнига бадал тақдим этолмаса ва ундан дурустров бошқа ишга йўллаб қўёлмаса ҳам, барибир ўша хатони инкор қилиши ва уни ўзгартиришга уриниши лозим. Бу нарса кўпроқ кофир жамиятларда пайдо бўлиб, қандай бўлса шундай, шариатга зид кўринишда мусулмон жамиятига кўчириб келтирилган молиявий муомалаларда ва истисмор (инвестиция киритиш) системасида содир бўлади. Мусулмонларда унинг ўрнига шаръий бадал топиб бериш ва кенг тарқатишда жиддий қусур ва заифликлар борлиги сир эмас. Лекин, ўша нарсанинг нотўғрилиги сақланиб қолаверади, илоҳий манхажда албатта унинг ўрнини босадиган эваз ва ҳаражни кўтариб юборадиган ечимлари бўлади. Бироқ, уни билган билади, билмаган билмайди.

13) Хато содир бўлишидан тўсадиган нарсага йўллаш

Абу Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайфдан ривоят қилинади, унга отаси (Саҳл ибн Ҳунайф) айтиб берган экан: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (сафарга) чиқдилар ва Маккага қараб йўл олдилар. Жуҳфадаги Ҳаззор водийсида эканларида Саҳл ибн Ҳунайф ювинаётиб устки кийимини ечди, Омир ибн Рабиа унга қараб турган эди. Саҳл оппоқ, чиройли одам эди. Омир: «Бугунги кундагидек келинларга хос бундай терини кўрмаганман» деди. Саҳл ўша жойнинг ўзида касал бўлиб қолди ва bemorligi кучайиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга унинг bemorligi ҳақида хабар берилди ва бошини кўтара олмаяпти дейишиди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бунга ким айбдор деб ўйлайсизлар?» деб сўрадилар. «Омир ибн Рабиа назар соганди» дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни чақиртирдилар ва аччиқланиб унга: «Нега бировингиз ўз биродарини ўлдиради?! Сени ажаблантирган нарсани кўрган пайтингда баракот сўраб дуо қилсанг бўлмасмиди?! Энди у учун ювиниб бер» дедилар. Омир юз-қўлларини, билакларини, тиззаларини, оёқлари атрофини ва изори ичини бир ишидга ювиб берди, сўнг ўша сувни Саҳлнинг устидан қуйилди. Бир киши сувни унинг бошига ва орқа томонига қуярди. Шундай қилингач Саҳл

кечга бориб, ҳеч нарса бўлмагандек одамлар билан бирга йўлга чиқди. (Молик, Аҳмад, Насойй, Ибн Можа ривоятлари).

Молик раҳимаҳуллоҳ Муҳаммад ибн Аби Умома ибн Саҳл ибн Ҳунайфдан келтирган ривоятида айтилишича, у отасининг шундай деганини эшитган экан: «Отам Саҳл ибн Ҳунайф Хаззорда ювинаётиб устки кийимини ечди, Омир ибн Рабиа унга қараб турган эди. Отам оппоқ, чиройли одам эди. Омир ибн Рабиа унга: «Бугунги кундагидек келинларга хос бундай терини кўрмаганман» деди. Саҳл ўша жойнинг ўзида касал бўлиб қолди ва беморлиги кучайиб кетди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга унинг беморлиги ҳақида хабар берилди ва: «У сиз билан бирга йўлни давом эттиролмаса керак», дейишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг олдига келдилар. Саҳл Омир билан бўлган воқеани айтиб берди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега бировингиз ўз биродарини ўлдиради?! Баракот сўраб дуо қилсанг бўлмасмиди?! Кўз ҳақдир. Энди у учун таҳорат қилиб бер!», дедилар. Омир у учун таҳорат қилиб берди. Саҳл соппа соғ бўлиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга йўлга чиқиб кетди. (Муваттоъ: №1972).

Ушбу ҳикоя қуидагиларни ўз ичига олган:

- Мураббийнинг мусулмон биродарига озор етишига сабаб бўлган кишидан аччиқланиши.
- Хатонинг зарарини ва баъзан унинг ўлимга ҳам олиб боришини баён қилиш.
- Зарар содир бўлишидан ва мусулмонга озор етказишидан тўсадиган нарсага йўллаш.

14) Баъзи хатокорларга юзма-юз гапирмаслик ва умумий тушунтириш билан кифояланиш

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Одамларга нима бўлганки, намозларида кўзларини осмонга қаратишаяпти?!», дедилар. Бу борада сўзлари қаттиқ бўлди, ҳатто: «Қасамки, улар бундан тийилишади ё бўлмасам кўзлари тортиб олинади!», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №750).

Оиша розияллоҳу анҳо Барира исмли бир жорияни сотиб олмоқчи бўлганларида унинг аҳли (эгалари) фақат валийлик уларга бўлиши шарти билангина сотмоқчи бўлишди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам билганларидан сўнг одамлар ичидаги туриб, Аллоҳга ҳамду сано айтдилар, сўнг

дедилар: «Одамларга нима бўлдики, Аллоҳнинг Китобида бўлмаган шартларни шарт қилишади?! Аллоҳнинг Китобида бўлмаган ҳар қандай шарт –юзта шарт бўлса ҳам – ботилдир. Аллоҳнинг (ҳаққини) ўташ лойикроқ, Аллоҳнинг шарти маҳкамроқдир. Валийлик фақатгина (қулни) озод қилган кишигадир» (Имом Бухорий ривояти, Фатҳул Борий: №5636).

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир ишни қилиб, унга рухсат бердилар. Бироқ, айрим кишилар ундан тийилишга уринди. Бунинг хабари Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламга етгач, у зот хутба қилдилар: Аллоҳга ҳамду сано айтгач: «Одамларга нима бўлдики, мен қилаётган ишдан ўзларини тортмоқчи бўладилар?! Аллоҳга қасамки, мен улар ичиди Аллоҳни билувчироқ ва Ундан қўрқувчироқман», дедилар (Фатҳул Борий: 6101).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжид қибласида балғам кўрдилар. Одамларга юзланиб, дедилар: «Бировингизга нима бўлдики, Раббига юзланиб, Унинг рўбарўсида балғам туфлайди?! Сизлардан бир киши бирор унга юзланиб туриб, юзига балғам туфлашини яхши кўрадими?! Агар бировингиз туфласа, чап томонига ё оёғи остига туфласин. Агар (иложини) топмаса, бундай қилсин», деб кийимларининг бир четига туфлаб, уни буклаб, ишқаладилар (Имом Муслим ривояти: №550).

Насойи «Сунан»ида ривоят қилади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб, унда «Рум» сурасини қироат қиларканлар, адашиб қолдилар. Намоздан сўнг: «Биз билан намоз ўқийдиган одамларга нима бўлдики, таҳоратларини яхши қилмайдилар?! Ўшалар бизни Қуръон (қироати)дан чалғитмоқдалар!», дедилар (Ал-мужтаба: №2/156, ровийлари ишончли).

Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ Абу Равҳ ал-Калаъийдан ривоят қилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизга бир намозни ўқиб бераётиб, унда «Рум» сурасини ўқидилар ва адашиб қолдилар. Кейин айтдилар: «Шайтон бизнинг қироатимизни намозга бетаҳорат келадиган одамлар сабабли адаштирди. Агар намозга келсаларингиз, таҳоратни яхши қилинглар!» (Муснад Аҳмад: №3/473).

Мисоллар кўп, ҳаммаси битта нуқтада, яъни хатокорни шарманда қилмаслиқда жамланади. Хатокорнинг юзига гапирмай, таъриз услубида (яъни ўраб, ишора билан) гапиришда бир қанча фойдалар бор. Жумладан:

- 1) Хатокордан салбий ҳаракат содир бўлишидан сақланиш, уни шайтоннинг шахсий интиқомга чорлашидан ва нафсини ҳимоясига киришишдан узоқлатиш.
- 2) Бу кўпроқ қабул қилинадиган ва қалбга таъсири кучлироқ услубдир.
- 3) Хатокорни одамлар орасида очиб бермай, яшриш.
- 4) Мураббийнинг обрў-эътибори зиёда бўлиши ва насиҳат қилувчига муҳаббатнинг ортиши.

Шуни ҳам эътиборда тутиш керакки, ушбу ишора услуби хукмни хатокор шахсга уни шарманда қилмасдан ва хижолатга солмасдан етказиш учун ишлатилади. Бу эса фақат унинг хатоси кўпчиликка маълум бўлмаган ва одамлардан махфий бўлган ҳолда бўлганида яхши бўлади. Аммо, агар ҳозир бўлганларнинг кўпчилиги гап ким ҳақида кетаётганини яхши биладиган, унинг ўзи ҳам буни биладиган ҳолда бу услуб аксинча, хато эгасини ёмонроқ шарманда қилиши, унга нисбатан ёмон таъсир кўрсатиши ва танг ахволга солиб қўйиши мумкин. Баъзан хатокор бундай пайтда унга нисбатан бу услуб қўлланмаган бўлишини ва хатосини юзига шартта-шартта айтилган бўлишини истаб қолади. Бунда қуйидаги омиллар кучли рол ўйнайди: Ўша гапни ким гапирди, гап кимларнинг ҳузурида айтилди, қўзғотиш ва жунбушга келтириш услубида гапирилдими ё насиҳат ва меҳрибонлик услубида гапирилдими??...

Бевосита юзга гапирмаслик услуби агар ҳикмат билан ишлатилса, хатокорга ҳам, бошқаларга ҳам фойдали тарбия услубидир.

15) Хатокорга қарши оммани қўзғотиш

Бу услубни муайян ҳолатлардагина қўланилади, бунда салбий натижалар келиб чиқиб қолмаслиги учун ҳамма нарсани чуқур ҳисобга олиш лозим бўлади. Қўйида ушбу услубнинг пайғамбарона мисолини келтирамиз:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига қўшнисидан шикоят қилиб келди. У зот: «Бор, сабр қил», дедилар. У одам яна икки ё уч марта келгач: «Бор, анжомларингни кўчага олиб чиқиб ташла», дедилар. У анжомларини кўчага олиб чиқиб ташлади. Шунда одамлар ундан бунинг сабабини сўрай бошладилар, у эса бўлган воқеани айтиб берарди. Одамлар унинг қўшнисини лаънатлаб: «Аллоҳ уни ундей қилсин, бундай қилсин», дея бошладилар. Шундан сўнг қўшниси келиб: «Уйингга қайт, энди мендан ёмонлик кўрмайсан», деди (Саҳиху сунани Аби Довуд: 4292).

Ушбу услубнинг муқобилида бошқа бир услуб ҳам борки, уни бошқача ҳолатларда ва бошқа шахсларга нисбатан хатокорни омманинг озоридан ҳимоя қилиш мақсадида қўлланилади. Қуида буни билиб оласиз:

16) Хатокорга қарши шайтонга ёрдам беришдан сақланиш

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам даврларида бир кишининг исми Абдуллоҳ бўлиб, ҳимор (эшак) деган лақаби бор эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кулдиради. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни шароб ичгани учун дарра урдиргандилар. Бир куни уни яна олиб келинди, у зот буюрдилар, унга дарра урилди. Шунда қавмдан бир киши: «Аллоҳим, унга лаънат ёғдиргин, бунча кўп олиб келинмаса уни», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унга лаънат айтманглар. Аллоҳга қасамки, мен унинг Аллоҳ ва Расулини яхши кўришини биламан», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: 6780).

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бир мастни олиб келинди. У зот уни уришга буюрдилар. Қай биримиз уни қўли билан урди, яна кимдир оёқ кийими билан урди, яна кимдир чопони билан урди. Ҳалаги одам кетгач, бир киши: «Унга нима бўлган ўзи, Аллоҳ хор қилсан», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Биродарингизга қарши шайтонга ёрдамчи бўлманглар!», дедилар (Фатхул Борий: №6781).

У кишидан ривоят қилинган яна бир ҳадисда айтилади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига ичиб олган бир одамни олиб келинди. У зот: «Уринглар уни!», дедилар. Кимдир қўли билан, кимдир оёқ кийими билан, кимдир (устки) кийими билан урди. Ҳалиги одам кетгач, қавмдан бир киши: «Аллоҳ хор қилсан сени», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Унда деманглар, унга қарши шайтонга ёрдам берманглар», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №6777).

Бир ривоятда: «Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларига: «Унинг таъзирини бериб қўйинглар», дедилар. Шунда улар унга юзланиб: «Аллоҳдан тақво қилсанг бўлмайдими», «Аллоҳдан қўрқмайсанми», «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳаё қилсанг бўлмайдими», деган гаплар билан таъзир беришди, сўнг қўйиб юборишди». Ушбу ривоят охирида келади: «Лекин, «Эй Аллоҳим, уни мағфират қил, эй Аллоҳим, унга раҳм қил» денглар» (Саҳих сунан Аби Довуд: №3759).

Бир ривоятда: «Ҳалиги одам кетгач, қавмдан бир киши: «Аллоҳ сени расво қилсин», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бундай деманглар, унга қарши шайтонга ёрдам берманглар, балки «раҳимакаллоҳ» (Аллоҳ сенга раҳм қилсин) денглар», дедилар» (Аҳмад ривояти: 2/300, Аҳмад Шокир иснодини сахиҳ санаган: №7973).

Ушбу ривоятлар йигиндисидан олинадики, мусулмон киши гарчи маъсиятга қўл урган бўлса ҳам, унда Исломнинг асли ва Аллоҳу Расулига муҳаббатнинг асли сақланиб қолади. Бинобарин, буни ундан нафий қилиш (йўқ деб санаш) ва унинг зарарига шайтонга ёрдам берадиган сўз билан дуо қилиш жоиз бўлмайди. Балки, унга ҳидоят, мағфират ва раҳмат сўраб дуо қилиш керак бўлади.

17) Хато ишдан тийилишни талаб қилиш

Бунинг ҳам хатокорни хатода давом этишидан ва ёмонлигининг зиёдалашишидан тўхтатиб қолишда ўзига яраша ўрни бордир ва бу билан мункарни инкор қилиш вазифаси ортга сурилмасдан амалга ошган бўлади.

Умар розияллоҳу анҳу: «Отамга қасамки, йўқ», деганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бас қил, ким Аллоҳдан бошқа бирон нарсага қасам ичса, ширк келтирибди», дедилар (Аҳмад ривояти: 1/47, Аҳмад Шокир иснодини сахиҳ деган: №329).

Абу Довуд «Сунан»ида Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Жумъа куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб турганларида бир киши масjidга келиб одамларнинг елкасидан ошиб олдинга ўта бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у кишига қараб: «Ўтири, кеч қолибсан, энди одамларга озор ҳам берасанми», дедилар.

Термизий Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилишича, бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида кекирди. Шунда у зот дедилар: «Кекиришингни биздан нарироқ қил. Чунки Қиёмат куни энг кўп оч қолиб кетадиган одам бу дунёда энг кўп тўқ юрадиган одамдир» (Термизий, Ибн Можа ривоятлари, Термизий ҳасан, ғариф ҳадис деган, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 343).

Ушбу ҳадисларда хатокорни хато ишидан тийилишга очик талаб қилиш кўринади.

18) Хатокорни хатосини тузатишга йўллаб қўйиш

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни бир неча услублар билан қилганлар. Жумладан:

- Хатокор хатосини ўзи тузатиши учун унинг диққатини хатосига қаратиш.

Бунга Абу Саид ал-Худрий розияллоҳу анҳу ривоят қилган қуйидаги ҳадис мисол бўлади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга эдик. У зот (масжидга) кириб, масжид ўртасида бармоқларини бир-бирига кириштириб ўтирган кишини кўрдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга ишора қилдилар, бироқ у сезмади. Шунда Абу Саидга қараб: «Агар бировингиз намоз ўқиса, бармоқларини бир-бирига кириштирмасин. Зеро, кириштириш шайтондандир. Сизлардан бирингиз модомики масжидда бўларкан, то чиқиб кетгунича намозда давом этган бўлади» (Аҳмад «Муснад»ида ривоят қилган: 3/54, Ҳайсамий «Мажмаъ»да (2/25) иснодини сахиҳ деган).

- Имкони бўлса, ўша ишни тўғри кўринишда қилишни талаб қилиш.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидга кирдилар. Бир киши ҳам масжидга кириб намоз ўқидида, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саломига алик олиб: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. У киши қайтди ва аввал қандай намоз ўқиган бўлса, шундай намоз ўқиди, сўнг келиб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар. Мана шу ҳолат уч марта такрорлангач, ҳалиги киши: «Сизни ҳақ билан жўнатган Зотга қасамки, мен бундан яхшироқ намоз ўқишни билмайман, менга ўргатинг» деди. Шунда ул зот: «Агар намозга турсангиз, таҳоратни тўкис қилинг, кейин қиблага юзланиб (такбиратул-эхромга) такбир айтинг, сўнгра Қуръондан мұяссар бўлганича ўқинг, сўнгра рукуъ қилинг ва рукуъда хотиржам туриңг, сўнгра рукуъдан бошингизни кўтариңг, қоматингиз тик бўлсин, сўнгра сажда қилинг ва саждада хотиржам туриңг, сўнгра бошингизни саждадан кўтариб, хотиржам ўтириңг ва барча намозингизни шу зайлда ўқинг», дедилар (Муттафақун алайҳ, лафз Бухорийга тегишли, Фатҳ: №6251).

Кўриниб турибдики:

- Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам атрофларидағи одамларга таълим бериш учун уларнинг феълларидан огоҳ бўлиб турардилар. Ином Насоий ривоятида келганидек: «Бир киши масжидга кириб, намоз ўқиди. Биз сезмаган ҳолимизда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни кузатиб турган эканлар. У намозидан фориғ бўлгач, келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди. Шунда Расулуллоҳ

соллаллоху алайҳи ва саллам: «Боринг, намозингизни қайта ўқинг, сиз намоз ўқимадингиз», дедилар...» (Саҳиҳ сунан ан-Насоий: №1008).

Ўз атрофидагиларга нисбатан уйғоқ ҳолда бўлиш мураббийнинг сифатидан саналади.

- Хато қилган кишидан ўша ишини яна бир қилиб кўрсатишини сўраш таълимдаги ҳикматдан саналади. Чунки, шояд у ўз хатосини пайқаб қолар, хусусан агар хато кўзга яққол ташланиб турадиган ва ундан содир бўлиши номуносиб иш саналадиган бўлса, уни ўзи тузатиб олар, агар эсида йўқ қилиб қўйган бўлса, эсига тушиб қолар.
- Хатокор агар хатосига огоҳланмаса, унга хатосини батафсил тушунтириш лозим бўлади.
- Бир шахсга бир маълумотни унинг ўзи билишга қизиққанидан, у ҳақда сўраганидан ва қалби унга боғланганидан кейин берилса, унинг ўзи сўрамасидан ва қизиқмасидан туриб берилгандан кўра бу унинг зеҳнида сақланиб қолишига яқинроқ бўлади.

Таълим-тарбия воситалари жуда кўп, мураббий улардан ҳолат ва вазиятга муносибини танлаб олади.

Хато ишни тўғри кўринишда қайтадан қилишни талаб қилишга қуйидаги ҳадис ҳам мисол бўлади:

Жобир розияллоху анҳу айтади: Менга Умар ибн Хаттоб хабар беришича, бир киши таҳорат қилиб, оёғида тирноқча жойи ювилмай қолиб кетибди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам буни қўриб: «Қайтиб, яхшилаб таҳорат қил», дебдилар. У қайтиб (таҳорат қилиб), сўнг намоз ўқибди (Саҳиҳ Муслим: №243).

Яна бир мисол: Имом Термизий «Сунан»ида Калда ибн Ҳанбалдан ривоят қилади: Сафрон ибн Умайя уни қатиқ, оғиз (янги туққан молнинг) сути ва тарра билан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига юборди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам водийнинг юқори томонида эдилар. У айтади: «Мен салом ҳам бермасдан, изн ҳам сўрамасдан у зот ҳузурларига кириб бордим. Шунда Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Қайт, «асссалому алайкум, кирсам бўладими?», деб сўра», дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: №2180).

- Имкон қадар хатони тўғрилашни талаб қилиш

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ «Саҳиҳ»ида Ибн Аббос розияллоху анҳумодан ривоят қилади: «Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва саллам: «Бирон бир эркак

бирон аёл билан маҳрамисиз ёлғиз-холи қолмасин. Аёл киши маҳрамисиз сафар қилмасин», дедилар. Шунда бир киши туриб: «Ё Расулуллоҳ, менинг аёлим ҳаж учун йўлга чиқди, мен эса фалон ва фалон жангта ёзилиб қўйган эдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бор, аёлинг билан бирга ҳаж қил», дедилар» (Фатҳ: №5233).

- **Хатонинг асоратини тузатишни талаб қилиш**

И мом Насоий раҳимахуллоҳ «Сунан»ида Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қиласиди: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Эй Расулуллоҳ, мен сиз билан ҳижратга байъатлашиш учун келдим. Лекин ота-онамни йиғлаган ҳолда қолдирдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Улар ҳузурига қайтиб, уларни қандай йиғлатган бўлсанг, шундай кулдиргин», дедилар (Саҳиҳ сунан ан-Насоий 3881).

- **Хатога каффорат тўлаш**

Агар айрим хатоларнинг олдини олиш иложсиз бўлса, уларнинг асоратини ўчириб юборадиган бошқа эшиклар ҳам қилиб қўйилган. Каффоратлар шулар жумласига киради. Қасамнинг каффорати, зихорнинг каффорати, билмасдан ўлдириб қўйиш каффорати, Рамазоннинг кундузида жинсий алоқа қилиш каффорати каби.

19) Хато жойини инкор қилиб, қолганини қабул қилиш

Баъзан гап-сўз ё иш-амалнинг ҳаммаси хатодан иборат бўлмайди. Шунда хато жойини инкор қилишга чекланиш ва хатони гап ё ишнинг ҳаммасига умумлаштираслик ҳикматдан бўлади. И мом Бухорий раҳимахуллоҳ Рубайийъ бинт Муаввиз ибн Афродан ривоят қилган қуидаги ҳадис шунга далолат қиласиди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўйим куни кириб, ҳозир сен билан мен ўтирганимиздек ўтирдилар. Кейин уйимиздаги жориялар дуф чалиб, Бадр жангига ўлдирилган ажододларимизни мадҳ этиб, куйлай бошладилар. Улардан бири: «Ичимизда эртага нима бўлишини билувчи пайғамбар бор», деган эди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Буни қолдиргин-да, бошқаларини айтавер», дедилар» (Фатҳул Борий: №5147).

Термизий ривоятида: «Мана шу жойини айтма, ундан олдинги айтаётганларингни айтавер», дедилар (Саҳиҳ сунан ат-Термизий: №1090).

Ибн Можа ривоятида: «Аммо, шунисини айтманглар! Эртага нима бўлишини Аллоҳдан бошқаси билмайди», дедилар (Саҳиҳ сунан Ибн Можа: №1539).

Шубҳасиз, бу каби тасарруф хатокорга унинг хатосини инкор қилаётган ва тузатаётган кишининг инсоф ва адолатини сездиради ва унинг танбеҳини қабул қилишга ундейди. Энди бошқа баъзи инкор қилувчилар бўладики, хатодан ғазабга тўлиб, инкорни ҳам ҳаддан ошириб юборадилар ва гапнинг ичидаги тўғрисию хатосини аралаштириб, ҳаммасини хатога чиқариб юборадилар. Бу эса уларнинг сўzlари қабул қилинmasлигига ва хатокорнинг инкор қилувчига бўйин эгмаслигига сабаб бўлади.

Баъзи хатокорлар бўладики, ўша гапирган гапининг ўзи хато бўлмайди, балки ўша гапни қайсиdir бир муносабатга боғлаб гапириши хато бўлади. Мисол учун, баъзилар бирор вафот этганда: «ал-Фотиха!» (яъни, Қуръон ўқинглар), дейди, шу ерда ҳозир бўлганлар Қуръон ўқийдилар. Уларга аслида, Қуръон ўқиш хато эмаслигини, балки Қуръонни ибодат кўринишида мана шу муносабатга хослаб қўйиш шаръий далили бўлмаган хато ва бидъат эканини тушунтириш керак бўлади. Ибн Умар розияллоҳу анхумо ёнларида акса уриб, «Алҳамду лиллаҳи, вассаламу ала росулиллаҳ» деган кишининг диққатини айни шу маънога қаратган эдилар. Яъни, у кишига: «Мен ҳам «Алҳамду лиллаҳи, вассаламу ала росулиллаҳ» дейман, лекин бундай (ўринга хослаб) эмас. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларга бундай ўргатмаганлар, балки «Алҳамду лиллаҳи ала кулли ҳал» (Ҳар қандай ҳолда ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин) дейишни ўргатганлар», дедилар (Сунанут-Термизий: №2738).

20) Ҳақни эгасига қайтариш ва хатокорнинг обрў-эътиборига ҳам путур етказмаслик

Имом Муслим Авф ибн Моликдан ривоят қиласи: Ҳимярлик бир киши душманнинг бир одамини ўлдирди, сўнг унинг нарсаларини ўлжа сифатида олишни истаганида қўшиннинг қўмондони бўлмиш Холид ибн Валид унга буни қилди. Авф ибн Молик Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бориб, буни айтиб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Холиддан: «Нега унинг нарсаларини ўлжа қилиб олишига монеълик қилдингиз?», деб сўрадилар. «Унга бу кўплик қиласи деб ўйладим, ё Расулуллоҳ», деди Холид. «Беринг унга ўлжасини!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Холид Авфнинг ёнидан ўтаётганида Авф унинг кийими этагидан тортди ва: «Сенга айтган ишимни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан нақд қилиб олиб бердимми?!»,

деди. Унинг бу гапини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшитиб қолдилар ва ғазабланиб: «Берманг эй Холид! Берманг эй Холид! Сизлар менинг амирларимни ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?! Сизлар билан уларнинг мисоли тия ё қўйлар боқтириладиган бир кишининг мисолига ўхшайди, уларни ўтлатиб, суғориш вақти келганда бир ҳовузга олиб келади, (туялар ё қўйлар) ҳовузнинг тиник сувини ичиб, лойқасини қолдиради. Тиниги сизларга, лойқаси уларга (яъни амирларимга)», дедилар (Саҳиҳ Муслим, шарҳ Нававий: №12/64).

Имом Аҳмад мазкур воқеани тўлароқ кўринишда Авф ибн Молик ал-Ашжаъийдан ривоят қилган. У айтади: «Шом тарафга ғазот қилдик. Бизга Холид ибн Валид амир қилинган эди. Ҳимярнинг Мададидан келган бир киши ҳам бизга қўшилди. У бизнинг кўчларимиз олдига келганида биргина қиличдан бошқа ҳеч қандай қуроли йўқ эди. Мусулмонлардан бир киши тия сўйган эди. У қилиб бу қилиб охири унинг терисидан битта қалқон кўринишида кесиб олди, сўнг уни ерга ёйиб устида олов ёқиб қуритди ва соп ясаб, уни қалқон қилиб олди. Шундан сўнг биз румликлар ва Қузоъалик араблар аралаш душманимиз билан тўқнашдик, улар бизга қарши қаттиқ жанг қилишди. Қавм ичидаги румлик бир киши бўлиб, малларанг от миниб олган, отининг эгари тилладан қилинган, камарига тилла суви юритилган, қиличи ҳам шундай эди. У тинмай қавмга ҳамла қилар эди. Ҳалиги мададлик одам ўша румлиknig кўзини шамғалат қилиб, орқасига ўтиб олди ва отининг оёғига қилич урди. От йиқилгач, эгасини ҳам қилич солиб ўлдирди. Аллоҳ таоло фатҳ (ғалаба) бергач, у ўша (ўзи ўлдирган румлик)нинг нарсаларини ўлжа сифатида талаб қилиб келди, одамлар уни шу одам ўлдирганига гувоҳлик беришди. Холид унинг баъзи нарсаларини бериб, қолганини ушлаб қолди. У одам Авфнинг олдига келиб, айтиб берди. Авф унга: «Бор унга, қолганини ҳам берсин», деди. У борган эди, (Холид) бермади. Шундан сўнг Авфнинг ўзи Холид ёнига келиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўлжани (унинг эгасини) ўлдирган кишига берилишига ҳукм қилганларини билмайсанми?!», деди. «Биламан», деб жавоб берди Холид. «Нега унда ўлдирган кишисининг нарсаларини унга ўлжа қилиб бермайсан?!», деди. «Унга кўплек қиласи деб ўйладим», деди Холид. Авф деди: «Қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларига кўзим тушса, албатта бу ишингни у зотга айтаман». Мадинага келишгач, Авф ҳалиги одамни қўзғаб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига ҳақ талаб қилишга юборди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Холидни чорлатдилар, Авф ҳам ўтирган эди. У зот Холидга: «Нега бу кишига ўлдирган кишисининг нарсаларини ўлжа қилиб бермадингиз?!», дедилар. «Унга кўплек қиласи деб

үйладим, ё Расулуллоҳ», деди Холид. «Беринг унга!», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Холид Авфнинг ёнидан ўтаркан, Авф унинг ридосидан тортиб: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб боплайман деганим нарса сенга етдими?!», деди. Унинг бу гапини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эшитиб қолдилар ва ғазабланиб: «Берманг эй Холид! Сизлар менинг амирларимни ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?! Сизлар билан уларнинг мисоли тую ё қўйлар боқиш юқлатилган бир кишининг мисолига ўхшайди, уларни ўтлатиб, суғориш вақти келганда бир ҳовузга олиб келади, (туялар ё қўйлар) ҳовузнинг тиниқ сувини ичиб, лойқасини қолдиради. Тиниғи сизларга, лойқаси уларга (яъни амирларимга)», дедилар.

Кўрамизки, Холид ўлдирилганнинг кўп (ва қимматбаҳо) нарсаларини ўлдириган кишига бермаслик билан хато ижтиҳод қилганида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳақни эгасига қайтариш билан ишни ўз нисобига туширишга буюрдилар. Лекин, у зот соллаллоҳу алайҳи ва саллам Авф розияллоҳу анҳунинг Холидни таҳқирлаб, этагидан тортиб, киноя билан: «Мен сенга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб боплайман деганим нарса сенга етдими?!», деган гапини эшитгач, ғазабландилар ва: «Берманг унга эй Холид!», дедилар. Бу эса амир ва қўмондоннинг обрў-эътиборини ўз ўрнига қайтариш бобидан эди. Чунки, одамлар ичидан унинг обрўси сақланишида очиқ маслаҳат (фойда) бор.

Бу ерда бир мушкила ўртага чиқади: Агар қотил ўлжага ҳақдор бўлса, нега уни бундан ман қилдилар? Нававий раҳимаҳуллоҳ бунга икки жиҳатдан жавоб беради:

Биринчидан, балки кейинроқ қотилга ўлжасини бергандирлар, фақат Холид розияллоҳу анҳуга тилларини узайтиришгани ва волийнинг ҳурматини поймол қилишгани учун унга ва Авфга таъзир бўлсин дебгина кечиктириб тургандирлар.

Иккинчидан, балки ўлжа эгасининг қалбини эритгандирлар ва у ўлжани ўз ихтиёри билан тарк қилиб, мусулмонларга қолдиргандир. Нима бўлганда ҳам, бундан мақсад амирларнинг ҳурматини сақлаш важидан Холид розияллоҳу анҳунинг кўнглини оғритмаслик эди. (Ал-фатҳур-раббоний: 14/84).

Унга нисбатан хато иш қилинган кишига обрў-эътиборини қайтариб бериш масаласига қуйидаги ҳадис ҳам мисол бўлади:

Имом Аҳмад «Муснад»ида Абу Туфайл Омир ибн Восиладан ривоят қиласи: «Бир киши бир қавм олдидан ўтаётуб, уларга салом берди, улар унинг саломига алик олдилар. Ўтиб кетганидан сўнг қавмдан бир киши: «Аллоҳга қасамки, мен буни Аллоҳ учун ёмон кўраман», деди. Мажлис аҳли: «Аллоҳга қасамки, сен жуда ёмон гап айтдинг. Энди биз бу гапингни унга етказамиз. Тур эй фалончи, унга

бунинг гапини етказ», дедилар. Уларнинг элчиси ҳалиги одамнинг ортидан бориб, гапларини айтди. У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бориб: «Ё Расулуллоҳ, мен мусулмонларнинг бир йиғини олдидан ўтиб кетаётib, уларга салом бердим, улар саломимга алиқ олишди, ичларида фалончи ҳам бор эди. Ўтиб кетганимдан кейин бир одам орқамдан етиб олиб, менга айтдики, ўша фалончи: «Аллоҳга қасамки, мен буни Аллоҳ учун ёмон кўраман», деб айтибди. Сиз у одамни чақириб, мени нега ёмон кўришини сўрасангиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам у одамни чақиртириб, бу киши айтган гап ҳақида сўрадилар. У эътироф этиб: «Ҳақиқатан шундай дедим, ё Расулуллоҳ», деди. «Уни нима учун ёмон кўрасиз?», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. У деди: «Мен унинг қўшнисиман, мен уни яхши биламан. Аллоҳга қасамки, мен унинг яхши ҳам, фожир ҳам ўқийдиган мана шу фарз намозлардан бошқа намоз ўқиганини умуман кўрмадим». «Ё Расулуллоҳ, ундан сўрангчи, мен ўша (фарз намоз)ни ўз вақтидан кечиктирганимни ё унга таҳоратни яхши қилмаганимни ё рукуъ ва сужудларини яхши бажармаганимни ҳеч кўрганмикин?», деди у. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деб сўрагандилар, у: «Йўқ», деб жавоб берди. Кейин деди: «Аллоҳга қасамки, мен унинг яхши ҳам, фожир ҳам рўзасини тутадиган шу ой (рамазон)дан бошқа пайт рўза тутганини кўрмадим». У деди: «Ё Расулуллоҳ, у менинг рўзани бузганимни ёки унинг ҳаққидан бирор нарсани нуқсонли қилганимни ҳеч кўрганмикин?». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан бу ҳақда сўрагандилар, у: «Йўқ», деб жавоб берди. Кейин деди: «Аллоҳга қасамки, мен унинг ўз молидан яхши ҳам, фожир ҳам берадиган мана шу садақа (яъни закот)дан бошқа бирон нарсани Аллоҳ йўлида инфоқ-эҳсон қилганини ёки сўровчи-тиламчига бирон нарса берганини ҳеч кўрмадим». У деди: «Ё Расулуллоҳ, ундан сўраб қўрингчи, закотдан бирон нарсани ҳеч яшириб қолганмикинман ё уни талаб қилган кишига баҳиллик қилганмикинман?». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сўрагандилар, у: «Йўқ», деди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Тур! Билмайманки, балки у сендан кўра яхшироқ бўлса», дедилар. (Муснад: 5/455, Ҳайсамий «Мажмаъ»да (1/291) айтади: Аҳмаднинг ровийлари ишончли).

Хатокор тавба қилганидан ва хатосидан қайтганидан кейин тўғрилиқда сабот билан туришини ва одамлар орасида одатий ҳаёт кечиришини таъминлаш учун унинг обрўсини сақлаш жуда муҳим ишлардан саналади. Ўғирлик туфайли қўли кесилган махзумиялик аёлнинг ҳаётини Оиша розияллоҳу анҳо сифатлаб айтганлар: «Шундан сўнг унинг тавбаси чиройли бўлди ва турмушга чиқди. У

менинг олдимга келиб турарди ва мен унинг эҳтиёжларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга етказиб турардим» (Саҳиҳ Муслим: №1688).

21) Хато икки тарафдан ўтганда гапни ҳар икки жанжаллашувчига қаратиш

Кўп вақтларда хато икки тарафдан ўтган бўлади, хатокорга нисбатан ҳам хато қилинган бўлади. Лекин, кўпинча иккала тарафининг хато нисбати тафовутли бўлади. Шундай ҳолларда гапни хатонинг ҳар икки тарафиға йўналтириш ва иккала тарафга ҳам насиҳат қилиш керак бўлади. Қуйида бунга мисол олиб келамиз:

Абдуллоҳ ибн Аби Авфодан ривоят қилинади: Абдурраҳмон ибн Авф Холид ибн Валид устидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Холид, Бадр аҳлидан бўлган кишига озор берманг! Уҳуд тоғича олтин сарфлаб ҳам унинг амалига ета олмайсиз», дедилар. У: «Ўзлари менинг ғашимга тегишади, кейин мен ҳам жавоб қиласман», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Холидга озор берманглар! Зоро, у Аллоҳнинг кофирлар устига суғурган қиличларидан бир қиличдир», дедилар (Табароний «Ал-муъжамул-кабирда (№3801) ривоят қилган, Ҳайсамий «Мажмаъ»да (9/349): «Табаронийнинг ровийлари ишончли» деган).

22) Хатокордан кимга нисбатан хато содир қилган бўлса, ўша кишидан кечирим сўрашни талаб қилиш

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Араблар сафарларда баъзилари баъзиларига хизмат қилиб юришарди. Абу Бакр ва Умар билан бирга бир киши бўлиб, у уларга хизмат қилиб борарди. Улар ухлаб туриб, қарашса, у уларга егулик ҳозирламаган экан. Шунда бир-бирларига қараб: «Бу роса уйқучи экан-ку», дейишиди. Сўнг уни уйғотишиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бор, Абу Бакр ва Умар сизга салом айтдилар ва сиздан бирон нонхуруш сўрадилар, дегин», дедилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Уларга салом айт ва аллақачон нонхурушлик бўлибсизлар, дегин», деб юбордилар. Улар бу гапдан қўрқиб кетишиди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, биз сиздан нонхуруш сўраб, одам юборсак, сиз бизнинг аллақачон нонхурушлик бўлганимизни айтибсиз, биз нима нонхурушга эга бўлдик?», дейишиди. «Биродарингизнинг гўштини (нонхуруш қилдингиз), жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен тишларингиз орасида унинг

(яъни, иккалангиз ғийбатини қилган кишининг) гўштини кўраяпман», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам. Улар: «Бизнинг ҳаққимизга истиғфор айтинг», дегандилар: «Ҳақларингизга у истиғфор айтсин», дедилар. (Ибн Касир «Тафсир»ида «Хужурот» сураси тафсирида келтирган, Албоний шу маънодаги ҳадисни «Ас-силсилатус-саҳиҳа»да келтирган: №2608).

23) Хатокорга ўзининг қилган хатосидан пушаймон бўлиб, узр сўраши учун унга нисбатан хатога қўл урган кишининг фазлини эслатиш

Абу Бақр ва Умар розияллоҳу анҳумо ўрталарида бўлиб ўтган мажарода Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ана шундай қилганлар. Имом Бухорий Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қиласи: «Абу Бақр билан Умар ўртасида гап ўтиб, Абу Бақр Умарнинг жаҳлини чиқарди. Умар унинг олдидан ғазабнок бўлиб кетди. Абу Бақр унинг ортидан бориб, унинг ҳаққига истиғфор айтишини (яъни кечиришини) сўради, бироқ у бундай қилмади ва унинг юзига эшикни ёпиб кириб кетди. Шундан сўнг Абу Бақр Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди, биз ҳам у зот ҳузурларида эдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу биродарингиз жанжаллашиб қолган кўринади», дедилар. Умар ўзидан ўтган ишга пушаймон бўлиб, келди, салом бериб, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ёнларига ўтирди ва бўлиб ўтган воқеани айтиб берди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғазабландилар. Абу Бақр эса: «Аллоҳга қасамки, ё Расулуллоҳ, мен кўпроқ зулм қилувчи бўлдим», дея бошлади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Соҳибимни (дўстимни) ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?! Соҳибимни ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?! Мен: «Эй одамлар, мен сизларнинг барчангизга Аллоҳнинг пайғамбариман» деганимда сизлар: «ёлғон айтасан» дегансиз, ёлғиз Абу Бақр: «тўғри айтасиз», деган», дедилар (Фатхул Борий: №4640).

Имом Бухорий «Саҳиҳ»нинг «Маноқиб китоби»да ушбу воқеани Абу Дардо розияллоҳу анҳудан сал бошқачароқ кўринишида ҳам ривоят қилган:

«Мен Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларида ўтирган эдим, тўсатдан Абу Бақр келиб қолди, у кийимининг бир тарафини кўтариб олган ва ҳатто тиззаси очилиб қолган эди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу биродарингиз жанжаллашиб қолган кўринади», дедилар. У салом берди ва: «Ибн Хаттоб билан ўртамиизда гап қочиб, мен унга тезлик қилдим, сўнг пушаймон бўлиб, мени кечиришини сўрасам, бош тортди, кейин сизнинг олдингизга келдим», деди. «Аллоҳ сизни кечирсин, эй Абу Бақр», дедилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва

саллам уч бор. Кейин Умар ҳам қилган ишидан пушаймон бўлибди, Абу Бақрнинг уйига бориб: «Абу Бақр борми?», деб сўраган экан, «Йўқ», дейишибди. Сўнг у ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, салом берди. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари (ғазабдан) ўзгара бошлади, ҳатто Абу Бақр мушфиқлик билан тиз чўкиб: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, мен кўпроқ зулм қилдим», деб икки марта тақрорлади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳ мени сизларга пайғамбар қилиб юборди, шунда сизлар: «ёлғон айтдинг» дединглар, фақат Абу Бақр: «рост айтди», деди ва менга жони ва моли билан ёрдам берди. Сизлар менинг биродаримни ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?! Сизлар менинг биродаримни ўз ҳолига қўясизларми, йўқми?!», дедилар. Шундан сўнг унга ҳеч озор берилмади» (Фатҳ: №3661).

24) Жанжални бостиришга ҳаракат қилиш ва фитна чақмоқтошини (пилигини) хатокорлар орасидан суғуриб олиш

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир неча ўринларда шундай қилганлар. Мусулмонлар ўртасида уруш чиқиб кетишига яқин қолган ҳолларда у зот ўртага тушиб, аҳволни тузатганлар. Масалан, Оиша розияллоҳу анҳога туҳмат қилиниш ҳодисасида шундай бўлганди. Бу ҳақда Оиша розияллоҳу анҳо айтадилар: «Ўша куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам минбарда туриб, Абдуллоҳ ибн Убай (озорлари усти)дан ёрдам сўрадилар, «Эй мусулмонлар жамоаси, аҳли-оилам хусусида менга озори етган одамдан мени маъзур қиладиган бирор борми?! Аллоҳга қасамки, мен аҳли-оиламдан фақат яхшиликни билганман. Улар (яъни туҳматчилар) бир кишини гапиришмоқдаки, мен у ҳақда ҳам фақат яхшиликни билганман. У аҳли-оилам олдига фақат мен билангина киради», дедилар. Шунда Саъд ибн Муоз туриб: «Ё Расулуллоҳ, мен сизни маъзур қиласман (яъни ҳимоя қиласман). Агар у кимса Авсдан бўлса, ўзим унинг бўйнига (қилич) соламан, агар Хазражлик биродарларимиздан бўлса, бизга буюрасиз, буйруғингизни ижро қиласмиз», деди. Шунда Хазражлик бир киши, яъни Хазраж саййиди Саъд ибн Убода турди, — у бундан аввал солиҳ киши эди, лекин уни ҳамият олди —, шу боис Саъд (ибн Муоз)га: «Бекор айтибсан! Аллоҳга қасамки, уни ўлдирмайсан, ўлдиришга қодир ҳам бўлмайсан! Агар ўз жамоангдан бўлганида ўлдирилишини истамаган бўлардинг», деди. Усайд ибн Ҳузайр ўрнидан турди, у Саъд (ибн Муоз)нинг амакиваччиаси эди, Саъд ибн Убодага: «Ўзинг бекор айтибсан! Аллоҳга қасамки, уни албатта ўлдирамиз! Сен мунофиқ экансан, мунофиқларнинг ёнини оляйпсан!», деди. Шундай қилиб, икки қабила – Авс ва

Хазраж ловуллаб, икки ўртада уруш чиқиб кетишга яқин бўлиб қолди, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса минбарда эдилар. Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларни (жанжалларини) бостиришга анча уриндилар, охири улар жим бўлишди» (Муттафақун алайҳ, Фатхул Борий: №4141).

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам Бану Амр ибн Авф қабиласи ўртасида чиққан жанжални ислоҳ қилишга бориб, шу сабабли жамоат намозининг бошига кечикиб қолганлари «Саҳиҳайн»да ривоят қилинган. Насойи ҳам Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розияллоҳу анҳудан қуидагича ривоят қилади: «Ансорларнинг икки маҳалласи ўртасида гап қочиб, ҳатто бир-бирларига тош отишгача бордилар. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам улар ўртасини ислоҳ қилиш учун кетдилар. Намоз вақти бўлиб қолиб, Билол азон айтди, сўнг Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кутиб ўтиридилар. У зот келавермагач, намозга иқомат айтди ва Абу Бақр розияллоҳу анҳу олдинга (имомликка) ўтдилар...» (Ал-мужтаба: 8/243).

Ином Аҳмад Саҳл ибн Саъд ас-Соидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича: «Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирор келиб, Бану Амр ибн Авф урушиб қолишгани ва бир-бирларига тош отишганини хабар берди. У зот улар ўртасини ислоҳ қилгани чиқиб кетдилар...» (Муснад: 5/338).

25) Ҳатодан ғазаб изҳор қилиш

Хусусан, хато эътиқодга тааллуқли масалаларда, шу жумладан қадар ҳақида баҳсга киришиш ва Қуръон тўғрисида талашиб-тортишиш бўлганида Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам буни эшитсалар ё кўрсалар, ғазабланардилар. Амр ибн Шуайбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилган ҳадисда айтилади: «Бир куни одамлар қадар ҳақида тортишиб туришганда Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чиқиб келдилар, юзлари ғазабдан анор доналари каби қизариб кетганди, сўнг дедилар: «Шунга буюрилганмисизлар ёки шунга яратилганмисизлар?! Сизларга нима бўлдики, Аллоҳнинг китобини (яъни унинг оятларини) бир-бирига урасизлар?! Сизлардан аввалгилар шу билан ҳалок бўлишган!...» (Аҳмад (2/178, 181, 185, 195) ва Ибн Можа (85) ривоятлари, шайх Шокир «Муснад» таҳқиқида саҳиҳ санаган.

Абу Осим «Сунна»да келтиришича, Расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобалари олдига чиқиб келдилар, улар қадар ҳақида баҳслашаётган эдилар, униси бир оятни айтса, буниси бошқа оятни айтарди. У зотнинг юзлари худди анор суви сачрагандек қизариб кетди. Сўнг дедилар: «Шунга яратилганмисизлар?! Ёки

шунга буюрилғанмисизлар?! Аллоҳнинг Китобини бир-бирига урманглар! Қаранглар, нимага буюрилған бўлсангиз, ўшани қилинглар, нимадан қайтарилиған бўлсангиз, ундан тийилинглар!» ((Ибн Аби Осим, Сунна: №406, Албоний иснодини саҳих санаган).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг дин асосларига тааллуқли масалаларда инкор қилиб ғазабланишларига Умар розияллоҳу анҳу билан бўлган қуидаги воқеа ҳам мисол бўлади:

И мом Аҳмад раҳимахуллоҳ Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилади: «Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига аҳли китоблардан биридан олган бир китобни кўтариб келди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни ўқиб, ғазабландилар ва: «Сизлар бу (яъни ислом шариати) ҳақида қаноат ҳосил қилувчи эмасмисизлар эй Ибн Хаттоб?! Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, мен уни сизларга оппоқ, тип-тиниқ ҳолда келтиридим!... Жоним Қўлида бўлган Зотга қасамки, агар Мусо соллаллоҳу алайҳи ва саллам тирик бўлганида, у учун менга эргашишдан бошқа иложи йўқ эди», дедилар» (Муснад Аҳмад: 3/387, Албоний «Ал-ирвоъ»да (1589) ҳасан санаган).

Жобир розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Умар ибн Хаттоб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига Тавротдан бир нусха келтириб: «Ё Расулуллоҳ, бу Тавротнинг нусхаси» деди. У зот индамадилар. Умар уни ўқий бошлаган эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзлари ўзгара бошлади. Шунда Абу Бакр: «Хой, қуриб кетгур, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларидаги ҳолатни кўрмаяпсанми?!» деди. Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларига қаради ва: «Аллоҳнинг ғазабидан ва Расулининг ғазабидан Аллоҳдан паноҳ тилайман, Аллоҳни Роб деб, Исломни дин деб, Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни пайғамбар деб ихтиёр этдик» деди. Шундан сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мухаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мабодо Мусо сизларга зоҳир бўлса ва сизлар унга эргашиб, мени тарқ қилсангиз эди, тўғри йўлдан қаттиқ адашган бўлардингиз. Агар Мусо тирик бўлиб, менинг пайғамбарлигимга етса, албатта менга эргашган бўларди» дедилар (Доримий ривояти: №441, Мишкотул-масобийҳ: 194, Саҳиҳул-жомиъус-сафийр: 5308).

Абу Дардо розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадис ҳам шуни тўлдиради: «Умар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига Таврот лавҳаларини кўтариб келиб: «Ё Расулуллоҳ, Тавротнинг ушбу лавҳаларини Бану Зурайқлик бир биродаримдан олдим», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг

юзлари ўзгарди. Шунда Абдуллоҳ ибн Зайд (тушида аzon кўрсатилган киши) унга: «Аллоҳ ақлингни олиб қўйганми?! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларидаги (ғазаб)ни кўрмаяпсанми?!», деди. Умар: «Аллоҳни Роб деб, Иломни дин деб, Мұхаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни набий деб, Қуръонни имом (йўлбошчи) деб рози бўлдик», деди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чехралари очилди, сўнг дедилар: «Мұхаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, мабодо Мусо ораларингизда бўлиб, сизлар унга эргашиб, мени тарк қилсангиз эди, тўғри йўлдан қаттиқ адашган бўлардингиз. Сизлар халқлар ичидан менинг улушим, мен эса пайғамбарлар орасидан сизларнинг улушкингизман». (Ҳайсамий «Мажмаъ»да (1/174) айтади: «Табароний «Ал-қабир»да ривоят қилган, ровийлари орасида Абу Омир Қосим ибн Мұхаммад ал-Асадийнинг таржимаи ҳолини билмадим, қолганлари ишончли»).

Ушбу воқеа ҳақидаги ривоятлардан қуйидагиларни кўриш мумкин:

Биринчидан: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг юзларида гап бошлишларидан олдин пайдо бўлган ғазабдан қизариш ҳолати.

Иккинчидан: Сиддиқ ва Абдуллоҳ ибн Зайдларнинг бу ҳолатни пайқашлари ва Умарга танбеҳ беришлари.

Учинчидан: Умарнинг ўз хатосини тушуниши ва уни тузатишга шошилиши, Аллоҳнинг ва Пайғамбарининг ғазабидан Аллоҳдан паноҳ тилаш билан ва диндаги асос бўлмиш Аллоҳ, Расули ва Унинг динига рози бўлишни эълон қилиш билан ўзидан ўтган ишга узр айтиши.

Тўртинчидан: Умар хатосини тушунганини ва ундан қайтганини кўргач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг чехралари ёришиши.

Бешинчидан: Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг диндаги асосни, яъни у зотнинг шариатларига эргашиш ва бошқа манбалардан олишдан огоҳлантиришни мустаҳкамлаб ва уни таъкидлаб, қўшимча изоҳ бериб ўтишлари.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мункарни кўрганда ғазабланишларига Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ушбу ҳадис ҳам мисол бўлади, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам қибла (томондаги девор)да балғамни кўриб, бу нарса у зотга оғир ботди, ҳатто (бунинг асари) юзларида кўринди. Ўринларидан туриб, уни ўз қўллари билан ишқалаб артдилар, сўнг: «Сизлардан бирингиз қачонки намозида турса, албатта, у Раббига муножот қилаётган бўлади ёки албатта, Рабби у билан қибла ўртасидадир. Шундай экан, ҳеч бирингиз қибласи томонга тупурмасин, балки чап томонига ёки оёқлари остига (тупурсин.)» Сўнг ридоларининг бир четини ушлаб, унга туфладилар, сўнг уни

букладилар ва: «Ёки мана шундай қилсин», дедилар (Имом Бухорий ривояти, Фатх: №405).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёмонликка олиб келган хатони эшитиб ғазабланишлариға Имом Бухорий Абу Масъуд ал-Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ушбу ҳадис ҳам мисол бўлади, Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурлариға келиб: «Ё Расулуллоҳ, фалончи бизга (намозни) чўзиб юбораётганидан бамдод (ғадот) намозига келмай қўяёздим» деди. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламни ўша кунгидан кўра ғазаблироқ ҳолда маъруза қилганларини кўрмадим. У зот: «Эй одамлар, сизлар беҳдирувчи (бўлибсиз.) Кимда ким одамларга (имом бўлиб) намоз ўқиса, енгил ўқисин! Зоро, уларнинг орасида кексалар, заиф ва ҳожатманд (кишилар) бор», дедилар «Фатх: 7159).

Муфтийнинг (яъни фатво берувчининг) фатво сўровчининг инжиқлиги ва тақаллуғидан ғазаб изҳор қилиши ҳам шу бобга киради. Зайд ибн Холид ал-Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан топиб олинган нарса ҳақида сўради. «Тугунини – ёки идишини ё боғичини – таниб ол, сўнг бир йилгача уни (одамларга) билдири, шундан сўнг ундан фойдаланавер. Агар эгаси келса, унга қайтариб бер» дедилар. «Адашиб қолган туяни-чи?» деб сўраган эди, у зот (унинг бу гапидан) ғазабландилар, ҳатто юзлари қизариб кетди. «Сенинг у билан нима ишинг бор?! Суви¹ ўзи билан, оёғи ўзи билан, (чанқаса) сувга боради, ўт-ўланларни ейди. То эгаси йўлиққунича уни тек қўй» дедилар. «Адашиб қолган қўйни-чи?» деб сўради. «У ё сенга ё биродарингга ё бўрига» дедилар (Имом Бухорий ривояти).

Мувозанатли мураббийнинг бирон хатони кўрган ё эшитган пайтда бундан таъсирланиши ва бунинг асари унинг юзида кўриниши ва овозида билиниши қалбнинг мункарга қарши тириклигига ва унга сукут қилмаслигига аломат бўлиб, бунинг оқибатида шу ерда ҳозир бўлганлар қалбига ушбу хатога қўл уришдан кўркув ва ҳадик тушади, мана шу ҳолатда гапнинг қалбларга таъсири кучаяди. Аксинча бўлганда, яъни ишни яшириб кетилган ё кейинга сурилган ҳолатда кўпинча, унинг таъсири йўқолади.

Баъзан юз берган бирон мункар ҳодиса ҳақидаги гапни муҳим бўлгани ё бундан насиҳат оладиган ва бошқаларга етказадиган одам оз бўлгани учун кўпчилик одамлар тўпланадиган вақтга кечиктириб туриш ҳам ҳикматдан бўлади. Ё бўлмасам, икки марта, яъни аввал ўша вақтнинг ўзида бевосита хос кишиларга,

¹ Туяning бир неча кунлаб сув ичмай юра олишига ишора.

кейинроқ бошқаларга яна гапириш ҳам мүмкін. «Саҳиҳ Бухорий»да Абу Ҳумайд ас-Соидийдан ривоят қилинишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир омилни (закот йиғувчини закот йиғишга) амалдор қилдилар. Омил ишидан фориғ бўлиб келгач: «Ё Расулуллоҳ, бу сизларга, бу эса менга ҳадя қилинди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ота-онангнинг уйида ўтирамабсан-да, кўрардинг, бирор сенга ҳадя берармиди, йўқми?!», дедилар. Кейин кечқурун хуфтон намозидан сўнг туриб, шаҳодат калимасини айтдилар, Аллоҳга лойик бўлганидек ҳамду сано айтгач, шундай дедилар: «Аммо баъд, омилга нима бўлганки, биз уни омил (амалдор, вазифадор) қилсагу, у келиб: «Бу сизларга, бу эса менга ҳадя қилинди», дейди?! Ота-онасининг уйида ўтирамабди-да, бирор унга ҳадя берармикин, йўқми, кўрарди! Йўқ, Муҳаммаднинг жони Қўлида бўлган Зотга қасамки, сизлардан бирорингиз ундан (яъни, закот молидан) бирон нарсани хиёнат билан олса, қиёмат куни албатта ўша нарсани гарданида кўтариб келади. Агар тия бўлса, ўкирган ҳолда келади, қорамол бўлса, мўъраган ҳолда келади, қўй-эчки бўлса маъраган ҳолда келади. Мен етказиб қўйдим!. Шундай деб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қўлларини кўтардилар, ҳатто биз у зотнинг қўлтиқларининг оқлигини кўриб турардик (Фатхул Борий: №6636).

26) Хато қилган одамдан шояд у тўғриликка қайтиб қолса деган умидда тортишмасдан қайтиб кетиш

Имом Бухорий раҳимахуллоҳ Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қизлари Фотима ва у (ётган уй)нинг эшигини тақиллатиб: «Намоз ўқимаяпсизларми?!», дедилар. Алий айтади: «Мен: «Ё Расулуллоҳ, жонларимиз Аллоҳнинг қўлида, бизни тирилтиришни (яъни уйқудан тургизишни) истаса, тирилтиради», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу гапга ҳеч қандай жавоб қайтармадилар ва бурилиб кетдилар. Мен у зотнинг кетарканлар, сонларига уриб: «Дарҳақиқат, инсон жуда қўп жанжал-баҳс қилувчиидир» (Каҳф: 54) деганларини эшитдим» (Фатҳ: №7347).

27) Хато қилган одамга итоб (танбех) бериш

Хотиб розияллоҳу анҳу Қурайш мушрикларига мусулмонларнинг фатҳ мақсадида Маккага йўл олаётганлари хабарини ёзиб юборганда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни итоб қилиб шундай дегандилар: «Эй Хотиб, сени бунга нима мажбур қилди?!». У айтди: «Менда Аллоҳ ва Расулига иймон келтирганликдан бошқа нарса (яъни куфр ё нифок) йўқ, мен (динимни)

ўзгартирмадим ва алиштирмадим. Фақат қавмга (яъни Қурайшга) ўтказиб қўйишни хоҳладимки, Аллоҳ ўша туфайли аҳлимни ва молимни ҳимоя қилсин. Сизнинг бошқа асҳобларингизнинг эса у ерда аҳли ва молларини Аллоҳ улар билан ҳимоя қиладиган кишилари бор». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «У рост гапирди, унга фақат яхши гап гапиринглар», дедилар. Умар ибн Хаттоб: «Аниқки, у Аллоҳ ва расулига ва мўминларга хиёнат қилди. Уни менга қўйиб беринг, бошини танидан жудо қилай», деганди, у зот: «Аллоҳ таоло Бадр аҳлини билгандирки: «Истаган ишингизни қилаверинг, сизларга жаннат вожиб бўлди ёки сизларни кечирдим», деган бўлса дедилар. Шунда Умарнинг кўзлари ёшланиб: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деди (Фатҳ: №6259).

Мазкур ҳодисада бир қанча юксак тарбивий фойдалар мавжуд. Жумладан:

- 1) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг катта хато ишга қўл урган саҳобани: «Сени бунга нима мажбур қилди?!» деб итоблашлари.
- 2) Хатокорни хато қилишга етаклаган сабабни суриштириб билиш. Бу ҳам шубҳасиз, унга нисбатан тутиладиган муносабатга таъсир кўрсатади.
- 3) Пешқадам ва фазл эгаси бўлган кишилар ҳам катта гуноҳдан маъсум эмаслар.
- 4) Мураббий ўз атрофидагиларнинг хатоларини кўтара оладиган даражада бағрикенг бўлиши лозим. Токи улар тўғри йўлда у билан бирга кета олсинлар. Мақсад уларни испоҳ қилиш бўлмоғи керак, узоқлаштириш эмас.
- 5) Мураббий ўз атрофидаги кишиларда кечадиган ўткинчи инсоний заифлик лаҳзаларини тушуниши ва баъзан айрим пешқадам кишилардан содир бўлиб қоладиган қўпол хатолар туфайли мувозанатини йўқотиб қўймаслиги керак бўлади.
- 6) Хатокорлар ичидан ҳимояга ҳақли бўлганларини ҳимоя қилиши.
- 7) Агар хатога қўл уриб қўйган кишининг аввалда яхши ишлари кўп бўлган бўлса, унинг хатосини муолажа қилиш пайтида ана шуларни эътиборга олиш зарур бўлади.

28) Хатокорни маломат қилиш

Очиқ кўриниб турган хатога сукут қилиш мумкин эмас, аввал бошдаёқ хатокорни маломат қилиш, унга танбех берилиши лозим, токи у ўз хатосии ҳис қилсин.

Бухорий «Саҳиҳ»ида Алий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Менинг Бадр кунги ғаниматдан теккан битта туям бор эди, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам хумусдан (ғаниматнинг Аллоҳ ва расулининг ҳаққи бўлмиш бешдан бир қисмидан) яна битта туя бергандилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг қизлари Фотимага уйланмоқчи бўлиб юрганимда Бану Қайнуқоълик бир қўймакор (темирчи) билан ваъдалашиб, у билан бирга изхир териб келиб, қўймакорларга сотмоқчи ва шуни никоҳ тўйимнинг бирон кам-кўстига ишлатмоқчи бўлдим. Мен туяларим учун арқон, юган, жабдуқ каби нарсаларни йигиб юрарканман, туяларим ансорлардан бирининг уйи ёнига чўқтириб қўйилганди. Айтилган нарсаларни йигиб, қайтиб келсам, қай кўз билан кўрайки, иккала туям ҳам ўркачлари кесилган, биқинлари ёрилиб, жигарлари олинган ҳолда ётарди. Бу манзарани кўриб, кўзларимни йиғидан тия олмай қолдим ва: «Ким қилди буни?» дедим. «Ҳамза ибн Абдулмутталиб қилди, ўзи манави уйда ансорлар билан ичкилик ичиб ўтирибди», дейишиди. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига бордим, у зотнинг ёнларида Зайд ибн Ҳориса бор экан. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам менинг юз кўринишимдан аҳволимни уқдилар ва: «Сизга нима бўлди?», деб сўрадилар. Мен: «Ё Расулуллоҳ, бугунгидек (мудҳиш) кунни ҳеч кўрмаганман. Ҳамза иккала туямга тажовуз қилиб, уларнинг ўркачларини кесибди, биқинларини ёрибди, ўзи эса бир уйда шаробхўрлар билан бирга ўтирибди», дедим. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ридоларини чорлаб, кийдилар, сўнг яёв юриб кетдилар, мен ва Зайд ибн Ҳориса ортларидан кетдик. У зот Ҳамза ўтирган уйга бориб, киришга изн сўрадилар, улар изн беришиди. Қарасак, ҳаммаси ширакайф аҳволда экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳамзани қилиб қўйган иши ҳақида маломат қила бошладилар. Ҳамза эса кайфи ошиб қолган, кўзлари қизариб кетган эди. У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга қаради, аввал кўзини у кишининг тиззаларига қаратди, сўнг киндикларига, сўнг юзларига қаратди. Сўнгра у: «Ҳаммаларинг менинг отамнинг қули эмасмидиларинг?!», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг маст бўлиб қолганини билиб, ортларига қайтиб кетдилар, биз ҳам у киши билан бирга чиқиб кетдик» (Фатхул Борий: №3091).

Бу воқеа маст қилувчи ичимлик ҳаром қилинишидан илгари бўлганди.

29) Ҳатокордан юз ўгириш

Имом Аҳмад раҳимаҳуллоҳ «Муснад»да келтиради: Уқба ибн Молик Абу Назрдан, у Баҳздан ривоят қилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

бир сарийя (жанговор гурух) юбордилар. Сарийя қавмга ҳамла қилди. Қавм ичидан бир киши қочди. Шунда сарийянинг бир аъзоси қиличини яланғочлаб, унинг кетидан эргашди. Шунда ҳалиги киши: «Мен мусулмонман», деди. Бироқ, унинг гапига парво қилмай, бориб ўлдирди. Бу гап Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга ҳам етиб келди. У зот бу ҳақда жуда қаттиқ гаплар қилдилар. Бу қотилга ҳам етиб борди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хутба қилиб турган эдилар, ҳалиги қотил: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, у ўша (мен мусулмонман деб айтган) гапини фақат ўлимдан қутулиб қолиш учунгина айтганди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан ва у томондаги одамлардан юзларини ўғирдилар ва хутбада давом этдилар. У яна: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, у ўша гапини фақат ўлимдан қутулиб қолиш учунгина айтганди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам яна ундан ва у томондаги одамлардан юзларини ўғирдилар ва хутбада давом этдилар. У сабр қилиб туролмади ва яна: «Ё Расулуллоҳ, Аллоҳга қасамки, у ўша гапини фақат ўлимдан қутулиб қолиш учунгина айтганди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга қарадилар, юзларида ғазаб билиниб турарди. Сўнг унга уч бор: «Аллоҳ азза ва жалла мўминни ўлдирган кимсадан юз ўғирди», дедилар (Муснад Аҳмад: 5/289, Ас-силсилатус-саҳиҳа: 2/309).

Насойи раҳимаҳуллоҳ Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилади: «Нажрондан бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди, қўлига тилла узук тақиб олган эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан юзларини ўғирдилар ва: «Сен менинг олдимга қўлингда чўғ билан келибсан», дедилар» (Ал-мужтаба: 8/170, Саҳиҳ сунан ан-Насай: №4793).

Имом Аҳмад бундан кўра соддароқ сиёқда Абу Сайд ал-Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилишича, бир киши Нажрондан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келди, қўлига тилла узук тақиб олганди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ундан ҳеч нарса сўрамадилар ва юзларини ўгириб олдилар. Ҳалиги киши аёли олдига қайтиб, бўлган гапни айтиб берганида аёли: «Албатта бир гап бўлиши керак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига қайтиб боринг», деди. У қайтиб бориб, узугини ва устидаги жуббасини ечиб ташлади. Сўнг изн сўраган эди, изн берилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берди, у зот алик олдилар. У: «Ё Расулуллоҳ, аввалроқ олдингизга келганимда мендан юз ўғирдингиз», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен менинг олдимга қўлингда чўғ билан келгандинг», дедилар. У: «Ё Расулуллоҳ, ундей бўлса, мен кўпгина чўғ билан келганман», деди.

У Баҳрайндан тақинчоқлар олиб келганди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сен келтирган нарсалар биздан ҳарранинг (қиррали тошпоқнинг) тошлари беҳожат қилганча нарсанигина беҳожат қила олиши мумкин. Бироқ, улар дунё ҳаётининг матоларидир», дедилар. Киши деди: «Ё Расулуллоҳ, асҳобларингиз ичида мени маъзур (узрли, айбсиз) қилиб қўйинг. Улар сизни менга ғазаб қилдингиз деб ўйлаб қолишмасин». Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам туриб, уни маъзур қилдилар ва ўзларидан содир бўлган иш (яъни ундан юз ўгиришлари) фақатгина унинг тилла узуги сабабли бўлганини айтдилар (Муснад: 3/14).

Имом Аҳмад Амр ибн Шуъбдан, у отасидан, у бобосидан ривоят қилган ҳадисда айтилишича, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳобларидан бирининг тилла узук тақиб олганини кўриб, тескари қараб опдилар. Ҳалиги одам тилла узукни отиб юбориб, ўрнига чўян узук тақиб олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унга: «Бу энг ёмони! Бу жаҳаннам ахлининг тақинчоқларидир!», дедилар. Кейин у чўян узукни ҳам отиб юборди-да, кумуш узук тақиб олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳақда ҳеч нарса демадилар (Муснад: №163, Аҳмад Шокир иснодини сахих санаган).

30) Хатокор билан алоқаларни узиш

Бу ҳам таъсирчан набавий услублардан бўлиб, хусусан, катта хато ва гуноҳ содир бўлганда яхши самара беради. Чунки, юз ўгириш ва алоқаларни бутунлай узиш хатокорнинг дилига қаттиқ таъсир қиласи. Бунга мисол қилиб Каъб ибн Молик ва унинг икки шериги Табук ғазотидан узрсиз қолиб кетганларида уларга нисбатан қўлланилган ҳажр (алоқаларни бутқул узиш) воқеасини келтириш мумкин. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга уларнинг ҳеч қандай узрлари йўқлиги аниқ бўлиб, буни ўзлари ҳам эътироф этишганидан кейин уларга нисбатан тутган муносабатлари ҳақида Каъб ибн Молик ҳикоя қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларга жангга бормай қолган кишилар ичидан биз уччаламиз билан гаплашишни ман қилдилар. Биз одамлардан четлашдик, улар ҳам бизга нисбатан ўзгардилар, ҳатто кўнглимда ер ҳам бошқача бўлиб қолгандек, мен билган ер эмасди. Шу ҳолда эллик кун қолиб кетдик. Иккала шеригим уйларидан чиқмай, йиғлаб ўтиришарди. Мен эса ёш ва куч-кувватли бўлганим учун уйдан чиқиб, мусулмонлар билан намозда ҳозир бўлардим, бозорларда айланиб юрадим, бироқ ҳеч ким мен билан гаплашмасди. Намоздан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ўтирган жойларига бориб, у

кишига салом берар, кейин ўзимга ўзим у зот саломимга алик олиб лабларини қимирлатдиларми, йўқми, дердим. У зотнинг яқинларида намоз ўқиб, ўғринча кўз ташлардим. Агар намозимга қарасам, мен тарафга қарадилар, у зот томонга қарасам, мендан кўзларини олиб қочардилар. Шу ҳолат чўзилиб кетгач, бир куни амакиваччам ва мен учун энг суюкли кишилардан бўлган Абу Қатоданинг қўрғони деворидан ошиб тушиб, унга салом бердим. Аллоҳга қасамки, у саломимга алик олмади. Шунда мен: «Эй Абу Қатода, Аллоҳни ўртага қўйиб сендан сўрайман, мени Аллоҳ ва расулини яхши кўради деб биласанми?!», деб сўрадим. У индамади. Мен ундан яна қайта Аллоҳни ўртага қўйиб сўрадим, яна индамай тураверди. Учинчи марта сўраганимда: «Аллоҳ ва Расули билувчироқ», деди. Кўзларимдан ёш қуиилиб, ортимга бурилиб, девордан ошиб чиқиб кетдим... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам биз билан гаплашишни ман қилганларидан эллик кун ўтди. Эллигинчи куни бамдод намозини ўқиб бўлиб, уйимнинг томида Аллоҳ зикр қилганидек ҳолатда, кенг ер менга тор бўлиб, дилим сиқилиб ўтирган эдим, бирдан Саль тоғи тепасидан бир одамнинг бор овози билан: «Хушхабар, эй Каъб ибн Молик, хурсанд бўлавер!» деб қичқираётганини эшитдим..» (Фатҳул Борий: №4418).

Ушбу қиссада асло кўздан қочирмаслик керак бўлган етук насиҳат ва улкан фойдалар мавжуд, «Зодул-маъод», «Фатҳул Борий» каби шарҳларда улар ҳақида муфассал айтиб ўтилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ушбу услугга суюнишларига далолат қиласиган яна бир мисол шуки, Имом Термизий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қиласи: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бирон бир хулқ ёлғончиликдан кўра жирканчроқ эмасди. Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида бирон ёлғон гап гапирса, то у ўша ёлғонидан тавба қилганини билмагунларича дилларида (хиралиқ) йўқ бўлмай турарди» (Сунанут-Термизий: №1973).

Имом Аҳмад ривоятида: «Унга нисбатан кўнгилларида (хиралиқ) йўқ бўлмай турарди». (Муснад: 6/152).

Бир ривоятда: «Саҳобаларидан бирон кишида бирор нарсани билсалар, то у ўшандан тавба қилганини билмагунларича унга нисбатан диллари ёришмасди» (Ас-силсилатус-саҳиҳа: №2052).

Бир ривоятда: «Уй аҳлларидан биронтасининг бирон ёлғон гапни гапирганини билсалар, то у тавба қилмагунича ундан юз ўгирадилар» (Ҳоким ривоят қилган, Саҳиҳул-жомиъ: №4675).

Юқорида ўтган ривоятлардан маълум бўладики, хатокордан то хатосидан қайтмагунича алоқани узиб туриш фойдали тарбиявий услублардан саналади. Лекин, бу услугуб фойдали бўлиши учун хатокордан алоқасини узаётган киши унинг қалбига обрў-эътибори бўлган кишилардан бўлиши керак. Акс ҳолда, бу ҳаракатнинг ижобий таъсири бўлмайди ва хатокорда ўша одамдан қутулғанлик ҳисси пайдо бўлиб қолиши ҳам мумкин.

31) Хатосидан қайтишни истамайдиган саркаш хатокорни дуоибад қилиш

Салама ибн ал-Акваб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг олдиларида чап қўли билан еди. У зот: «Ўнг қўлинг билан е!» деган эдилар, у: «Бундай қилолмайман», деди. «Ҳаргиз бундай қилолмагин», дедилар, уни кибри бундан тўсганди. Шундан сўнг у (қўли)ни оғзига олиб бора олмади (Ином Муслим (2021) ривояти).

Ином Аҳмад Иёс ибн Салама ибн ал-Акваб розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Буср ибн Роъил-ийр номли бир кишининг чап қўлида еяётганини кўриб: «Ўнг қўлинг билан е», дедилар. У: «Қўлимдан келмайди», деганди, «Қўлингдан келмасин», дедилар. Шундан сўнг унинг ўнг қўли ҳечам оғзига етмади» (Муснад: 4/45).

Ином Нававий раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ушбу ҳадисда узрсиз шаръий ҳукмга хилоф қилган кишини дуоибад қилиш жоизлигига далил бор. Яна унда ҳар бир ҳолатда, ҳатто овқатланиш пайтида ҳам амри маъруф ва наҳий мункар қилиш зарурлигига далил бор» (Шарҳ саҳиҳ Муслим: 13/192).

Бу ерда шу нарсани ҳам мулоҳаза қиласизки, у кишининг зиёнига қилинган дуо унга қарши шайтонга ёрдам бериш бўлмасдан, балки унинг учун таъзирга ўхшаш бир нарса бўлганди.

32) Хатокорни беҳурмат қилмаслик учун хатосига ишора қилиш билан чекланиб, унинг айрим жиҳатларидан кўз юмиш

Аллоҳ таоло айтади: «Пайғамбар жуфтларидан бирига (яъни Ҳафсага) бир сўзни пинҳона айтганини эсланг! Энди қачонки (Ҳафса) у (сир) ҳақида (Оишага) хабар бергач ва Аллоҳ (Жаброил фаришта воситасида пайғамбарни Ҳафсанинг қилмишидан) воқиф қилгач у (Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзисини билдириди ва баъзисидан юз ўғирди-билдиримади. Қачонки (пайғамбар Ҳафсага ўзи воқиф бўлган нарсанинг баъзиси ҳақида) хабар бергач,

у: «Ким сизга бу хабарни берди?» деган эди, (пайғамбар) «Менга билувчи ва хабардор зот хабар берди», деди» (Таҳрим: 3).

Қосимий раҳимаҳуллоҳ «Маҳосинут-таъвийл»да айтади: «Оятдан олинадики, баъзи гапларни ўзи суюнадиган одамга, масалан аёлига ё дўстига сир қилиб айтиш ва уни бирорга айтмаслигини тайинлашнинг зарари йўқдир. Яна бу оятдан аёллар билан чиройли ҳаёт кечириш ва танбехни ҳам юмшоқлик билан бериш, гуноҳни ковлаштиришдан юз ўғириш кераклиги ҳам маълум бўлади» (Маҳосинут-таъвийл: 16/222).

Ҳасан раҳимаҳуллоҳ айтади: «Карим (олижаноб) одам ҳеч қачон ковлаштирмайди».

Суфён раҳимаҳуллоҳ айтади: «Тағофул (кўриб кўрмасликка олиш) ҳар доим улуғлар феълидан бўлиб келган».

33) Мусулмонга хатосини тузатишига ёрдам бериш

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Биз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан ўтирган эдик, бир киши келиб: «Ё Расулуллоҳ, ҳалок бўлдим», деди. «Нима бўлди?», дедилар. «Рўзадор ҳолимда аёлимга қўшилиб қўйдим», деди у. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Қул озод қила оласанми?», деб сўрадилар. У: «Йўқ», деди. «Узлуксиз икки ой рўза тутиб беришга қодирмисан?», деб сўрадилар. «Йўқ», деди. «Олтмишта мискинга таом бера оласанми?», дедилар. «Йўқ», деди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам жим туриб қолдилар. Шу орада у зот ҳузурларига бир сават хурмо олиб келиб қолинди. «Савол сўровчи қаерда қолди?», деб сўрадилар у зот. «Шу ердаман», деди ҳалиги киши. «Шуни олгин-да, садақа қилиб юбор», дедилар. Шунда ҳалиги киши: «Ўзимдан кўра ҳам фақирроқларгами? Аллоҳга қасамки, (Мадинанинг) икки ҳарраси (яъни, икки чеккасидаги тошлоқ) оралиғида менинг хонадонимдан кўра фақирроқ хонадон йўқ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кулиб юбордилар, ҳатто озиқ тишлари кўринди. Сўнгра: «Буни аҳли-оилангга едир», дедилар (Ином Бухорий ривояти, Фатҳул Борий: №1936).

Ином Аҳмад раҳимаҳуллоҳ Оиша розияллоҳу анходан қилган ривоятда айтилади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Ҳассоннинг серсоя дарахти остида ўтирган эдилар, бир киши келиб: «Ўтга тушдим ё Расулуллоҳ», деди. «Нима бўлди сенга?», деб сўрадилар. «Рўзадор ҳолимда аёлимга қўшилиб қўйдим», деди. Бу воқеа Рамазонда бўлаётганди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўтири», дедилар унга. У одамларнинг чеккарогига бориб ўтирди. Бир

одам эшакка бир сават хурмони юклаб келиб қолди ва: «Бу менинг садақам ё Расулуллоҳ», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бояги ўтга тушдим деяётган одам қани?», дедилар. «Мен шу ердаман, ё Расулуллоҳ», деди у. «Буни олгин-да, садақа қилиб юбор», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, ўзимдан бошқа қаёққа ҳам садақа қилардим?! Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, мен ва бола-чақам (еийишга) ҳеч вақо тополмаймиз», деди. «Унда ол (ўзингга)», дедилар. У олиб кетди» (Муснад: 6/276).

34) Ҳато қилган одам билан мулоқот қилиш, ўтириб у билан гаплашиш

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: «Отам мени обрў-эътиборли бир аёлга уйлантириди. У келинидан хабар олиб туарар ва ундан эри ҳақида сўраб туарди. У (аёлим): «Жуда яхши одам, келганимиздан бери ҳали тўшагимизни босмади, қўйнимизга қўл солмади», деб жавоб беради. Шу ҳолат чўзилгач, (отам) Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мени учрашишимни буюрдилар. Мен у зотга бориб учрадим. «Қандай рўза тутасиз?», деб сўрадилар. «Ҳар куни», дедим. «(Тунги намозда Қуръонни) қандай хатм қиласиз?», деб сўрадилар. «Ҳар кеча», дедим. «Ҳар ойдан уч кун рўза тутинг, Қуръонни бир ойда бир марта ўқиб чиқинг», дедилар. Мен: «Бундан ортиғига ҳам кучим етади», дедим. «Ҳафтада уч кун рўза тутинг», дедилар. Мен: «Бундан ортиғига ҳам кучим етади», дедим. «Икки кун рўзасиз бўлиб, бир кун рўза тутинг», дедилар². Мен: «Бундан ортиғига ҳам кучим етади», дедим. «Рўзаларнинг энг афзали бўлмиш Довуднинг рўзасини тутинг – бир кун рўза тутиб, бир кун оғзингиз очиқ бўлсин. Ҳар етти кечада бир марта хатм қилинг», дедилар. Кошки, ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рухсатларини қабул қилган бўлсан эди. Сабаби, энди кексайиб, заифлашиб қолдим...» (Имом Бухорий ривояти, Фатҳ: №5052).

Аҳмад ривоятида қўшимча изоҳ ва фойдалар бор:

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади: «Отам мени Қурайшлик бир аёлга уйлантиргандилар. У мен(инг уйим)га кириб келганидан сўнг мен ибодатга – намоз ва рўзага бўлган қувватим сабабли унга бепарво бўлдим. Амр ибн Ос келинларининг олдига кириб: «Эринг қандай одам экан?», деб сўрабдилар. Аёлим: «Жуда яхши одам ёки жуда яхши эр, қўйнимизга қўл солмади, ҳали тўшагимизни

² Ҳофиз Ибн Ҳажар ҳадис шархида айтади: «Довудий айтишича, бу ровийнинг адашишидир. Чунки, ҳафтада уч кун рўза тутиш икки кун рўзасиз бўлиб, бир кун рўза тутишдан кўра кўпроқ бўлади. Бу ерда аслида, озрок рўзадан кўпроқ рўзага қараб чиқилган. Мен ҳам унинг эътирозида жон бор деб биламан. Эҳтимол, ровий тарафидан тақдим ва таъхир (ўрнини алмаштириб қўйиш) содир бўлган бўлса керак» (Фатхул Борий: №5052).

танимади», деб жавоб берибди. Отам менга келиб, анча дашном бердилар, «Мен сени Курайшнинг обрў-эътиборли аёлига уйлантиридим, сен эса уни ташлаб қўйибсан, ундан қилибсан, бундай қилибсан», дедилар. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга бориб, устимдан шикоят қилибдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам менга одам юбордилар, мен у кишининг олдиларига бордим. У зот мендан: «Кундузлари рўза тутасизми?», деб сўрадилар. Мен: «Ҳа», дедим. «Кечаларни намоз билан ўтказасизми?», дедилар. «Ҳа», дедим. «Лекин, мен рўза ҳам тутаман, рўзасиз ҳам бўламан, намоз ҳам ўқийман, ухлайман ҳам, аёллар билан бирга ҳам бўламан. Ким менинг суннатимдан юз ўғирса, у мендан эмас. Қуръонни ҳар ойда бир бор ўқиб тугатинг», дедилар. Мен: «Ўзимни бундан кўра қувватлироқ деб биламан», дедим. «Унда ҳар ўн кунда ўқинг», дедилар. Мен: «Ўзимни бундан кўра қувватлироқ деб биламан», дедим. «Унда ҳар уч кунда ўқинг», дедилар. Сўнг: «Ҳар ойда уч кун рўза тутинг», дедилар. «Ундан ортикрофига ҳам қувватим етарли», дедим. Оз-оздан ошириб бордилар, ҳатто: «Бир кун рўза тутиб, бир кун рўзасиз бўлинг. Чунки, бу энг афзал рўзадир. У биродарим Довуднинг рўзасидир», дедилар. Сўнг Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ҳар бир обиднинг бир кучайиш палласи бўлади, ҳар бир кучайишнинг сусайиши ҳам бўлади. (Ўша сусайиши) ё суннатга ёки бидъат томонга қараб бўлади. Кимнинг сусайиши суннат томонга бўлса, ҳидоятланган бўлади. Кимнинг сусайиши бундан бошқа тарафга бўлса, ҳалок бўлади.

«Ҳар қандай амалнинг айни ривожланган палласи бўлади. Ҳар қандай ривожнинг сусайган пайти бўлади. Кимки сусайган вақтида менинг суннатимга мойил бўлса, у албатта нажот топади. Кимки бошқа томонга бурилса, албатта ҳалок бўлади», дедилар. Мужоҳид айтади: «Абдуллоҳ ибн Амр кексайиб, заифлашиб қолган кезлари бир неча кунлар рўзани узмай тутарди, кейин шунча кун оғзи очиқ юрарди. Қуръондан вазифасини ҳам гоҳо кўпроқ, гоҳо камроқ ўқирди, бироқ ададни ё етти кун ё уч кун қилиб тўлдиради. Кейинчалик у: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг рухсатларини қабул қилган бўлишим ундан бошқага бурилишимдан кўра яхшироқ бўларди экан. Лекин, мен у зотдан ажралган пайтимда бир иш устида эдим, энди ундан бошқасига ўтиб хилоф қилишни истамайман», дерди. (Муснад: 2/158, Аҳмад Шокир иснодини саҳих санаган: №6477).

Ушбу воқеадан олинадиган фойдалар

- Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам муаммонинг сабабини, яъни унинг ибодатга кўп берилишдан келиб чиққанини ва аҳли-аёлнинг ҳаққини адо этишга фурсат қолдирмаганини, қусур шундан содир бўлганини билдилар.
- «Ҳар бир ҳақдорга ҳаққини бер» қоидаси тоат-ибодатга қаттиқ берилиб кетган киши ҳаққига ҳам ишлатилади. Мисол учун, кўп дарс беришга шўнгиб кетган толиби илм ёки даъватга муккасидан кетган даъват соҳиби аҳли-аёлига зиён бўладиган ва аёли ундан шикоят қиласидаган даражага етган бўлса, бу нарса тоатларни бажаришда мувозанатдан чиқиб кетишдан келиб чиққан бўлади ва толиби илм дарсини сал камайтириб, даъватчи даъватни меъёрига келтириб, оиласи ва бола-чақаси учун ҳам вақтини ошириши лозим бўлади.

35) Хатокорга унинг ҳолатини ва хатосини очиқ айтиш

Имом Бухорий раҳимаҳуллоҳ Абу Зар розияллоҳу анҳудан ривоят қиласиди: «Бир киши билан ўртамиизда гап қочди. Унинг онаси ажамлардан эди. Мен уни онасига тил теккизиб айбладим. У Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга айтиб берди. У зот менга: «Фалончи билан сўкишдингми?», дедилар. «Ҳа», дедим. «Онасига тил теккиздингми?», дедилар. «Ҳа», дедим. «Сен жоҳилият (феъл-атвори) бор одам экансан», дедилар. «Ёшим шунчага етган бўлсаям-а?!», дедим. «Ҳа! Улар сизларнинг биродарларингиз, Аллоҳ уларни сизларнинг қўл остингизда қилиб қўйган. Шундай экан, кимнинг биродари унинг қўл остида бўлса, ўзи еган таомдан унга ҳам егизсин, ўзи кийган кийимдан унга ҳам кийдирсин. Уларга оғир келадиган ишни юкламанглар! Агар юкласаларингиз, уларга ёрдам беринглар!» дедилар» (Фатхул Борий: №6050).

Имом Муслим Абу Зар розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда: «Биродарларимиздан бири билан ўртамиизда гап ўтди. Унинг онаси ажамлардан эди. Мен уни онаси билан айбладим. У устимдан набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга шикоят қилди. Мен Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга учрадим. У зот: «Эй Абу Зар! Сен жоҳилият феъл-атвори бор одам экансан», дедилар. «Ё Расулуллоҳ, ким эркакларни сўкса, улар унинг ота-онасини сўқадилар», дедим. «Эй Абу Зар, сен жоҳилият (феъл-атвори) бор одам экансан. Улар сизларнинг биродарларингиз, Аллоҳ уларни сизларнинг қўл остингизда қилиб қўйган. Шундай экан, уларга ўзингиз ейдиган таомдан егизинглар, ўзингиз кийган кийимдан кийдиринглар! Уларга оғир келадиган ишни юкламанглар! Агар юкласаларингиз, уларга ёрдам беринглар!» дедилар» (Саҳиҳ Муслим: №1661).

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Абу Зар розияллоху анхунинг юзига айтган бу очик-ошкор танбехларини мазкур саҳобий тӯғри қабул қилишини билганлари учунгина айтганлар. Ошкоралик вақтни қисқартирадиган, куч-харакатни тежайдиган, энг осон йўл билан мақсадга етказадиган фойдали тарбиявий услубдир. Бироқ, у муносиб вақтда ва керакли шахсларга татбиқ қилиниши зарур.

Баъзан даъватчи хатокорга ошкора гапириши агар каттароқ зарап келтиришини ё гапи умуман фойдасиз кетишини билса, яъни, масалан хатокор обрӯ ва мансабдор шахс бўлиб, унинг гапига беписанд қарайдиган одам бўлса, шунингдек, ошкора гапириш хатокорни кўп ноқулай ахволга солиб қўядиган ё хатокор тезда ловуллаб кетадиган одам бўлиб, гапга аксилҳаракат кўрсатиши мумкин бўлган вазиятда ҳам унга ошкора гапиришдан бурилиши керак бўлади.

36) Хатокорни қаноатлантириш

Хатокорни қаноатлантириш мақсадида у билан баҳс-мунозара олиб бориш ҳам унинг кўзини ўраб турган туманли пардани очиб ташлашга ва унинг ҳаққа ва тӯғри йўлга қайтишига ёрдам беради. Имом Табароний раҳимаҳуллоҳ Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадис бунга мисол бўлади: Бир ёш йигит Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Ё Расулуллоҳ, менга зинога рухсат беринг», деди. Шунда атрофдаги одамлар унга қараб ҳойхойлашди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уларга: «Қўяверинглар», дедилар ва йигитни яқинларига чорладилар. У яқин келиб, ўтирди. Сўнгра у зот йигитдан: «Сен буни (зинони) онангга бўлишини истармидинг?», дедилар. У: «Йўқ», деди. «Одамлар ҳам оналарига буни истамайдилар. Қизингга бўлишини истармидинг?», дедилар. «Йўқ», деди йигит. «Одамлар ҳам қизларига буни хоҳламайдилар. Сен буни синглинг учун бўлишини истармидинг?», дедилар. «Йўқ», деди. «Одамлар ҳам буни сингиллари учун хоҳламайдилар. Сен буни амманг учун бўлишини истармидинг?», дедилар. «Йўқ», деди. «Одамлар ҳам буни аммалари учун хоҳламайдилар. Сен буни холанг учун бўлишини истармидинг?», дедилар. «Йўқ, деди. «Одамлар ҳам буни холалари учун хоҳламайдилар», дедилар. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам қўлларини унинг кўксига қўйдилар ва: «Эй Аллоҳ, бунинг гуноҳини кеч, қалбини покла ва авратини сақла», дедилар «Ал-муъжамул-кабир: №7679, 7759).

37) Хатокорга унинг сохта узри мақбул эмаслигини англашиб

Айрим хатокор кишилар ишлари беҳос очилиб қолса, хатоларига бўлар-бўлмас узр ва важ-карсонлар тўқиб кўрсатишга уринишади. Хусусан, дили тоза бўлгани туфайли ёлғонни эплай олмайдиган кишилар сохта узрлар баён қилаётганларида тиллари тутилиб, гаплари ёлғонлиги билиниб қолади. Хўш, мураббий бирон кишидан ана шундай ҳолатга йўлиққанида унга нисбатан қандай муносабатда бўлиши тўғри бўлади? Қуйидаги воқеа Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларидан бир кишига нисбатан тутган ажойиб муносабатни кўрсатиб беради. Ундан биз мураббийнинг хатокорга то хатосидан қайтунича такрор-такрор танбеҳини кўрамиз.

Хаввот ибн Жубайр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга (Макка яқинидаги) Марруз-заҳрон деган жойга тушдик. Мен чодиримдан чиқдим. Қарасам, аёллар гаплашиб ўтиришибди. Улар(нинг гаплашиб ўтиришлари) менга маъқул келиб, ортимга қайтиб, жомадонимдан бир ҳуллани (яхшироқ кийим) олиб кийдим-да, улар олдига чиқиб ўтиридим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам чодирларидан чиқиб қолдилар ва: «Абу Абдуллоҳ! Улар билан нима қилиб ўтирибсан?!», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни кўргач, каловланиб, тилим қалимага келмай қолди. Дудуқланиб: «Ё Расулуллоҳ, туям қочиб кетганди, ўшанга арқон қидириб чиқувдим», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юрдилар, мен ҳам ортларидан эргашдим. У зот ридоларини менга ташлаб, арок (бута номи) орасига кириб кетдилар. Арок барглари орасидан у зотнинг елкаларининг оқлигини ҳозир ҳам кўриб тургандекман. У зот ҳожатларини ўтагач, таҳорат қилдилар, соқолларидан кўкракларига сув оққан ҳолатда келиб: «Абу Абдуллоҳ! Туянг қочиб кетиб, нима бўлувди?!», деб қўйдилар. Кейин йўлга чиқдик. Йўлда қаерда мени кўриб қолсалар: «Ассалому алайка Аба Абдиллаҳ! Ҳалиги тия қочиб кетиб, нима бўлувди?!», деб қўярдилар. Мен бу ҳолатни кўргач, Мадинага тезроқ кириб боришга шошилдим, масjidдан ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суҳбатларидан ўзимни четга тортдим. Анча вақт ўтгач, масjidнинг холилик пайтини пойлаб, масjidга чиқиб бордим ва намоз ўқий бошладим. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳужраларидан чиқиб келиб, енгилгина икки ракъат намоз ўқидилар. Мен у зот кетиб қолсалар деган умидда намозимни чўзиброқ ўқий бошладим. Шунда: «Абу Абдуллоҳ! Истаганингча узун ўқи, то намозингни тугатмагунингча барибир туриб кетмайман», дедилар. Ўзимга ўзим: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга узр баён қилиб, у зотнинг кўнгилларини хориж қиламан», дедим. Намозимни тугатган эдим,

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ассалому алайка Аба Абдиллаҳ! Туяңг қочиб кетиб, нима бўлувди?!», деб қолдилар. Мен: «Сизни ҳақ билан юборган Зотга қасамки, исломни қабул қилганимдан бери ўша туям асло қочиб кетмаган», дедим. У зот: «Аллоҳ сенга раҳматини ёғдирсинг» дедилар уч бор, шундан сўнг бу ҳақда қайтиб оғиз очмадилар. (Табароний, Ал-муъжамул-кабийр: 4/203).

Бу тарбия борасида жуда гўзал дарс ҳамда керакли натижага олиб борувчи ҳикматли услубдир. Ушбу қиссадан яна бир қанча фойдаларни олиш мумкин:

- Гуноҳга қўл уриб қўйган киши ҳайбат эгаси бўлган мураббийдан уялади.
- Мураббийнинг қарашлари ва саволлари – қисқа ва лўнда бўлган тақдирда ҳам – етарлича таъсирли бўлади.
- Тўқима узрни эшитган пайтнинг ўзидаёқ унинг ёлғонлиги билиниб турса ҳам, гапни кўпайтирмаслик ва хато эгасидан юз буриш ҳам хатокорга унинг узри мақбул бўлмаганини сездиришга кифоя қиласи ва уни тавба ва таззаруъга ундейди. Ҳадисдаги «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам юриб кетдилар» деган иборадан шу маънони англаш мумкин.
- Яхши мураббий хатокорга ундан уялиб, кўзидан яшириниб олиш ҳиссини сингдира олган, шу билан бир қаторда унинг олдига келишга мажбур қилувчи ҳожатмандлик ҳиссини ўрната олган, кейин иккинчи ҳисни биринчи ҳисдан ғолиб келадиган қилиб қўя олган мураббийдир.
- Бундай ҳолатда хатокорга нисбатан муносабатни ўзгартириш унинг эътирофи ва ўзидан ўтган хатодан қайтишига қурилади.

38) Инсон табиатига ўрнатиб қўйилган туғма сифатларни риоя қилиш

Аёллар ўртасида бўладиган, хусусан кундошлар ўртасида юз бериб турадиган rashk туйғусини бунга мисол қилиш мумкин. Айрим аёллар баъзан шундай хатога қўл уриб қўйишадики, агар уларнинг ўрнида бошқа одамдан шу хато содир бўлса, унга батамом бошқача муомала қилинган бўларди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёллари ўртасида бўлиб турадиган rashk ва шундан келиб чиқадиган хатолар масаласини хос бир кўринишда риоя қиласидилар, у зотнинг бу риояларида сабр, мулойимлик, шу билан бир қаторда адолат ва инсоф балқиб турарди. Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилган қуйидаги воқеа бунга мисол бўлади: «Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан бирларининг ҳужраларида эдилар. Шунда уммуҳотул-муъминийндан (мўминларнинг оналари, яъни у зотнинг аёлларидан) яна бирлари бир идишда

таом юбордилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўтирган ҳужра соҳибаси бўлган аёллари ходимнинг қўлига бир урган эди, идиш тушиб, бўлинниб кетди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам идиш бўлакларини бирлаштириб, идишда бўлган егуликни унга солдилар ва: «Онангизлар рашк қилди», дедилар. Сўнгра ходимни тўхтатиб, ўзлари ўтирган ҳужра соҳибасидан идиш олдириб, бутун идишни ҳалиги синган идиш соҳибасига бердирдилар, синиқ идишни уни синдирганнинг уйида қолдирдилар» (Фатҳ: №5225).

Имом Насоий раҳимахуллоҳ Умму Салама розияллоҳу анҳодан қилган ривоятда: «Бир кун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан (Оиша розияллоҳу анҳонинг уйида) ўтирган эдилар. Умму Салама онамиз бир идишда таом олиб келдилар. Шу пайт Оиша розияллоҳу анҳо бир ёпинчиққа ўралиб, қўлида тош билан келди-да, у билан идишни иккига бўлиб қўйди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам идишнинг бўлинган икки бўлагини бирлаштириб, саҳобаларга: «Олинглар! Еяверинглар, онангиз рашк қилди» дедилар икки марта. Сўнг Оишанинг идишларини олиб, Умму Саламага юбордилар, Умму Саламанинг (синган) идишини Оишага бердилар».

Имом Доримиј раҳимахуллоҳ Анас розияллоҳу анҳудан келтирган ривоятда: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам аёлларидан бирларининг уйида эканларида бошқа бир аёллари бир идишда сарид (таом тури)ни ҳадя қилиб юборди. Шунда (уй эгаси бўлган аёллари) идишни уриб, синдириди. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам саридни олиб, идишга соларканлар: «Еяверинглар, онангиз рашк қилди», дедилар...».

Аёл кишида рашк туйғуси анча кучли бўлиб, бу уни анча қаттиқ ишларга ҳам етаклайди, ишларнинг оқибатини кўришдан кўзини пардалаб қўяди.

Ҳикматларда айтилганидек, аёл киши рашк қилса, водийнинг пастини юқорисидан ажратолмай қолади.

Хотима

Хушбўй суннат боғларини кезиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одамларнинг хатолари билан муомала қилишда қўллаган услублари билан бирмунча танишиб чиққач, мавзуни тарқ этишдан олдин қуидаги бир неча муҳим нуқталарга эътибор қаратиш яхши бўлса керак:

- Хатоларни тузатиш вожиб ва муҳим ишлардан бўлиб, у диндаги насиҳат жумласидан ва наҳий мункарнинг бир қисмидан саналади. Бироқ, вожиб

- шунинг ўзидангина иборат эмас, чунки дин фақат наҳий мункардангина иборат бўлмасдан, амри маъруф деган қисми ҳам бор.
- Тарбия дегани фақат хатоларни тузатишгина эмас, балки у диннинг асослари ва шариат аҳкомларини ҳам кўрсатиб бериш ва таълим бериш, қалбларда соғлом дунёқараашларни ўрнатиш учун ўrnак кўрсатиш, панд-насиҳат бериш, ибратли ҳикоя ва ривоятлар сўйлаб бериш каби турли хил воситаларни ишга солиш ҳамдир. Мана шу жиҳатдан олиб қараганда, айрим ота-оналарнинг, мударрис ва мураббийларнинг барча эътиборни фақат хатоларни муолажа қилишга ва нуқсонларни қидиришга йўналтиришлари, диндаги асосларни ўргатиш ишига бепарвороқ қараашлари, хато ва эгриликларга тушиб қолишдан тўсадиган қўрғонни тиклашга шошилмасликлари тўғри эмаслиги кўриниб қолади.
 - Юқорида айтиб ўтилган воқеалар ва ҳолатлардан Набий соллаллоҳу алайхи ва салламнинг хатолар билан муомала қилишдаги услубларининг хилма-хиллиги кўринади. Ушбу хилма-хиллик эса ҳолатлар ва шахсларнинг хилма-хиллигига қараб бўлган. Диний билими бор бўлиб, у зотга эргашишни истаган киши ўзига учрайдиган айни шунга ўхшаш ҳолатларни қиёслаб, муайян ҳолатга мос келувчи услугуни танлаб олиши мумкин бўлади.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан дилларимизга фақат тўғриликни илҳомлантиришини, бизларни нафсларимизнинг ёмонликларидан сақлашини, бизларни яхшиликлар учун калитлар ва ёмонликлар учун қулфлар қилишини, Ўзи бизларни ҳидоят қилишини ҳамда бошқаларнинг ҳидоятига сабабчи қилишини сўраймиз. У Эшитувчи, Яқин ва Ижобат қилувчи Зотдир. У энг яхши Хожа, энг яхши Мададкор ва тўғри йўлга йўлловчи Ҳодийдир.

Аллоҳ таоло пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли ва асҳобига саловоту саломлар йўлласин.

Бутун оламлар Рабби бўлмиш Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.

2010 йил 12-май